Мазкур ғўза навини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширилишига эътибор бериш лозим «Порлоқ-4» навининг илдиз тизими бошқа навларга нисбатан ривожланганлиги учун тупроқдаги мавжуд намликлардан яхши фойдаланади ва ўсув даврида бошқа навларга нисбатан камроқ сув талаб қилиб сувга кечроқ келади. «Порлоқ-4» навидан юқори сифатли ва мўл ҳосил олиш бошқа ғўза навлари каби минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Қатор илмий изланишлардан маълумки, 1 тонна пахта хом-ашёсини етиштириш учун тупроқдан 50-60 кг азот, 15-25 кг фосфор ва 50-70 кг калийни (соф холда) олиб чиқиб кетади. Ҳар бир гектарга ҳосилдорлик ва тупроқнинг унумдорлигига қараб, минерал ўғитларнинг 1:0.7:0.5 нисбатда, яъни соф холда 250 кг азот, 175 кг фосфор ва 125 кг калийли ўғитлар бериш яхши натижа беради. Вегетация даврида маҳаллий ўғитни камида 2-3 марта сув билан шарбат усулида суғориш пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Мазкур нав бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги фермер хўжалигида элита уруғчилиги ташкил этилган.

ҚАНД ЛАВЛАГИДА САХАРОЗА МИҚДОРINI ОШИРИШ УЧУН НОМЗОД ГЕНЛАРНИ ЎРГАНИШ

Назиров М.М., Маджитова Р.Р.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.
nazirov.muhammad.1@gmail.com

Қанд лавлаги дунё бўйлаб истеъмол қилинадиган шакарнинг учдан бир қисмини таъминлайди ва этанол ҳолатидаги биоэнергиянинг муҳим манбаи бўлиб



хизмат қилади. Қанд лавлаги ўсимлиги массасининг 18 фоизини сахароза ташкил қилади. Сахароза синтезига жавоб берадига генлар кўп ўрганилган. Сахароза синтаза (SS), сахароза фосфат синтаза (SPS), сахароза транспартёрлари шу генлар жумласидан. Лекин SS ва SPS генлари синтезида сахароза биосинтезидаги энг муҳим фермент бўлса ҳам, уларни овер экспрессияси сахароза миқдорини оширмаган. Шунингдек, цитокининнинг юқори миқдори хужайра бўлинишини тезлатиб, сахароза тўпланиши учун кўпроқ жой ҳосил қилади. Шунинг учун бактериял цитокинин синтезловчи генларни ўсимликка киритиб текширилган. Лекин бу ўсимлик биомассаси ошишига олиб келди ва сахарозанинг кўп қисми ўсимлик ўсиши учун сарф бўлиб, унинг фоизи тушиб кетган. Шунинг учун, ушбу стратегия ҳам иш бермаган. Кўп сахароза илдизда тўпланиб, у ерда вакуолаларга йиғилади. Бу жараён билан боғлиқ вакуол транспортини таъминловчи TST генлари арабидопсис (*Arabidopsis thaliana*) ўсимлигидан ажратилган ва клонланган. Учта TST генларини (TST1, 2 ва 3) ўз ичига олган арабидопсис геномидан фарқли ўларок, қанд лавлаги геномида тўртта TST ортологлари мавжудлиги аниқланган. TST генлар кейинчалик VvTST2.1 ва VvTST2.2 деб номланди.

VvTST2.1 гени қанд лавлаги илдизидида юқори ва тўқима специфик экспрессия бўлиши шакар тўпланиши билан боғлиқ ҳисобланади. VvTST2.1 гени концентрацияли градиентларга қарши SUS генини ташиш учун трансмембран фаоллигини намоён этадиган оқсил ҳисобланиб, лавлаги илдизидида юқори миқдорда бўлади. VvTST2.1 сахароза учун специфик транспортёр ва бу протеин сахарозанинг протон антипортери бўлиб ишлайди ва қанд лавлаги илдизларига сахарозанинг вакуумли сўрилиши учун жавобгардир. VvTST2.1 нинг овер экспрессияси қанд лавлаги ва бошқа шакар сақлайдиган ўсимликларда шакар миқдорини кўпайтиришга ёрдам беради. Бугунги кунда, биз ушбу геннинг овер экспрессияси учун 35S промоутерига эга VvTST2.1 генини ўз ичига олган конструкцияни яратдик.



АРТЕМИЗИНИН БИОСИНТЕЗИ

Назирова М.М., Аюбов М.С., Тохирбек Н.М., Хасанова Н.А.,
Мамажонов Б.О., Маджитова Р.Р.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.
nazirov.muhammad.1@gmail.com

Артемизинин эндопероксид сесквитерпен лактон бўлиб, у *Artemisia annua* L. нинг ер остки қисмида ҳосил бўлади. WХО дастури безгак тарқалган худудларда артемизининли дори воситаларини қўллаши тавсия қилади. Артемизинин инсонларда аллергия ҳосил қилмайди. *Plasmodium falciparum* ва *Plasmodium vivax* га қарши ишлатилади.

Артемизининларнинг замбуруғларга (*Cryptococcus neoformans*), вирусларга (ситомегаловирус), гельминтларга (*Schistosoma* ва *Fasciola hepatica*) ва лейшманиозга қарши таъсири борлиги аниқланган.

Артемизинин апоптозни кучайтириши, ангиогенезни олдини олиши, саратон хужайраларининг бўлиниш циклининг тўхташига олиб келиши аниқланган, Артемизинин аллергия ва септик яллиғланиш касалликлардаги фойдали таъсири Tollга ўхшаш рецепторлари, Сук тирозин киназалари, фосфолипазалар С₇, NF-κB, Sp1 ларни ингибициялаши орқали амалга ошади. *Artemisia annua* L. таркибида артемизинин миқдори 1-4% бўлиб бу дунё буйича артемизинин талабини қондра олмайди. Кимёвий синтез мураккаб ва ўта қиммат ҳисобланади. Ҳозирги кунда саноат миқёсида артемизинин фақатгина *Artemisia annua* L. дан олинади.

Артемизинин биосинтези билан боғлиқ генларнинг мРНК кетмакетлиги ҳозирда GenBank га киритилган. Артемизининнинг биосинтез йўлида углерод скелети 14,2% MVA ва 80% MEP/DXP йўлидан ҳосил бўлади. MVA йўлида ацетил-СоА HMGS (GQ468550), HMGR(AF142473) ферментлари орқали мевалонат кислотага айланади, ундан сўнг бир неча реакциялар билан геранилгеранил



пирофосфатга (GPP) айланади. MEP/DXP йўлида эса DXPS (AF182286), DXR (AF182287), IDS(DQ666334), GPPS(PWA77350.1) ферментлари орқали геранилгеранил пирофосфага (GPP) айланади. Кейин геранилгеранил пирофосфа фарнесил дифосфат синтазаси (FPS) (U36376) ферменти томонидан фарнезил пирофосфатга (FPP) айланади. FPP нинг асосий метаболизм йўллари CPS (AF472361), ECS (AJ001539), FDS (U36376), GAS (DQ447636), ADS (AF138959), SS (AY445505) генлари ҳисобланиб, улардан ADS йўли орқали артемизинин ҳосил бўлади. FPP нинг асосий қисмини SS ва ADS метаболомик йўллари ўзлаштириб олади. SS гени ADS генини боқариши аниқланган. SS гени нокаут килинган ўсимликларда ADS гени экспрессияси ошгани кузатилган. Шуниндек, бу натижалар ADS гени промотери билан киритилган GFP нинг шулаланиши ошиши орқали ҳам тасдиқланган. ADS ферменти фарнезил пирофосфатни аморф 4,11-диенга айланиради. Аморф 4,11-диен P450 ферменти (CYP71AV1, DQ453967), редуктаза (DBR2, EU704257), алдегид дегидрогеназа (Aldh1, FJ809784) ферменлар орқали артемизин кислотасига айланади. Ушбу генлар BLAST дастури орқали *Nicotiana benthamiana*, *Arabidopsis thaliana*, *Gossypium hirsutum* ўсимликларида текширилганда ADS генидан бошқа барча генлар мавжудлиги аниқланди. ADS генини ушбу ўсимликларга киритиб артемизин кислотасини олиш имкони мавжуд. Артемизин кислота бир неча реакциялар билан осон артемизининга айланади. Адабиётларда HMGR, FPS генлари ҳам чекловчи омил булиши мумкинлиги келтирилган. Шу сабабли биз, тадқиқотларимизда артемизин кислотаси миқдорни ошириш мақсадида ADS, HMGR, FPS генларини биргаликда киритишни режалаштирдик.



ЎСИМЛИКЛАРДА ДНК-БАРКОДЛАШ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

Норбеков Ж.К., Тураев О.С., Хошимов С.Қ., Хусенов Н.Н., Кушанов Ф.Н.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.
jurabek42@mail.ru

ДНК-баркодлаш ўсимлик турларини тезкорлик билан аниқлаш ҳамда уларни идентификация қилишда ДНК нинг стандарт тартибланишини белгилайди. Эукариот организмларда мавжуд митохондрия ўзининг ҳалқасимон ДНК сига эга бўлиб, ушбу ДНК да 37 та ген мавжуд. Шунлардан бири CO1 (Ситохром оксидаза 1) гени бўлиб, 600 жн (жуфт нуклеотид) га тенг. ДНК-баркодлашда CO1 гени ҳайвонлар учун стандарт баркодкод сифатида қабул қилинган. Ушбу нуклеотидлар кетм-кетлиги бирорта бир турда қайтарилмайди (hujauga.uz). Ўсимликлар учун стандарт ДНК-баркод тезликда муваффақиятга эришилмаган ва бир неча йиллар давомида ботаниклар томонидан қабул қилинмади. Митохондрия, плазмида ва ядро геномидаги ген ҳудудлари кенг тавсифлангандан сўнг тўртта асосий ген ҳудудлари (*rbsL*, *matK*, *trnH-psbA*, *ITS*) ўсимликлар учун стандарт ген ҳудуди сифатида қабул қилинган.

Ҳаёт баркоди уюшмаси (Consortium for the Barcode of Life - CBOL) – ўсимликлар ДНК-биркодини яратилишини кўллаб қувватлаш халқаро ташкилоти бўлиб, ушбу ДНК-баркодлаш халқаро стандартга эга ҳамда ўсимликларнинг умумий баъзасини ишлаб чиқаришга қаратилган. ДНК-баркодлаш номаълум организмни турларга ажратишда геном кетма-кетликларидан фойдаланилади. ДНК ни баркодлаш жараёни, аниқланган турларни маълумотлар баъзасини ташкил қилган кутубхонасини барпо этиш ва уларга келиб чиқиши ноъмалум номутаносиб бўлган организмларни таққослаш, улар ўртасидаги ўхшашлик даражасини аниқлаш учун қулай восита бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай тур учун бериладиган



баркодлаш супермаркет ёки дорихоналарда маҳсулотга бериладиган штрих-кодга ўхшайди. Унда ҳам намунани аниқлаш вазифасини бажаради. ДНК-баркодлаш нафақат филогенетик муносабатларни ўрганиш учун балки номаълум турларни аниқлашда, молекуляр ўзгарувчанликни ҳамда бир турдаги яқин ҳудудларини бирига мос келмаслигини аниқлаш имкониятига эга. ДНК-баркодлаш усулининг фойдаланувчиси фақатгина биология ёки ботаника эмас, балки бошқа соҳа мутахассислари ҳам бўлиши мумкин; масалан, суд экспертиза, биотехнология, озиқ-овқат саноати, зоология йўналиши ва бошқа соҳа олимлари ҳам кенг фойдаланиши мумкин.

Маркази олимлари томонидан ДНК-баркодлаш усули ёрдамида маҳаллий буғдой навларининг генетик паспорти ишлаб чиқилмоқда. Бунда, республиканинг турли ҳудудларида яратилган истиқболли 32 та буғдой нав ва нав намуналари танлаб олинди. Молекуляр таҳлилларни ўтказиш учун марказда мавжуд 145 та буғдой геномига хос микросателлит маркерлар тўплами тадқиқот учун танлаб олинди. Намуналар ушбу маркерларнинг 96 таси билан ПЗР таҳлиллари олиб борилди ҳамда генотипланди. Қолган SSR маркерлар ёрдамида ПЗР таҳлиллари давом эттирилмоқда. Генотиплаш натижасида танланган маркерларнинг 68 таси ўзаро полиморфизмни намоён этди, 8 таси еса мономорф эканлиги кузатилди, шунингдек, 20 та намунада ПЗР амплификация юз бермади. Ҳозирда, ушбу 76 та буғдой генотиплари таҳлиллар натижасида уларнинг филогенетик муносабатлари ўрганилган. Биоинформатик таҳлиллар асосида ушбу навларнинг молекуляр-генетик паспортини ишлаб чиқариш мақсад қилинган.



КАРТАЛАШТИРИШ ПОПУЛЯЦИЯСИ БОШЛАНҒИЧ АШЁЛАРИНИ ШЎРЛАНГАН МУҲИТДАГИ ТОЛА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Нормаматов И.С., Холмуродова М.М., Юлдашева Н.З.,
Тураев О.С., Кушанов Ф.Н.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.
ilyosnormamatov@mail.ru

Бугунги кунга келиб, дунё иқлимнинг глобал ўзгариши тупроқ чўрланиши ками жиддий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Тупроқ таркибида асосан сувда эрийдиган калий, магний, калций ва хлор каби кимёвий элементларнинг тўпланиши тупроқ шўрланишга олиб келди. Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдаланиладиган ер майдоларининг ҳар йили 1-2% га қисқаришига сабаб бўлувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз суғориладиган ер майдонларининг катта қисмида ғўза етиштирилиб, у тахминам 1,2 миллион гектарни ташкил этади. Тупроқ шўрланиши ғўзанинг ҳосилини камайтириш билан бирга, унинг морфо-биологик белгиларига ва аграномик кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шу каби муаммоларни инобатга олган ҳолда ғўзанинг уяли ассоциатив карталиштириш (УАК) популяциясидан фойдаланиб, ғўзанинг тола сифати, ҳосилдорлиги ва шўрга чидамлилигини бошқаришда иштирок этувчи QTL/генларни молекуляр карталиштириш устида иш олиб борилмоқда. Ғўзада шўрга чидамлилик генларининг аниқланиши, келгусида молекуляр селекцияни амалга оширган ҳолда, қисқа муддатларда такомиллашган ғўза навларини яратиш имконини беради.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланиб, икки хил муҳитда шўрланган ва оптимал тупроқ шароитида етиштирилган ғўзанинг УАК популяцияси ота-она намуналарини тола



сифат кўрсаткичлари бўйича ўзаро фарқликларини ўрганишга қаратилган. Ҳар икки муҳитда ҳам тадқиқот намуналари орасида 0-030 линиясида толанинг микронеёр кўрсаткичи тегишли равишда 3,0 ва 3,9 ни ташкил этди. Оптимал муҳитда ўстирилган КК-1796, КК-1795, L-1000 ва Нарісала 19 ғўза линияларининг микронеёр кўрсаткичи 4,0 дан 4,9 гачани намоён этган бўлса, шўрланган муҳитдаги худди шу намуналарнинг мазкур белгиси 5,0 дан 5,9 гача эканлигини кўрсатди. Шунингдек, қолган генотипларнинг микронеёри иккала муҳитда ҳам деярли ўзгармади. Тадқиқотдан шу нарса маълум бўлдики, шўрланган тупроқ шароити ўсган ғўза намуналари толасининг микронеёр кўрсаткичи оптимал шароитдагиларга нисбатан бироз ёмонлашади.

УАК популяцияси бошланғич намуналарини шўрланган муҳитда баҳолаш, келгусида улар асосида яратилган популяцияни тўғри танлаш ва шўрга чидамлилиқ QTL/генларини юқори аниқликда молекуляр карталаштириш имконини беради.

RNAi ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ҒЎЗА ЛИНИЯЛАРИДАГИ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ БИР ГЕНОТИПГА ЖАМЛАШ

Норов Т.М., Аюбов М.С., Мамажонов Б.О., Бўриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.
info@genomics.uz

RNAi (РНК интерференция) организмдаги муайян генлар фаоллигини тўхтатиб қўйиш имконини беради. Ушбу технология ёрдамида марказда ғўзанинг сифат ва миқдор белгиларини бошқарилишида иштирок этадган маълум бир генларни нокаутлаш ёки аксинча жадаллаштириш йўли билан биотехнологик линиялар олинган. Хусусан ғўза ўсимлигидаги РНУА1, ESKIMO, FoSTUA генлари нокаут қилиниши натижасида тола сифати, эртапишарлиги ва ҳосилдорлиги юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган навлар яратилган.



Тадқиқотимизда яратилган биотехнологик линиялардаги қимматли хўжалик белгиларини бир генотипга жамлашни мақсад қилдик.

Генларни пирамидалаш тадқиқотлари чет эл олимлари томонидан бир неча ўсимликларда олиб борилган. Хусусан, модел организм *Arabidopsis thaliana* ўсимлигида турли оқсилар экспрессиясига алоқадор бир қанча генлар биргаликда ягона векторга киритилган ва олинган мутантларда юқоридаги генларнинг ген экспрессиялари ўрганилган. Аммо ушбу тадқиқотлар фундаментал характерга эга бўлиб, ҳали қишлоқ хўжалигига жорий қилинмаган.

RNAi технологияси ёрдамида олинган биотехнологик линиялар марказ тажриба майдонида экилиб униб чиққан ниҳоллардан геном ДНК ажратилди. Ажратилган ДНК намуналарига ПЗР (полимераза занжир реакция) ўтказилди ва электрофорез усулида генотипланди. Ўзида *pHellsGate-8_PHYA1*, *pHellsGate-8_ESKIMO* ҳамда *pHellsGate-8_LaeA* ген конструкцияларини тутган генотиплар тадқиқод материаллари сифатида танлаб олинди. Ўсимликлар гуллаш даврида бири бири билан ўзаро чатиштирилди. F₁ авлод дурагайлари фитатронга экилиб уларда юқоридаги ген конструкциялар мавжудлигини аниқлаш мақсадида қайта ПЗР ўтказилди ҳамда 10 та генотипда ўсимликларни қизил ва узоқ қизил нурларни сезишга жавоб берадиган PHYA1 ва қурғоқчиликга чидамлилигига жавобгар бўлган ESKIMO ген конструкцияси мавжудлиги аниқланди. Ушбу генотиплар ғўзада вилт касаллигини қўзғатувчи фитопатоген замбуруғнинг иккиламчи метоболитлари синтезида иштирок этувчи LaeA генини нокаутловчи махсус *pHellsGate-8_LaeA* ген конструкцияси мавжуд биотехнологик ғўза линияси билан чатиштирилди.

Яратилган мураккаб дурагайларни текшириш мақсадида турли сифат реакциялари қўйилди. Ушбу конструкцияни BioEdit дастурида таҳлил қилинганда ушбу конструкция орқали нишон қилинган генларни “ўчириш” эҳтимоллиги юқори эканлиги кузатилди.

Ҳозирда яратилган мураккаб комбинацияли гибридларнинг турли абиотик



стрессларга ва касалликларга чидамлилигини ўрганиш мақсадида лаборатория ҳамда дала синовлари амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда RNA интерференция технологияси бир ўсимликда уч ва ундан ортиқ қимматли хўжалик белгиларини бошқарувчи генларни ген-нокаут йўли билан ўчириш ёки фойдали генларни оверэкспрессия қилиш орқали янги биотехнологик навлар ва селекция учун қимматли бошланғич линиялар яратилади.

ЧАСТОТА ВСТРЕЧАЕМОСТИ АЛЛЕЛЯ CYP2C19*17 У НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Нурматова С.Б.¹, Абдухалимова С.А.², Далимова Д.А.², Турдикулова Ш.У.²

¹ Институт биохимии и биофизики, Ташкент, Студенческий городок, 174

² Центр передовых технологий, Ташкент, Студенческий городок, 3А
saida89nur@mail.ru

Межиндивидуальная вариабельность терапевтического лекарственного ответа может приводить к неблагоприятным лекарственным реакциям (НЛР) или недостаточной эффективности и представляет собой ключевую проблему для систем здравоохранения. Примечательно, что 40–70 % пациентов испытывают недостаточную реакцию на лекарства или токсичность препарата, и на НЛР приходится 6,5 % всех госпитализаций, из которых до 30 % опасны для жизни в группах риска. Генетический полиморфизм в метаболизирующих лекарство ферментах, переносчиках или мишенях для лекарств объясняет примерно 20–30 % этих межиндивидуальных различий. Ферменты цитохрома Р450 (СУР) представляют собой полиморфное суперсемейство, состоящее из 57 функциональных членов у людей, которые метаболизируют более 80 % всех клинически используемых препаратов. Один из ферментов, метаболизирующих лекарство, является СУР2С19. Этот фермент имеет важную клиническую значимость, так как он высоко полиморфен и участвует в метаболизме



многочисленных широко назначаемых препаратов. Субстраты CYP2C19 включают ингибиторы протонной помпы (омепразол), трициклические антидепрессанты (амитриптилин), селективные ингибиторы обратного захвата серотонина (циталопрам), противосудорожные препараты S-мефенитоина). В гене CYP2C19 были идентифицированы 35 полиморфных вариантов. Один из полиморфных маркеров гена CYP2C19 является CYP2C19 * 17 (-806C> T). Данный полиморфизм связан с повышенной транскрипцией генов и, следовательно, ультрабыстрым метаболизмом субстратов CYP2C19. Несколько исследований показывают межэтнические различия в распределении этого варианта аллеля и не было проведено никакого исследования для оценки распределения этого полиморфного маркера у населения Узбекистана. Таким образом, настоящее исследование направлено на изучение частоты встречаемости аллеля CYP2C19*17 у населения Узбекистана.

Для осуществления данного исследования было собрано 116 образцов венозной крови добровольцев без хронических и наследственных заболеваний возраста 55 лет и старше. Из собранных биологических образцов выделена геномная ДНК и проведена гнездовая полимеразная цепная реакция (гнездовая ПЦР) по полиморфизму с. – 806 C> T аллеля CYP2C19*17. Далее был проведен рестрикционный анализ с помощью фермента Zsp2I. В результате генотипирования образцов по полиморфизму с. – 806 C> T аллеля CYP2C19*17 выявлены следующие генотипы: CC – у 74 (63, 8 %), CT – у 39 (33,6 %), TT – у 3 (2,6 %) людей ($p < 0,05$). Встречаемость C аллеля (нормальный) по данному полиморфизму составила 187 (80 %), а T аллеля (мутантный) 45 (20 %). При генотипе CT и TT увеличивается метаболизм что приводит к неудаче терапевтического лечения некоторых заболеваний. Частота аллелей CYP2C19 * 17 встречается 18% в шведской, 4% в китайской, 1,7 % в японской популяциях, 25,7 % в Саудовской Аравии и 17–18% у африканцев. Исследование полиморфизма CYP2C19 было запланировано из-за его



важности для многих сердечно-сосудистых, противоэпилептических препаратов и из-за высокой распространенности плохих метаболитов в популяциях Европы и Азии. Результаты исследования могут позволить нам в будущем выявлять генетические изменения в ферментах, метаболизирующих лекарственные средства, которые могут быть полезны для клиницистов, чтобы предложить правильную дозировку и эффективность лекарств, метаболизируемых этим полиморфным ферментом, чтобы избежать побочных реакций лекарств.

ГЕНЛАРНИ ПИРАМИДАЛАШ УСУЛИ ОРҚАЛИ ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРГА ЧИДИМЛИ ҒЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИ ОЛИШ

Орзукулова Б., Умедова М., Хусенов Н., Тураев О.С., Кушанов Ф.Н.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.
ozodturaev@gmail.com

Ғўза барги ва танасидаги трихомаларнинг (туқлар) мавжудлиги, навнинг муҳим морфологик хусусиятлардан бири ҳисобланади. Хусусан, 1 см² барг юзасида 100-150 та ёки ундан кўпроқ трихоманинг мавжудлиги навнинг ғўза битлари (*Aphis gossypii*), тамаки трипси (*Thrips tabaci*) ва оққанот (*Bemisia tabaci*) каби баъзи сўрувчи зараркунандаларга чидамлилигини таъминлаши кенг кўламли тадқиқотларда исботланган. Илк бор, АҚШнинг Монсанто компанияси томонидан 1996 йилда замонавий биотехнология усулларидадан фойдаланиб, ҳашаротларга чидамли трансген “Bollgard” ғўза нави яратилган ва ушбу технология муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилот томонидан патентланган. Шу кунга қадар, дунёнинг кўплаб пахта дала майдонларида мазкур трансген ғўза навлари экиб келинмоқда. Аммо, ғўза селекцияси соҳасида ДНК маркерлар технологиясидан фойдаланиб, зараркунанда ҳашаротларга чидамлилик ген/QTL локусларини идентификация қилиш бўйича тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.



Ҳозирги кунда, марказнинг Маркерларга асосланган селекция лабораториясида ДНК маркерларидан фойдаланиб ғўзанинг тола сифати юқори, фузариозли ва вертициллёзли вилт касаликларига ҳамда сўрувчи зараркунанда ҳашаротларга чидамли генотиплар олиш устида тадқиқотларни олиб борилмоқда. Ҳозирда, тола сифати юқори, ҳосилдор ва эртапишар Равнақ-1, Равнақ-2, Барака, Саҳоват ва Тафаккур ғўза навлари иштирокида BC_2F_2 авлод дурагай комбинациялари олинган. Мавжуд дурагайлардан СТАВ усулида геном ДНК ажратилди ҳамда полимераза занжир реакцияси (ПЗР) таҳлили асосида геномида керакли аллели мавжуд генотиплар селекция қилинди.

Келгусида, тадқиқот натижалари асосида вилт касалликлари ва сўручи зараркунанда ҳашаротларга чидамли, тола сифати ва ҳосилдорлиги юқори, эртапишар ғўза навлари яратиш қасад қилинган.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ ГУЛЛАШ ГЕНЛАРИНИ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ

Орипова Б.Б.¹, Кушанов Ф.Н.^{1,2}

¹ Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, 174-уй

² Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.

Ғўза дунё тўқимачилик саноатини табиий тола билан таъминловчи энг асосий экин ҳисобланади. Шу сабабдан ушбу экиннинг тола сифат кўрсаткичларини яхшилаш пахтачилик билан шуғулланувчи давлатлар ғўза селекцияси дастурларининг энг асосий ва муҳим вазифаларидан биридир. Глобал иқлимнинг ўзгариши сўнгги йилларда дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида етиштириладиган ғўза экини ҳосилдорлигининг пасайишига ва тола сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Ғўза геномини тадқиқ этиш, ғўза генофонди хилма-хиллигининг негизида ётувчи генетик хилма-хилликни молекуляр даражада ўрганиш, яратиладиган янги навларнинг генетик асосини



яхшилаш, уларнинг биотик ва абиотик омилларга чидамлилигини оширишда геномика соҳасида яратилган технологияларни қўллаш юқорида келтириб ўтилган вазифаларни бажаришни осонлаштиради. Ўсимликнинг эртапишарлиги, толанинг сифат кўрсаткичлари, гуллаш даврини аниқлашда нафақат анъанавий кузатув, балки молекуляр анализ усулидан яъни генларнинг таркибидан фойдаланиш тадқиқот натижалари аниқ ва ишончли бўлишини таъминлайди.

Ғўза турларининг кўплаб ёввойи ва примитив шакллари қисқа-кун ўсимликлари бўлиб, фотопериодизмга ўта сезувчан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам дунё селекционерлари ёввойи тур ғўза гермплазмаси вакилларида селекция дастурларида фойдаланишда бирмунча муаммо ва қийинчиликларга дуч келади. Галапагос оролларида эндемик ҳисобланувчи тетраплоид (AD5геном) хромосома тўпламли ёввойи *Gossypium darwinii* Watt тури “қурғоқчиликка бардошлилик”, “нематода зараркунандасига чидамлик”, “тола сифати” ни яхшилаш хусусиятларига эгадир. Шунингдек, Fryxell P.A. 1992) маълумотларига кўра, *G.darwinii* юқори шўрланган тупроқларда ҳам ўсиб ривожлана олади. *G.darwinii* турининг *G.hirsutum* L.тури билан ўзаро чатишиш хусусиятини ва *G.hirsutum* тури генетик базасининг торлигини инобатга олган ҳолда *G.darwinii* турининг қимматли хўжалик белгиларини, мавжуд ўрта толали ғўза навларини яхшилаш мақсадида, *G.hirsutum* турига интродукция қилиш мумкин. Шу сабабли, *G.darwinii* турининг фотопериодизм сезувчанлик хусусиятини бошқарувчи генетик локусларни идентификация қилиш, уларни карталаштириш, ундаги гуллаш муддатини белгиловчи генларни қидириб топиш –ушбу тур қимматли хўжалик белгиларини керакли генотипларга MAS технологиясидан фойдаланиб кўчириб ўтказиш ва шу асосида истиқболли навлар яратиш имконини беради.

Ғўзанинг гуллаш белгиларини ўрганиш, фотопериодизм сезувчанлик билан ассоциацияланган QTL-локусларни молекуляр карталаштиришга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар



олинган; фитохром генларининг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланган (Буэнос-Айрес университети, Аргентина), фотопериодик гуллаш билан бевосита боғлиқ бўлган биринчи ҳосил шохининг баландлиги белгисига бириккан QTL-локуслари карталаштирилган (Миссиссипи давлат университети, АҚШ), QTL таҳлилидан фойдаланиб *G.hirsutum* x *G.darwinii* турлараро популяциясида гуллаш генлари идентификация қилинган (Нанкин қишлоқ хўжалиги университети, Хитой), фитохром генлари клонланиб, ДНК кетма-кетлиги аниқланган ва улар асосида «ген-нокаут» технологияси ишлаб чиқилган (Геномика ва биоинформатика маркази, Ўзбекистон).

Ғўза экинида гуллаш ва фотопериодизмга сезувчанликнинг бошқарилишида муҳим ўрин тутувчи асосий генларни ўрганиш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, *G. hirsutum* турида арабидопсис FLOWERING LOCUS T (FT) гуллаш гени ортологининг оверэкспрессиясини (B.G.Ayre et al., 2013), FLORICAULA/LEAFY (FLO/LFY) ортологининг клонланиши, тавсифланиши ва экспрессиясини, *G. barbadense* туридаги фотопериодик реакцияга жавоб берувчи *Gb_Ppd1* генини ўрганиш каби тадқиқотлар бунга яққол мисол бўла олади. РНК-интерференцияси технологиясидан фойдаланиб фитохром А (PHYA) ва В (PHYB) генлари экспрессиясини ўзгартириш ғўзада эрта гуллашга олиб келган. Яқинда олиб борилган тадқиқотларга кўра, *G. hirsutum* турида аниқланган FLOWERING PROMOTING FACTOR1 (FPF1) гомологи GhFPF1 арабидопсисда оверэкспрессия қилинганда PHYB мутантларидаги каби гуллаш муддати ўзгарганлиги кузатилган. Бироқ, айнан ғўзанинг *G.darwinii* турида фитохром генларини ва фотопериодизм сезувчанликни молекуляр даражада ўрганиш бўйича санокли тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, *G. hirsutum* ва *G. darwinii* турлараро популяциясидан фойдаланиб гуллаш билан боғлиқ генларни ва QTL-локусларни карталаштириш Z.S.Zhang et al., (2016) томонидан амалга оширилган.

Шу маълумотлардан фойдаланиб келгусида SSR ва CAPS маркерлари



ёрдамида ғўзада гуллаш генларини ва фотопериодизм сезувчанлик хусусиятларини аниқлаш ва QTL-карталаштириш имкони туғилади. Бундан ташқари ғўза фитохром (PHYA, PHYB) ва HY5 генлари учун янги, ген-специфик CAPS ва dCAPS (Cleaved Amplified Polymorphic Sequences) маркерларини ишлаб чиқиш ғўзанинг генетик бирикканлик картасида PHYA, PHYB ва HY5 генларининг хромасомадаги жойлашувини (позициясини) аниқлаш, ғўза коллекциясининг *Gossypium* авлодига мансуб турлари ичидан фотопериодизм сезувчанлик хусусияти турлича бўлган ота-она шаклларини танлаш ва улар асосида F₂₋₃ авлод дурагайларини олиш, фотопериодизм сезувчанлик бўйича генетик жихатдан ажралган F₂ ва F₃ авлод дурагайларида дала шароитида фенотипик кузатувлар олиб бориш мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги ғўза навларининг ҳосилдорлиги, тола сифати ва тупроқ-иқлим шароитларга мослашувчанлиги уларни яратиш селекцияси бўйича технологиянинг юқори даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. QTL (Quantitative Trait Loci) карталаштириш технологиясининг ишлаб чиқилиши қишлоқ хўжалик экинлари навларини яхшилашда селекция имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди. Хусусан, фенотип бўйича танловни генотип даражасидаги селекцияга алмаштирувчи “Маркерларга асосланган селекция” (MAS) технологияси янги йўналиш сифатида кириб келди. Қимматли генларни, шу жумладан эрта гуллашни бошқарувчи генларни MAS-технологияси билан селекция жараёнларига жалб қилиш келгусида янги ғўза навларини генетик жихатдан янада бойитиш ва яхшилаш, ва шу орқали жаҳон бозорида мамлакатнинг рақобатбардош маҳсулотини билан таъминлаш имкониятини беради.



RHIZOBIUM RADIOBACTER SZ4S7S14 ШТАММИДА ЭКЗОПОЛИСАХАРИД ГЕНЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАРИ ТАВСИФИ

Паттаева М.А., Паттаев А.А., Зоҳидов А.А. Расулов Б.А.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Юқори Юз, Қибрай тумани, Тошкент вилояти
Bakhtiyor_1980@mail.ru


Айрим бактерия штамmlарининг экзополисахарид (ЭПС) синтезига жавобгар генларининг (ЭПС-ген) турли шароитларда экспрессияси турли структурали биополимерлар синтезланишига олиб келади. Шу мақсадда ушбу тадқиқотда ЭПС синтезига фаол *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штамми ва ЭПС-генларнинг турли шароитларда экспрессияланиши натижасида ҳосил бўладиган ЭПС намуналари тадқиқ этилди.

Rhizobium radiobacter SZ4S7S14 штаммининг транспозон мутагенез йўли билан олинган мутант ва ёввойи шакллари солиштирма таҳлили асосида ЭПС1 туркумига мансуб экзополисахаридлар синтезига жавобгар *exoK* ва *exoM* генлар тўплами мавжуд эканлиги аниқланди. Бу эса аввалдан маълум бўлган ЭПС синтезига жавобгар йирик ген кластерига мувофиқ келишини кўрсатди (1-расм).

Моддаларнинг ИҚ-спектрлари асосида кимёвий боғлар ва функционал гуруҳлар табиати ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлса, уларнинг масс-спектрлари мономерларнинг сифат ва миқдор таркиби ҳақида маълумот беради. *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммини турли озуқа муҳитларида ўстиришдан олинган ЭПС намуналарида ҳам ўзига хос фарқ кузатилди.

Жумладан,	0.5%	NaCl	ли	муҳитда	штамм
Glu:Man:Gal:Xyl:Ara:Rha:Rib=31.21:3.02:2.77:1:0.91:0.64:0.41,	1,0%	ли	NaCl		
Glu:Man:Gal:Xyl:Ara:Rha:Rib=7.65:1:0.69:0.22:0.2:0.16:0.1,	1,5%	ли	NaCl		
Glu:Man:Gal:Ara:Xyl:Rha:Rib=9.39:1.89:1:0.58:0.52:0.46:0.26,	2,0%	ли	NaCl		

Glu:Man:Ara: Xyl:Rha:Rib=7.9:2:2:1.58:1.1:1 таркибли ва моляр нисбатли ЭПС намуналари синтезланди. ISP2 нормал мухитида штамм синтезлаган ЭПСнинг сифат ва миқдор таркиби қуйидагича бўлди:
Glu:Gal:Man:Ara: Xyl:Rha:Rib=11.66:1:0.9:0.37:0.37:0.15:0.14.



1-расм. *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штаммида ЭПС синтезига жавобгар йирик ген кластери (*exoK* ва *exoM* генлари) идентификацияси

Ўтказилган тажрибалардан *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг ЭПС-генлари, *exoK* ва *exoM* турли стресс шароитларда тузилиши бир-биридан кескин фаркланадиган ЭПСлар синтезлай олиши исботланди.

ЧЎЛ ЎСИМЛИКЛАРИДАГИ ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА СТРЕСС ОМИЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ *NAC* ВА *DREB* ГЕНЛАР ГУРУҲИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ризаев Д.М., Аманова Г.И., Шеримбетов С.Г.

Акад. О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек 83.
info@biochem.uz

Чўл ҳудудларида ўсувчи ўсимликларга стресс омилларнинг салбий таъсири олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Бундай стресс омилларга гипотермия,



курғоқчилик, шўрланиш ва оғир металлларнинг таъсирини санаб ўтиш мумкин. Ўсимликлар табиатнинг ташқи таъсирларига ўзаро уйғун мослашган ҳолда бўлади. Бунда транскрипцион омилларнинг аҳамияти жуда юқоридир. Транскрипцион омиллар – генлар экспрессияси орқали курғоқчилик, шўрланиш каби стресс омилларга жавобан ўсимликларнинг чидамлилигини оширишда асосий роль ўйнайди. Ўсимликларнинг абиотик ёки биотик омилларга тўлиқ барқарорлиги кўпгина генлар экспрессияси натижасида синтезланувчи ҳимоя оқсиллари ҳисобига амалга ошади.

Курғоқчилик абиотик таъсирлардан бири бўлиб, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи экологик кўрсаткичдир. Айти пайтда бундай стресс омилларни Оролбўйи ҳудудлари ўсимликлар дунёсининг ривожланиши ва уларнинг хужайраларида кечадиган молекуляр-биологик жараёнлар мисолида тадқиқ қилиш имконияти мавжуд.

Оролбўйи ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва Оролнинг қуриган ҳудудларида табиий ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг курғоқчилик ва шўрланишга чидамли NAC ва DREB генлар гуруҳини ўрганиш ҳамда ушбу генларнинг молекуляр-биокимёвий хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш долзарб масалалардан биридир.

Хитойлик олимларнинг таъкидлашича курғоқчил шароитда ўсимликларда экспрессияланувчи генлар икки гуруҳга бўлинади: биринчи – кеч эмбриогенез (LEA), аквапарин (AQP), пролинсинтетаза ва бошқа функционал оқсил/ферментлар биосинтези учун жавоб берувчи генлар гуруҳи бўлса, иккинчи – экспрессияни бошқарувчи, транскрипцион омиллар маҳсулоти ҳисобланган оқсилларни кодловчи bZIP, MYB, DREB ва бошқа генлар ҳисобланади.

DREB транскрипцион омиллари ўн иккитагача курғоқчиликка чидамлилиқга жавоб берувчи генларни фаоллаштириши мумкин. Стресс шароитларда генлар экспрессияси натижасида хужайра таркибида пролин аминокислотасининг



ошишига олиб келади. Натижада ўсимликларда стресс омиллар (қурғоқчилик, юқори ҳарорат ва шўрланиш)га чидамлилигининг ошиши кузатилади.

Хитойлик олимлар томонидан DREB1A ва DREB2A транскрипция омилларини *Arabidopsis thaliana* ўсимлигида тадқиқ қилинганда RD17, KIN1, Cor6.6, Cor15a, ERD10, RD29A асосий бошқарувчи транскрипцион генлар эканлиги аниқланиб, ўсимликларнинг қурғоқчилик ва бошқа турли абиотик стресс омилларга чидамлилиги ошиши кузатилган. Бу генлар ўсимлик оптимал шароитда бўлган вақтда ҳам экспрессияга учраб оксил синтези амалга ошиши ҳамда қурғоқчилик ва паст ҳароратда генлар экспрессияси сезиларли даражада бўлиши исботланган.

DREB генлар гуруҳидан ташқари ўсимликнинг қурғоқчиликга чидамлилигини оширишда қатнашувчи транскрипцион омиллардан бири NAC генлар оиласидир. NAC генлар оиласи жуда катта транскрипцион омилларни амалга оширишда иштирок этиб, 100 дан ортиқ генлар *A. thaliana* ва *Oryza sativa* ўсимлигида олимлар томонидан аниқланган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам функционал характерга эга эмас. Мисол учун *A. thaliana* ўсимлигида ANAC019, ANAC055, ANAC072 генлари стресс омилларга сезгир ERD1 гени промотор қисмига боғланади ва уларнинг экспрессиясининг кучайиши натижасида ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилиги ошади.

Tang ва бошқа олимлар томонидан геномида *TaNAC2a* гени мавжуд трансген тамаки ва *Triticum aestivum* ўсимликларини қурғоқчиликка чидамлилиги аниқланган бўлиб, қурғоқчилик ҳолатида асосий роль дегидрин оксили синтези билан боғлиқлиги, ўсимлик ҳужайрасидаги осмотик ўзгаришларга чидамлилигининг ошишига ёрдам бериши, бундан ташқари, генлар экспрессияси NAC генлари орқали ҳам бошқарилиши исботланган.

Ҳозирги пайтда ЎзР ФА акад. О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти олимлари томонидан чўлда ўсувчи ўсимликларнинг молекуляр-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда, типик чўл



Ўсимликларидан *Atriplex pratovii* ва *Lyium ruthenicum* лардан умумий нуклеин кислоталари ажратилиб, NAC ва DREB генлар экспрессияси бўйича бирламчи илмий натижалар олинди.

Келгусида чўл ўсимликларининг стресс шароитларда асосий аҳамиятга эга генлар устида молекуляр биологик тадқиқотлар амалга ошириш натижасида Оролбўйи атрофини кўкаламзорлаштиришда қурғоқчиликка чидамли ўсимликларнинг янги нав ва линияларини яратишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ МЕТАБОЛИЗМИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ MDR1 ГЕНИНИНГ С3435Т ПОЛИМОРФИЗМИНИ ПЗР МЕТОДИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Тилакова З.Н.¹, Нурматова С.Б.², Назирова М.Б.²,
Далимова Д.А.³, Турдикулова Ш.У.³

¹ М. Улуғбек номидаги ЎзМУ

² ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва Биокимё институти

³ Илғор технологиялар маркази

Организмга тушган дори моддаларининг турли биокимёвий ўзгаришларга учрашига дорилар метаболизми дейилади. Дорилар метаболизми уч босқичда кечади. Биринчи босқичда дори препаратлари цитохром P450 системаси ёрдамида активлашиб оралик электрофил метаболитлар ҳосил бўлади. Сўнг, турли трансферазалар, эпоксидгидролазалар ва бошқа ферментлар оралик метаболитларни токсиклик хусусияти бўлмаган маҳсулотларгача нейтраллайди (2-босқич). Натижада бундай моддалар транспорт системалар (ташувчи ферментлар) билан чиқарилади (3-босқич). Дорилар метаболизмида иштирок этувчи шундай ферментлардан бири Р-гликопротеин (Pgp) (ингл. *permeability* —ўтказувчанлик) бўлиб, у АТФ га боғлиқ оқсил-транспортер ҳисобланади. Pgp транспорт оқсили жигар, ошқозон, буйракда ва одам бош мия эндотелиал хужайраларида



синтезланади. Pgp ферменти функционал фаоллигининг ошиши натижасида дори препаратларини хужайрадан интенсив чиқарилиши ва уларнинг ошқозон-ичак йўлида сўрилишига тўсқинлик қилиб фармакотерапияни самарасиз ўтишига олиб келиши мумкин. Фермент фаоллигининг пасайиши эса дори препаратининг дозасини ошиб кетишига ва салбий реакцияларни ривожланишига олиб келади. Pgp ферменти функционал фаоллигининг пасайишига MDR1 генидаги полиморфизмлар ҳам сабаб бўлади. MDR1 (*multidrug resistance gene1*) гени 7-хромосомада жойлашган бўлиб, 28 экзондан иборат. Бу генда 50 га яқин полиморфизмлар аниқланган. MDR1 генида энг кўп ўрганилган C3435T полиморфизми геннинг промоторқисми 26-экзон 3435 позициясида цитозинни тиминга алмашинишига олиб келади. Бу мутация аминокислоталар алмашинувиغا олиб келмайди аммо, фермент фаоллигини пасайтиради. MDR1 генининг C3435T полиморфизмини аниқлашнинг тезкор ва самарали усули полимераза занжир реакцияси (ПЗР) бўлиб, бу метод ўзининг қулайликлари билан кенг тарқалган.

Тадқиқотнинг мақсади MDR1 генининг C3435T полиморфизмини ПЗР методи ёрдамида аниқлашдир.

Тадқиқот учун сурункали ва наслий касалликлари бўлмаган 18-30 ёшдаги 30 та одамларнинг веноз қони намуналари йиғилди. Олинган қон намуналаридан нуклеосорбция методи ёрдамида ДНК ажратилди. ДНК намуналари MDR1 генининг C3435T полиморфизмини аниқлаш учун ПЗР-амплификацияси ва рестрикция анализга қўйилди.

MDR1 генининг C3435T полиморфизмини 30 та ДНК намуналарини генотиплаш орқали қуйидаги натижалар олинди: СС генотип 5 та (16,7%), СТ – 16 та (53,3%), ТТ – 9 та (30%) одамларда кузатилди. Ушбу полиморфизм бўйича С аллелнинг (нормал) учраши 26 (43,3%), Т аллелнинг (мутант) учраши 34 (56,7%) ни ташкил қилди. Юқоридаги натижалардан кўриниб турибдики, Т аллелининг учраши С аллелга нисбатан 13,4% га кўп. СТ гетерозигота генотипининг СС



генотипига қараганда учраши 3,3 баробар, ТТ мутант гомозигота генотипининг учраши эса 1,8 марта кўп эканлиги аниқланди. СТ ва ТТ генотипларида Pgp ферментининг 25-50 % га экспрессиясини камайиши кузатилади. Шундай қилиб, MDR1 генининг С3435Т полиморфизмини аниқлашнинг тезкор ва кам харажат талаб этиладиган ПЗР методи аниқ натижалар олишга имкон беради. Дори препаратларининг метаболизмида иштирок этувчи MDR1 генининг С3435Т полиморфизмини молекуляр-генетик жиҳатдан ўрганиш дори препаратлари ҳамда уларнинг дозаланишини танлашда индивидуал жиҳатдан ёндашиш имконини беради.

ОПТИМИЗАЦИЯ ОТДЕЛЬНЫХ ЭТАПОВ МИКРОКЛОНАЛЬНОГО РАЗМНОЖЕНИЯ ПАСЛЕННОВЫХ КУЛЬТУР: СТЕРИЛИЗАЦИЯ ЭКСПЛАНТОВ

Тожибоева Д.И., Зупарова Д.М., Султанова Ш.Ю.

Центр Геномики и биоинформатики АН РУз
Ташкентская обл., Кибрайский р-н, ул. Университетская, д. 2
dinailxamovna.96@bk.ru

Производство посадочного материала – один из важнейших этапов выращивания сельскохозяйственной продукции. Рентабельность производства во многом зависит от качества и стоимости посадочного материала. Один из наиболее перспективных методов оптимизации производства посадочного материал основан на применении современной технологии микроклонального размножения *in vitro*. В процессе микроклонирования определяющую роль играет стерильность культуры.

Объектом исследований являлся пасленовые культуры узбекских сортов томата и перца. Эксплантами для введения в культуру *in vitro* служили различные органы растений.

Задачами данного исследования являлись оптимизация режима стерилизации



вводимого *in vitro* материала.

Эффективность режима стерилизации оценивали по степени освобождения от инфекции. Предварительно исходный материал тщательно промывали в проточной водопроводной воде 1-1,5 часа, после чего ополаскивали дистиллированной водой. Дальнейшая обработка проводилась в ламинарном боксе. В качестве стерилизующего агента использовали гипохлорит кальция, соединение, которое часто применяется для дезинфекции растительного материала. Для поиска оптимального режима стерилизации были применены различные варианты стерилизации, различающиеся по времени обработки стерилизующими агентами: 70% этиловым спиртом, 0,5-% гипохлорит кальция и 3% раствор перманганата калия.

Для культивирования эксплантов в качестве основной среды использовали среду Мурасиге и Скуга (МС).

Результаты экспериментов по влиянию режима стерилизации на выход жизнеспособных эксплантов приведены в таблице №1.

Таблица №1

**Влияние режима стерилизации на жизнеспособность эксплантов
узбекских сортов томата в условиях *in vitro*.**

№	Стерилизующий агент	Время экспозиции	Количество эксплантов	Инфицированно Шт.	Жизнеспособность	
					шт	%
1.	70% спирт, 0,5-% гипохлорит кальция 3% раствор перманганата калия	30 секунд 4 минут 5 минут	22	10	12	54,5
2.	70% спирт, 0,5-% гипохлорит кальция 3% раствор перманганата калия	30 секунд 6 минут 10 минут	22	7	15	68



3.	70% спирт, 0,5-% гипохлорит кальция 3% раствор перманганата калия	30 секунд 8 минут 15 минут	22	3	19	86.4
----	---	--------------------------------------	----	---	----	------

В результате проведенных нами экспериментов было установлено, что последовательная обработка 70% раствором этилового спирта в течение 30 сек и обработка 0,5% гипохлорит кальция в течение 8 мин и в 3% раствор перманганата калия на 15 мин с последующей промывкой стерилизованной дистиллированной воды по 5 мин в каждой. дает положительные результаты. При использовании такого способа дезинфекции выход жизнеспособных эксплантов был максимальным и составлял 86,4%

ВАРИАБЕЛЬНОСТЬ 23 STR (КТП) ЛОКУСОВ В ПОПУЛЯЦИИ УЗБЕКИСТАНА

Тошева Д.М., Норматов А.Э., Ахмедова Д.Ш., Махаматхужаев Х.Ф.

Республиканский центр судебной экспертизы
им. Х.Сулаймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Фаргона йули
lucky8682.dt@gmail.com

Согласно мировым стандартам современной криминалистики имеется необходимость использования расширенной панели генетических маркеров по 24 STR (КТП) локусам. В практике судебной экспертизы и криминалистики Республики Узбекистан на сегодняшний день отсутствует основные базовые параметры вероятностно-статистического анализа для ферментативной системы набора для амплификации “*Global filer™ PCR Amplification Kit*” (*Applied Biosystems*, США), который охватывает 24 STR (КТП) маркера и рекомендуется для идентификации личности и установления биологического родства. В настоящее



время в Узбекистане изучены и идентифицированы базовые параметры вероятностно-статистического анализа для коренной узбекской популяции на основе частоты аллелей 15 *STR* (КТП) полиморфных локусов с использованием набора “*Identifiler™ PCR Amplification Kit*”. Однако, это ограничивает проведение объективной экспертизы в области идентификации личности и расчета биологического родства населения Узбекистана, где проживают представители разных национальностей. В связи с этим, введение в криминалистическую практику идентификации по 24 *STR* локусам является актуальной исследовательской задачей. Одной из начальных целей выполняемого исследования стало сбор образцов, анкетирование и подготовка геномной ДНК из 12 областей Узбекистана.

В результате работы было проанкетировано, собрано и подготовлено по 105-120 образцов из каждой области, в общем 1503 образцов. При этом в когортную группу были включены объекты различных национальностей: узбеки, каракалпаки, казахи, татары, русские, корейцы и др. Основными критериями определения персональной аутентичности при анкетировании являлось указание фамилии и имени, пола, национальности предков, место проживания, место рождения, а также подпись о добровольной сдаче образцов слюны.

Собранные биологические образцы были экстрагированы экспресс методом с использованием лизата “*Swab Solution™ Kit*” (*Promega, USA*).

Проведен количественный и качественный анализ экстрагированной ДНК с использованием набора “*Quantifiler Trio DNA Quantification Kit*”.

Полимеразную Цепную Реакцию 24 *STR* (КТП) локусов (D3S1358, vWA, D16S539, CSF1PO, TPOX, Yi, D8S1179, D21S11, D18S51, DYS391, D2S441, D19S433, TH01, FGA, D22S1045, D5S818, D13S317, D7S820, SE33, D10S1248, D1S1656, D12S391, D2S1338 и Amelogenin) проводили с использованием набора для амплификации ПЦР “*Global filer™ PCR Amplification Kit*” (*Applied Biosystems, США*).



Таким образом, проведен сбор данных, подготовка биологических образцов со всех регионов Узбекистана, экстракция ДНК молекул из собранных образцов слюны и амплификация 24 *STR* (КТП) локусов ядерной ДНК. В дальнейшем аллельные частоты двадцати шести аутосомных коротко tandemных повторных (*STR*) локусов - D3S1358, vWA, D16S539, CSF1PO, TPOX, Yi, D8S1179, D21S11, D18S51, DYS391, D2S441, D19S433, TH01, FGA, D22S1045, D5S818, D13S317, D7S820, SE33, D10S1248, D1S1656, D12S391, D2S1338 и Amelogenin будут определены у узбеков, таджиков, русских, киргизов, казахов, татаров, корейцев, каракалпаков, тюркменов, армян, азербайджанцев, уйгуров, арабов, турков и др. На основе результатов по частоте встречаемости исследуемых полиморфных *STR* (КТП) локусов в популяции Узбекистана будет созданы опорные параметры для вероятностно-статистического анализа данных, которые будут применяться для расчета вероятности родства и идентификации личности в практике судебной биологической экспертизы ДНК человека.

МОЛЕКУЛЯР СЕЛЕКЦИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТОЛА СИФАТИ ЮҚОРИ ҒЎЗА НАВИНИ ЯРАТИШ

Тураев О.С., Макамов А.Х., Дарманов М.М., Хусенов Н.Н.,
Норбеков Ж.К., Кушанов Ф.Н., Буриев З.Т.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
111215, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.
ozodturaev@gmail.com

Молекуляр селекция технологиялари хусусан, маркерларга асосланган селекция (МАС), геном селекцияси (ГС) ва маркерларга асосланган генларни пирамидалаш (МАГП) технологиялари янги навларни яратишда ўзининг тезкорлиги, аниқлиги ва ресурс тежамкорлиги билан анъанавий усулларга қараганда самарали ҳисобланади. Шу сабабли, анъанавий селекция усулларини молекуляр селекциянинг илғор технологиялари билан бойитиш соҳада муҳим



аҳамит касб этади. Молекуляр селекцияни амалга ошириш учун аввалам бор ўсимликларда қимматли хўжалик белгиларига генетик ассоциация бўлган геном ҳудудларини (QTL) молекуляр хариталаш лозим бўлади. Бу борада, Марказ олимлари сўнги ўн йил ичида молекуляр маркерлардан фойдаланиб ғўзанинг тола сифат белгиларини ўрганиш учун кўплаб тадқиқотларни амалга оширди. Шу билан бирга, ғўзанинг *G.hirsutum* L. турининг биринчи маротаба геном бўйлаб нотенг бирикканлик даражаси аниқланди ҳамда LD га асосланган ассоциатив карталаштириш усули асосида толанинг муҳим сифат белгиларига генетик боғланган ДНК маркерлари идентификация қилинди.

Ғўзада яратилган УАК популяциясининг кенг сегрегацияланган дурагайлари, улар орасидан толасининг узунлиги ва пишиқлиги белгиси билан ажралиб турувчи генотипларни танлаб олиш ва МАС дастури асосида янги “Тафаккур” навини яратишга имкон берди.

Бундан олдинги амалга оширилган тадқиқотларда маркерларга асосланган селекция технологияси асосида бир қанча навлар яратилган. Яратилган “Равнақ-1”, “Равнақ-2”, “Барака” ва “Саҳоват” навлари беккросс чатиштириш асосида олинган. “Тафаккур” навини яратишда бундан фарқли равишда тола сифати юқори намуналарни танлаб, уларни ўз-ўзи билан чатиштириш орқали авлоди ошириб борилган ҳамда уларнинг ҳар бир авлодида тола сифати ва морфо-хўжалик белгиларига кўра навга ўхшаш генотиплар танлаб олинган. Шунингдек, намуналарнинг геномида керакли QTL аллель мавжудлиги дурагайларнинг ҳар бир авлодида текшириб борилган.

УАК популяциясининг тола сифати бўйича ўзаро кескин фарқланувчи Наманган-77 (реципиент) нави ва L-N1 (донор) линиясини чатиштириш асосида олинган F₁ дурагайлари иссиқхонага экилиб, уларнинг иккинчи авлоди олинди. F₂ дурагайлари ичидан толанинг пишиқлиги ва узунлиги белгисига генетик боғланган BNL1604 маркер аллели бўйича гомозигота бўлган шаклларни танлаб олинди,



Ўзида донор аллели мавжуд бўлмаган намуналар тадқиқотлардан чиқарилди. F₃ то F₇ авлодга қадар намуналардан геном ДНК ажратилиб, полимераза занжир реакцияси ва гель-электрофорез таҳлиллари асосида улардаги ДНК маркери бўйича гомозигота ҳолати текшириб борилди.

“Тафаккур” нави ҳамда назорат намуналарининг тола узунлиги, пишиқлиги, микронејри, элонгацияси ва бир-хиллилиги каби тола сифат белгилари HVI тизимида таҳлил қилиб борилди. Тола сифатининг HVI маълумотлари турли статистик таҳлиллардан ўтказилди. “Тафаккур” навига донор генотипдан кўчириб ўтказилган QTL эффеќтини ҳамда тола пишиқлиги ва узунлиги белгиларининг яхшиланганлигини ота-она ва назорат намуналарига таққослаш орќали амалга оширилди.

В Центре геномики и биоинформатики путем РНК-интерференции (РНКи) гена *ESKIMO1* были получены новые биотехнологические генотипы хлопчатника, устойчивые к засухе, соли и холоду. Для подтверждения подавления активности данного гена проведен его относительный количественный анализ. Для проведения относительного количественного анализа гена *ESKIMO1* из растений T₃ – поколения трансформированного Кокер-312, ноль сегрегантов и не трансформированного



Кокер-312 была выделена тотальная РНК. Листья растений были собраны из трех повторов, и они были объединены в три отдельных пула из которых выделялась РНК.

С целью проведения относительного количественного анализа гена *ESKIMO1* была проведена реакция с использованием общей РНК РНКи-растений, ноль сегрегантов и не трансформированного Кокер-312 в три повтора. Реакция проведена с помощью набора RNA Master Hydrolysis Probe и LightCycler 480 SYBR Green I Master и прибора LightCycler 480 (Roche). В качестве референсного гена использовался ген убиквитин. Значения ΔC_t и $\Delta\Delta C_t$ были вычислены с помощью программы LightCycler® 480 Software, Version 1.5. В соматически регенерированных растениях несущих РНКи-вектор pHellsgate-8::*ESKIMO1* транскрипты гена *ESKIMO1* оказались супрессированными на 93%, т.е. ген функционирует у данных растений на 7%, в то время как у не трансформированного Кокер-312 экспрессия гена *ESKIMO1* не подавлена. Это показывает, высокоэффективное подавление экспрессии гена *ESKIMO1* у растений несущих RNAi вектор pHellsgate-8::*ESKIMO1*.

Снижение количества транскриптов у растений несущих в геноме RNAi векторную конструкцию pHellsgate-8::*ESKIMO1* показывает эффект РНК-интерференции и отсюда устойчивость растений к абиотическим стрессам.

ТАШҚИ МУХИТНИНГ АБИОТИК ВА БИОТИК СТРЕСС ОМИЛЛАРИГА ЧИДАМЛИ НАВЛАР ЯРАТИШДА МАРКЕРЛАРГА АСОСЛАНГАН СЕЛЕКЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Эржигитов Д.Ш., Чиниқулов Б.Х., Тўрақулов Х.С., Исоқулов С.М., Мардонова М.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/о
genetik8181@mail.ru

Иссиқлик стресс вазияти қачон оғирлашади, бу ҳавонинг ошиши натижасида тупроқ ҳарорати ошиши ҳамда тупроқ намлигининг пасайиши билан боғлиқ. Шундай қилиб иссиқлик стресси дунёда қишлоқ хўжалиги экинларини



етиштиришда катта хавф солади. Юқори ҳарорат таъсири доннинг тўлишиш вақтига тўғри келса, айниқса оғир стресс шароитларида ҳосилнинг 40% гача йўқотишига олиб келади. ФАО ҳисоб китобларига кўра, дунё аҳолиси келажакда яъни 2050 йилга келиб 198 миллион тонна буғдой истимол қилишини инобатга оладиган бўлсак, ривожланаётган мамлакатларда буғдой етиштиришни 77% га ошириш зарурати туғилади. Аммо ҳароратнинг ортиши натижасида ўрим-йиғим мавсумида дунёнинг кўплаб минтақаларида буғдой ҳосилдорлиги пасайгани ҳақида маълумотлар берилган. Буғдой иссиқлик стресси учун жуда сезгир. Дунё бўйлаб асосан иссиқликка мойил жойлар 100 миллион гектар атрофида бўлган паст кенглик минтақалар мавжуд. Ўртача ҳарорат вегетатсия даврида сунъий иситиш йўли билан 15°C дан 32°C гача ўзгартирилиб буғдойнинг 30 моделини синовдан ўтказишган ва натижалар шуни кўрсатдики ғалла етиштириладиган майдонларда ҳосилнинг аллақачон пасайганлиги аниқланди. Бу иситиш даври давом этади ва бўлади, келажакда ҳарорат 1,5–4,0°C гача кўтарилади. Иқлим ҳароратининг ўзгариши, ёгингарчилик, CO₂, об-ҳаво ўзгарувчанлиги ва тупроқ намлиги танқислиги ишлаб чиқаришда ҳосилга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иссиқлик стресси буғдой ўсимликларида морфофизиологик ўзгаришларга олиб келадиган турли хил ўсимлик жараёнларига таъсир қилади, ривожланиш жараёнларига тўсқинлик қилади ва натижада катта ҳосил йўқотади. Ҳарорат ва стрессга дуч келадиган ўсиш босқичлари иссиқлик таъсир қилиш даражаси ўсимлик жавоб раецияларининг давомийлиги билан фарқ қилади. Келгусида буғдойда ҳар қандай биотик ва абиотик омилларга бардошли бошланғич манбалар яратиш ва шу жумладан иссиқликка чидамли навларини ишлаб чиқиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизда кузги юмшоқ буғдойнинг СИММИТ (маккажухори ва буғдойни яхшилаш) халқаро марказидан олинган намуналари ҳамда Краснодар селекциясига мансуб ҳосилдор, лекин маҳаллий экстремал шароитларга чидамсиз бўлган Краснодар 99 ва Гром навларига чатиштирилиб олинган бекресс авлодларининг иссиқликка чидамлилиги баҳоланди.



Минтақамиз қишлоқ хўжалик шароитида охирги вақтларда юқори хароратнинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсири яққол сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам биз ўз тадқиқот ишларимизда юқори хароратга чидамлилиқ белгисини ҳам битта генотипга жамлашни мақсад қилдик ва бекресс авлодларни лаборатория шароитида иссиқ хароратга чидамлигини баҳоладик.

Тадқиқотларимиз асосида юқори хароратга чидамли деб баҳоланган бекресс авлодлар танланиб, улар билан ҳосилдор, лекин чидамсиз генотиплар жами 11 та комбинацияларда ўртача 10 тадан бошоқ бекросс чаптирилди.

Танлаб олинган дурагай комбинацияларнинг BF_2 авлодларида юқори хароратга чидамлилиқ бўйича ҳар бир комбинацияда ўртача 2-3 тадан дурагай ўсимликларда чидамлилиқ намоён бўлди.

Ушбу дурагай комбинациялари ичида энг юқори кўрсаткич 29. SAUAL/YAN (HTWYT-29) х гром, 29. SAUAL/YAN (HTWYT-29) х эъзоз, 29. SAUAL/YAN (HTWYT-29) х 212. ORACLE, 50. SUP152 (HTWYT-50) х гром, ва 26. KACHU/ (ESWYT-25) х гром дурагайларида кузатилиб улар сув ҳаммомида $+70\text{ C}^0$ даража иссиқликда ҳам бошқа гибрид авлодларга нисбатан чидамли экани намоён бўлди. Қолган BF_2 авлодлари эса сув ҳаммомида $+50-60\text{ C}^0$ хароратда турли даражада чидамли экани аниқланди.

ЎЗАНИНГ ГЕНЕТИК КАРТАЛАШТИРИШ ПОПУЛЯЦИЯСИ МОЛЕКУЛЯР ТАҲЛИЛИ

Юлдашева Н.З., Холмурадова М.М., Нормаматов И.С.,
Тураев О.С., Кушанов Ф.Н.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.
ozodturaev@gmail.com

Ўсимликларда мураккаб белгиларнинг генетик тузилишини таҳлил қилиш соҳа мутахассислари учун асосий вазифа ҳисобланади. ДНК асосли молекуляр



маркерларнинг ҳамда мураккаб статистик воситаларнинг мавжудга келиши, миқдорий белгиларни бошқарувчи геном ҳудудларини (QTL) аниқлашга имкон берди. Бу мақсадга эришишда икки ёндошув, жумладан, бирикканликни карталаштириш (*ингл.* Linkage mapping) ва ассоциатив карталаштириш (*ингл.* Asssociation mapping)дан фойдаланиш, кўплаб экин турларининг мураккаб белгиларини муваффақиятли таҳлил қилишда фойдаланилмоқда. Ушбу иккала усул ҳам маркер-белги ўртасидаги генетик боғлиқликни аниқлаш орқали миқдорий белгиларнинг геномдаги жойини топади. Уларнинг ягона фундаментал фарқи, карталаштиришнинг аниқлиги ва ишончилиги оширувчи карталаштириш популяциясидадир. Бугунги кунда, кўп ота-она генотиплар асосида яратилган уяли ассоциатив карталаштириш (УАК) популяцияси асосида геном бўйлаб кенг ассоциацияларни ўрганиш (GWAS – Genome Wide Association Study) кўплаб қишлоқ хўжалик экин турларида кенг қўлланилмоқда.

Марказ олимлари томонидан ғўзада УАК стратегиясини амалга ошириш учун керакли популяциялар яратилган. УАК популяциясининг F₇(Наманган-77 х 0-30) ва F₇ (Наманган-77 х Занги Ота) комбинацияси рекомбинант инбред линиялари (РИЛ)дан СТАВ усулида геном ДНК ажратилди. Популяцияларнинг тегишли ота-она генотиплари ўртасида полиморф бўлган ДНК маркерларидан фойдаланиб полимераза занжир реакцияси (ПЗР) таҳлили амалга оширилди. Популяциянинг мазкур икки оиласи РИЛларининг тола сифат кўрсаткичлари USTER NVI системасида таҳлил қилинди. Тола сифатининг статистик таҳлилларига кўра ушбу икки УАК оиласи тола сифати бўйича ўзаро кескин фарқликни намоён этди. Бундан ташқари, F₇(Наманган-77 х 0-30) УАК оиласи РИЛлари тола рангида фарқликлар мавжуд бўлиб жумладан, оқ ва яшил ранглар оралиғидаги турлича кўринишларни намоён этган. Бу эса ўз навбатида, тола сифати ва унинг рангига алоқадор геном ҳудудларини молекуляр карталаштириш имконини беради.



БУҒДОЙНИНГ САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА МОЛЕКУЛЯР ЁНДАШУВ

Юлдашева З., Уралов Ш., Орзикулова Б, Норбеков Ж., Тураев О.

ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.
ozodturaev@gmail.com

Ҳозирги вақтда дунё микёсида бошоқли дон экинлари касалликларига қарши курашнинг ресурс тежамкор ва энг самарали усулларида бири бу касалликка чидамли янги буғдой навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Касалликларга чидамли нав яратиш иқтисодий фойда бериш билан бирга, касалланган ўсимликларга зарарли кимёвий моддаларни ишлатишнинг олдини олиб, экологияни кимёвий ифлослантиришдан ҳам сақлаб қолади. Республиканинг ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларига мос янги навларини яратиш, ресурс тежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва бошқа соҳалардаги чуқур илмий изланишлар ҳисобига ғалла ҳосилдорлигини узлуксиз ошириб бориш, дон сифатини яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистонда кўп учрайдиган касалликлардан бири бу сариқ занг *Rustia striiformis* бўлиб, буғдойнинг ҳосилдорлигига жуда катта зарар етказади. Бу касаллик қўнғир зангга нисбатан камроқ тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлгани учун, ўта ҳавfli ҳисобланади. Сариқ занг касаллигини тарқалишига асосий сабаблар об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмаслик, касалликка чидамсиз навларни экиш, алмашлаб экишларни жорий этмаслик, ғаллазордаги бегона ўтларга қарши курашмаслик, ўз вақтида кимёвий ишлов ўтказмаслик ҳисобланади.

Буғдой навларини такомиллаштириш бутун дунёда барча селекция олимларининг асосий мақсади ҳисобланади. Буғдойда занг касалликларига чидамлилиқ белгилари ва ҳосилдорлик каби хусусиятлар кўп сонли генлар ёки



микдорий белгилар локуслари (QTL - quantitative trait locus) томонидан полиген тарзда бошқарилади. QTL ларни таҳлил қилиш ушбу белгилар учун фенотипик ҳамда генотипик маълумотларни ўзаро боғловчи геном ҳудудларини аниқлаш ва мураккаб белгилардаги генетик хилма-хилликлар асосини тушунишда муҳим ўрин тутди. Карталаштириш учун қулай популяциялар бошланғич намуналарида тегишли молекуляр маркерларни ривожлантириш, генетик бирикканлик карталарини тузиш ва QTL идентификация қилишда статистик дастурлардан фойдаланиш QTL карталаштиришнинг муҳим омилларидан саналади.

Марказ олимлари буғдойда УАК (уяли асоциатив карталаштири) популяциясини яратиш, уларни молекуляр маркерлар ёрдамида генетик тадқиқ қилиш ва сариқ занг споралари билан суний зарарлаб фенотипик маълумотларини жамлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли QTL ларини аниқлаш ва хариталаш мақсадида ушбу касалликга чидамсиз бўлган Морокко ҳамда генотипик ва фенотипик жихатдан сариқ занг касаллигига чидамлик белгиларини турлича намоён қилган 17 та изоген линиялар танлаб олинди. Тадқиқот намуналари ва уларнинг F_3 авлодлари марказнинг махсус уруғчилик хўжалигида инфекцияланган махсус майдонда экилиб, сариқ занг уридиноспоралари билан суний зарарлантирилди ҳамда фенотипик кузатув илшлари олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда ушбу популяция ота-оналарида полиморф бўлган маркерлар ёрдамда молекуляр тадқиқотлар олиб борилмоқда.



II. ГЕНЕТИКА РАСТЕНИЙ И ЖИВОТНЫХ

AMARANT O`SIMLIGI VA UNING USTIDA OLIB BORILGAN GENETIK TAJRIBALAR

Karshibayeva D.N.

Chirchiq davlat pedagogika instituti
Chirchiq sh. Toshkent viloyati
dono.karshibayeva.99@bk.ru

Hozirgi kunda aholi son jihatidan keskin ko`paygan bir vaqtda aholini oziq-ovqat, kiyim-kechak, turar joy va shu bilan birga tabiiy dori vositalari ta`minlash nafaqat O`zbekistonda balki dunyo mamlakatlarini barchasida hal qilinishi kerak bo`lgan global muammolardan biridir. Amarant o`simligi o`zining ozuqaviyligi, yem-xashakbobligi, xalq tabobatida dorivorligi bilan yuqoridagi talablarga javob beradi. Uni an`anaviy qishloq xo`jaligi ekinlari sifatida ekilishi qishloq xo`jaligi va xalq xo`jaligida istiqbolli yo`nalishlarni ochib beradi.

Amarant vatani Janubiy Amerika hisoblanadi. Shimoliy Amerika, Hindiston va Xitoyda ham keng tarqalgan bo`lib, ular ikkilamchi tarqalgan hududlari hisoblanadi. Amarant juda qadimiy o`simliklar sirasiga kiradi.

Amarant (grekcha – abadiy, o`lmaydigan) – bizning mamlakatimiz uchun yangi, o`ziga e`tibor tortuvchi, sifatli oqsil, vitamin va mineral tuzlarga boy o`simlik. Hozirgi aholi soni keskin ortib, oziq-ovqat muammosi kuchayib borayotgan bir davrda amarant o`simligi o`zining yuqori moslashuvchanlik xususiyati bilan ham butun dunyoda ahamiyati oshib bormoqda. Amarant mayda gulli bir yillik o`t-o`simliklar avlodi bo`lib amarantdoshlar oilasiga mansub. Ushbu oilaga 100 ga yaqin o`simlik mansub hisoblanadi. Bo`yi 2,5-4 metrgacha yetadi. Pishgan tutamlari uzunligi 30 sm va diametri 15 sm. Bir tutam og`irligi 1kg gacha boradi. Urug`lari juda mayda ammo bir tutamda 500 minggacha bo`ladi. Amarantning quyidagi donli turlari yaxshi o`rganilgan va asosan ular oziq-ovqat



uchun ishlatiladi: *A. cruentus L.*, *A. hypochondriacus L.*, *A. caudatus L.*

Amarant o`simligining tashqi ko`rinishi turlicha (yer bag`irlab o`sisdan to tik turib o`sisgacha), barglarining rangi yashildan sariqqacha va qizilgacha, urug`ining rangi esa - qoradan tillarang, pushti rang va oqqacha o`zgaradi. Amarantning madaniylashtirilgan ko`pchilik turlari 1,5-3,5 metrli, turli darajada shoxlangan o`simliklardir. Poyasi tik, sershox, yo`g`onligi 1,5-4,5 sm bo`lib, dumaloq, ayrim hollarda g`adir-budir. Amarantning barglari uzun bandli, ko`pincha cho`zinchoq - elliptikdir. Poyaning yuqori qismidagi barglarining bandlari qisqa bo`lganligi uchun o`simlikni to`la yorug`likdan foydalanishiga imkoniyat yaratadi.

Amarant urug`lari tarkibida o`rtacha 15–17% oqsil, 5–8% yog` va 3,7–5,7% uglevod saqlaydi. Amarantin oqsilida lizin aminokislotalari bug'doydan ikki baravar, makkajo'xoridan uch baravar ko`p bo`ladi. Soya va sigir suti oqsili tarkibi taqqoslanganda lizin aminokislotalar miqdori sezilarli bo`lganligi sababli amaranti oqsilining sifati juda yuqori deb hisoblanadi. Amarant urug`lari moy ishlab chiqarish uchun ham manba hisoblanadi. Amarant moyi to'yingan yog'larga nisbatan to'yinmagan yog' kislotalarning yuqori miqdori bilan ajralib turadi, bu esa uni sifat jihatidan chakanda moyiga yaqinlashtiradi.

Bundan tashqari, urug'larda antioksidant ta'sirga ega bo'lgan tokoferol (E vitamini) mavjud. Tokoferollardan qondagi xolesterin miqdorini tushirish uchun dori vositasi sifatida foydalanish ham mumkin. Amarant doni, boshqa donlardan farqli o'laroq, tarkibida juda oz miqdordagi klekovina saqlaydi.

Amaranthus avlodi 50-70 madaniy va yem-xashak turlarni o`z ichiga oladi. Turli tajribalar o`tkazilishiga qaramasdan turlar o`rtasidagi o`xshashlikning kamligi, gibridlanish va genlar oqimi avlodning taksonomiyasi va filogeniyasini aniqlashni qiyinlashtirdi. Tadqiqotchilar tomonidan *Amaranthus*ning 35 turini o'z ichiga olgan 94 genfond namunalari GBS (*genotyping by sequencing*) yordamida saralandi va buning natijasida *Amaranthus* avlodining filogeniyasi tuzildi va ularning genomlarining



o'lchamlari o'lchandi. Ushbu tajribadan *A. quitensis* turi *A. caudatus* rivojlanishida qatnashganligi taxmin qilindi. Turlar genomlari o'lchanganda avlod tarixida poliploidiya katta rol o'ynamaganligi aniqlandi.

Amaranthus caudatus Janubiy Amerikaning qadimiy madaniy o'simliklaridan biri bo'lib, uning yovvoyi ajdodlari *A. hybridus* va *A. quitensis* hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda amarant qimmatli oziq-ovqat, dorivor, dekorativ, yem-xashak o'simligi. Uning issiqsevar, yuqori moslashuvchanlikka egaligini hisobga olsak, mamlakatimizda amarant yetishtirish uchun qulay muhit mavjud. Shu sababli amarantning biologik, ekologik, fiziologik xossalarini chuqur o'rganib, katta maydonlarda ekishni joriy qilinishini tavsiya qilmoqchiman.

МИРОВОЙ ГЕНОФОНД СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР - ОСНОВА ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Абдуллаев Ф.Х.

Научно-исследовательский институт растениеводства
Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Ботаника
f_abdullaev@yahoo.com

Проблема изучения и сохранения биоразнообразия, осознанная на исходе XX века мировым сообществом, как один из факторов выживания и устойчивого развития человечества, является основой сельскохозяйственного и экономического развития, важнейшим компонентом продовольственной безопасности каждой страны мира. Проблема сохранения генетических растительных ресурсов тесным образом связана с созданием и развитием естественноисторических коллекций, которые служат одним из важнейших и незаменимых источников достоверной и неисчерпаемой информации о биоразнообразии. Сохранение и использование генетического разнообразия сельскохозяйственных культур- один из наилучших способов стабильного обеспечения сырья для промышленности как нашего, так и



грядущих поколений. Растительное разнообразие сохраняется в мировых коллекциях, и является чрезвычайно ценным огромным источником потенциально полезных генов, необходимых для исследователей для получения более урожайных сортов, способных лучше адаптироваться к условиям окружающей среды. Следовательно, генофонд растений является страховым полисом дальнейшего благополучия человечества.

Одной из важнейших проблем является увеличение продуктов питания и обеспечение продовольственной безопасности. В «Конвенции о биоразнообразии» и «Глобальном плане действий», разработанных ФАО, особо подчёркивается важнейшая роль генетических ресурсов растений для обеспечения жизненных потребностей населения в питании и обеспечении сырьём промышленности. Международными экспертами выражается большая тревога за будущее, так как генетическое разнообразие большинства основных видов культурных растений в последнее десятилетие быстрее утрачивается из-за техногенных процессов. Постепенно теряются местные сорта и формы различных сельскохозяйственных культур народной селекции, созданные в течение нескольких столетий и имеющие важную роль в сельскохозяйственном производстве. Они также важны для селекции как исходный материал. Поэтому, они должны быть в наличии и хранение семян является надёжной базой, как для селекции, так и для сельскохозяйственного производства.

Генетический фонд растений, сосредоточенный в Республике Узбекистан, имеет стратегическую значимость. Он составляет более 75 тыс. образцов 147 сельскохозяйственных культур, в т.ч. более 43 тыс. образцов более 100 сельскохозяйственных культур, имеющихся в коллекциях Научно-исследовательского растениеводства, которая имеет стратегическую значимость и является частью национального генофонда. В составе этих коллекций института находятся редкие и исчезающие формы, стародавние местные сорта, дикие



сородичи культурных растений и селекционные сорта из многих стран мира, представляющие ботаническое, генетическое, географическое и экологическое разнообразие. На основе этих коллекций путём передачи исходного материала научных учреждениях республики и использования ими в селекции, созданы ныне возделываемые в производстве республики сорта различных культур.

В связи с экономическими трудностями и недостатком материальных средств, а также отсутствием приспособленных для хранения семян помещений, научно-исследовательские институты республики не в состоянии обеспечить долговременное сохранение их генофонда, который является частью национального генофонда. В результате несвоевременного пересева образцов, они теряют всхожесть, и это приводит к ежегодной утере ценных сортов, некоторые из них практически невозможно восстановить.

Учитывая важность вышеизложенного, в 2003 году Научно-исследовательском институте растениеводства введён в эксплуатацию первый в Центрально-Азиатском регионе Генбанк сельскохозяйственных культур. Это научный комплекс, включающий Лабораторию по исследованию семян мировых коллекций сельскохозяйственных культур и подготовке их для закладки в хранилище с контролируруемыми условиями температуры и влажности воздуха и Отдел документирования генетических ресурсов растений, где начата работа по формированию Национальной компьютерной база данных. Созданный Генбанк института рассчитан на среднесрочное хранение и в семенном хранилище при температуре воздуха $+4-6^{\circ}\text{C}$ и относительной влажности воздуха 30-35% семена не теряют всхожесть в течение 15-20 лет.

В настоящее время в Семенном Генбанке института сохраняются коллекции однолетних видов сельскохозяйственных культур. Коллекции вегетативно-размножаемых плодовых и овощных культуры и винограда поддерживаются в живом виде в Полевых Генбанках института и его Сурхандарьинской научной



опытной станции.

Документирование является одним из важнейших направлений в работе с генофондом растений и включает оформление, движение, сохранение и использование генетических источников и является основой функционирования генбанков растений, выступая в качестве важнейшего элемента формирования генетического разнообразия национальных коллекций. В Отделе документирования проводится работа по формированию базы данных по генетическим ресурсам растений с использованием программы «САС-DB», разработанной специально для стран Центральной Азии и Закавказья. В настоящее время сформированы паспортная часть базы данных, сохраняемого генофонда и формируются данные по характеристикам коллекционных образцов по отдельным культурам.

Мировой генофонд сельскохозяйственных культур представляет научный интерес для фундаментальных теоретических исследований и практическую значимость для региона. Сохраняемый генофонд института является национальным достоянием республики, обеспечивающий продовольственную безопасность страны для настоящего и будущего поколения.

ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР ТАҲЛИЛИ

Адилова Ш., Кулмамамова Д.Э., Бабоев С.К.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз махалласи
shokhi.adilova@mail.ru

Дунё кишлок хўжалигида юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.) энг муҳим бошоқли дон экинларидан бири ҳисобланади. Кузги юмшоқ буғдой ҳосилдорлигининг юқори бўлиши кўпгина факторларга боғлиқ. Ҳар бир фактор



Ўзининг индивидуал таъсирига эга, аммо ҳар бир факторнинг таъсирини алоҳида ўрганиш, тўлиқ таҳлил учун етарли эмас. Буғдой ҳосилдорлигига факторлар таъсирини ўрганишда бир канча замонавий таҳлил усуллари: мультвариацион кластер таҳлили (СА) ҳамда асосий компонентлар анализи (РСА) мавжуд бўлиб, буғдой генотипларининг хилма-хиллигини баҳолашда кенг самара беради. Танлаб олинган навларнинг географик келиб чиқиши турлича бўлиб, Бардош, Илғор ва Эъзоз навлари генетик жиҳатдан ҳар хил бўлсада СИММИТ коллекцияси материалларидан танлаб олинган ва маҳаллий шароитга мослаштирилган навлар, Пахлавон ва Оқ марварид нави маҳаллий навларни дурагайлаш асосида яратилган, Краснодар селекциясига мансуб биологик кузги буғдой навлари, СИММИТ коллекциясининг қурғоқчиликка чидамли навлар кўчатзоридан танлаб олинган, қадимий - маҳаллий буғдой навларидан ташкил топган. Навларнинг ҳосилдорлик элементлари бўйича генетик қариндошликни ўрганиш учун асосий компонентлар ҳамда кластер таҳлили ANOVA STATGRAPHICS статистик программасининг генотип ўртасидаги масофа Euclidean усулида, навларни бирлаштириш гуруҳи (дендраграмма) Wards усулида ҳисобланди.

Асосий компонентлар таҳлиliga кўра, буғдой генотипидаги ҳосилдорлик белгиларни юзага чиқарувчи 8 та компонентларидан ҳосилдорликка таъсир этувчи Eigen қиймати 1 дан юқори бўлган (Eigen value >1) 3 та асосий компонент (РС) аниқланди. Ўрганилган 3 та компонент буғдой генотиплари орасида ҳосилдорлик белгиси бўйича 90,8 % умумий ўзгарувчанликни намоён қилди. Қолган бешта компонент эса буғдой генотипларинг ҳосилдорлигига атиги 9,2 % билан таъсир этган. Биринчи асосий компонент 54,2 % (РС 1), иккинчи асосий компонент 23,3 % (РС 2) ва учинчи асосий компонент 13,2 % (РС 3) ўзгарувчанликни ташкил этди. Биринчи асосий компонент (РС I), ҳосил бўлишида дон ҳосилдорлиги (0,45), $1/m^2$ даги бошоқлар сони (0,42), $1 m^2$ даги дон сони (0,46) каби ҳосилдорлик элементлари ижобий, 1000 дона дон вазни (-0,22) ва ўсимлик бўйи (-0,11) белгилари эса салбий



таъсир қилганлигини кўрсатди (1-жадвал).

Иккинчи асосий компонент ҳосил бўлишида эса биомасса (0,47) ҳамда ўсимлик буйи (0,61) ижобий таъсир этган бўлса, ҳосил индекси (-0,49), 1000 дон дон оғирлиги (-0,24), бир бошоқдаги дон сони (-0,23) салбий таъсир этди. Учинчи асосий компонент (РС-III) да хилма-хилликни таъминловчи асосий омил 1000 дон дон вазнининг юқори ижобий таъсиридир.

1-жадвал

Асосий компонентлар бўйича факторлар таҳлили

Факторлар	РС I	РС II	РС III
HI Ҳосил индекси	0,316499	--0,498017	0,144542
DH Дон ҳосилдорлиги	0,455803	-0,0282902	0,272919
BM Биомасса	0,327457	0,474659	0,203133
BS 1/м ² даги бошоқлар сони	0,417835	0,104454	0,31843
DO1000дона дон вазни	-0,225542	-0,248635	0,754847
DS дон сони/м ²	0,466479	0,143532	-0,0817945
BDS Бир бошоқдаги дон сони	0,360149	-0,233258	-0,422655
O'В усимлик буйи	-0,109904	0,614928	0,120855

Шунга кўра юқорида кўрсатилган ижобий ва салбий таъсир этган ҳосилдорлик элементлари кластер ҳосил бўлишида ҳам катта ҳисса кўшган.

Асосий компонентлар таҳлилига кўра, биринчи гуруҳга 1 м² даги дон сони, иккинчи асосий гуруҳга ўсимлик буйи, учинчи гуруҳ учун эса 1000 дон дон вазни танлаб олинди.

Таҳлил натижаларига кўра, ҳар бир асосий компонент учун тўғри келадиган ҳосилдорлик элементлари аниқланиб, шу оркали популяциядаги белгиларнинг хилма-хиллигини яъни дисперцияси кўрсатиб берилди.



ҒЎЗА НАВЛАРИДАН ЯНГИ ТИЗМАЛАР АЖРАТИБ ОЛИШДА БОШЛАНҒИЧ АШЁЛАРНИНГ УНУВЧАНЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Алиқулов Э.О.¹, Эргашев О.Р.¹, Муталов А.А.¹, Мамадиёров Ш.Т.²

¹ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти ходимлари,
²Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДК ходими
Муқимов Ш.М., Қ/х экинлари навларини синаш маркази ходими.

Ғўзанинг янги тизма ва навларини ажратиб олиш бўйича ўтказиладиган барча тадқиқотларда бошланғич ашёларнинг қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичларига, дурагай авлод ўсимликларида уларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги кўламига алоҳида эътибор қаратилади. Уруғлик чигитларининг унувчанлик хусусиятлари ҳам асосий жиҳатлардан бири бўлиб, ниҳоллар яхши парвариш қилинган ғўза майдонларидаги соғлом ўсимликлардан териб олинган, тўлиқ пишиб етилган ҳосилдан ажратиб олинган уруғликларнинг унувчанлиги ҳам юқори бўлиши адабиётлардан маълум.

Ғўзанинг янги тизма ва навларини ажратиб олиш учун амалга оширилиши мўлжалланган тадқиқотларга танланган бошланғич ашёлар уруғлик чигитларининг унувчанлик қобилиятига баҳо бериш.

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган ўрта толали ғўзанинг Келажак, ЎзФА-707, ЎзФА-710, ЎзФА-713, Юлдуз, Меҳнат, АН-Баёвуд-2 навлари ва Л-983 тизмаларининг уруғлик чигитлари мазкур тадқиқот ашёлари ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил услубларидан фойдаланилди. Кузатувдаги уруғлик чигитлар Чапек-Докса озуқа муҳитига ва дистилланган сувга ивитилди. Ивитилган уруғлар пинцет ёрдамида Петри ликобчасида ҳосил қилинган нам шароитда 7-10 кун давомида униш тезлигини кузатиш учун 18-20⁰ С ҳароратли сунъий камерага қўйилди.



Тадқиқ этилган ғўза навлари ва тизмасининг унувчанлигини аниқлаш бўйича тажрибадаги навлардан УзФА-710 ва Юлдуз навларида унувчанлик 100 % да акс этиб, кейинги ўринларда УзФА-713 нави 97 %, ЎзФА-707, Меҳнат навлари ва Л-983 тизмасида 95 ҳамда Келажак, АН-Баёвуд-2 навларида 90 % даги унувчанликни намоён этган. Унувчанлиги энг юқори кўрсаткичларни акс эттирган УзФА-710 ва Юлдуз навлари адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ўрта толали ғўза навлари қаторида толаси чиқими белгиси юқори кўрсаткичларда намоён бўладиган навлардан ҳисобланади. Лекин, ушбу хусусиятга эга бўлган навларнинг минг дона чигити вазни белгиси кўрсаткичлари бошқа навларнинг уруғлари вазнига нисбатан паст бўлишини инобатга оладиган бўлсак, демак, тола чиқимининг юқори бўлиши хусусияти чигит вазнининг пасайишига ва ўз навбатида унувчанликнинг юқори бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлилларга таяниб шундай хулосага келишимиз мумкинки, унувчанлиги ўрганилган тизма ва навларнинг уруғлик чигитларидан жорий тадқиқотларда фойдаланиш агар ташқи муҳит омиллари таъсири кучли даражада салбий таъсир кўрсатмаган тақдирда тажриба майдонида кўчатлар сонининг тўлиқ бўлишини таъминлайди.

ЮҚОРИ ЎРТАЧА УЗУНЛИК БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Алламбергенов Т.Д.

Ўз ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз маҳалласи.

Толанинг технологик сифатлари пахтадан тайёрланадиган газламанинг сифатини ифодалайди. Тола қанча ингичка, пишиқ ва узун бўлса, ундан шунча яхши газлама тўқилади. Толанинг технологик сифатлари кўп жиҳатдан ғўзанинг навига, тупроқ – иқлим шароитига ва қўлланиладиган агротехник тадбирларга боғлиқ.

Юқори ўртача узунлик (Len) – текширилаётган намуна массасининг ярмини



ташқил қилувчи энг узун толаларнинг ўртача узунлиги бўлиб, дюймда ёки мм да ифодаланади.

Тадқиқотларимизда юқори ўртача узунлик белгиси бўйича АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Дехқонбоб ва АН-130 навлари мос равишда ўртача 1,09; 1,11; 1,07; 1,08 ва 1,12 дюймни ташқил қилди.

F₁ ўсимликларида юқори ўртача узунлик белгисининг ирсийланиши турлича кечди. Юқори ва ўртача узунлик белгиси бўйича олинган натижалар шуни кўрсатдики, F₁ АН-Боёвут-2 х С-6524 реципрок дурагай комбинациялари 1,08-1,11 дюймни ташқил этди ва салбий ўта доминантлик ($h_p = -2,00$) ҳамда тўлиқ доминантлик ($h_p = 1,00$) ҳолатлари кузатилди. F₁ Наманган-77 х Дехқонбоб реципрок дурагай комбинациялари юқори ўртача узунлик белгиси бирхил натижа, яъни, 1,11 дюймни ташқил қилди, доминантлик коэффициентлари $h_p = 9,00$ ва $h_p = 5,00$ га тенг бўлди. Иккала комбинацияда ота-она шаклдан устун бўлиб, ижобий ўта доминантлик, яъни гетерозис ҳолати кузатилди. Наманган-77 ва АН-130 навларининг F₁ реципрок дурагай комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгиси бўйича 1,08 ва 1,11 дюймни ташқил қилди, доминантлик коэффициенти $h_p = 0,60$ ва $h_p = -0,60$ га тенг бўлди. F₁ Наманган-77 х АН-130 дурагай комбинациясида қисман ижобий, реципрок комбинациясида эса, қисман салбий доминантлик юзага келди.

F₁ реципрок комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгиси асосан ижобий ўта доминантлик ҳолатда, айрим ҳолларда тўлиқ устунлик, қисман ижобий ва салбий, ҳамда салбий ўта доминант ҳолатларда ирсийланди.

F₂ реципрок комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти (h^2) 0,45 дан то 0,71% га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 45,0-71,0 % дурагай шаклнинг генотип, 29,0-55,0% ташқи муҳит таъсирида ирсийланишини кўрсатади.

Ўрганилган ғўза навлари ва уларнинг F₁ дурагайлари юқори ўртача узунлиги белгиси бўйича бир-биридан статистик фарқланмасликлари аниқланди.



МИКРОНЕЙР КЎРСАТКИЧИНИНГ F_1 ВА F_2 ЎСИМЛИКЛАРИДА ИРСИЙЛАНИШИ

Алламбергенов Т.Д.

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз маҳалласи.

Жаҳон бозори асосан тола микронейрига катта эътибор қаратади. Микронеёр – толанинг чизиқли зичлиги билан ўзаро боғлиқ микрограммнинг дюймга нисбатини, шу билан биргаликда, толанинг пишиб етилганлик даражасини ҳам белгилайди. Шунингдек, толанинг ранги ва жинлашдан кейинги сифати бўйича ташқи кўриниши, нуқсон ва ифлос аралашмаларнинг вазнли узилиши (%), намликнинг вазнли нисбати (%) ҳам унинг баҳосига катта таъсир кўрсатади.

Тадқиқотларимизда бирхил ва ҳархил типдаги ғўза навларини дурагайлашдан олинган F_1 ўсимликларида тола микронейри кўрсаткичи ирсийланиши ўрганилди. Микронеёр кўрсаткичи АН-Боёвут-2 (V-тип) навида 4,77, С-6524 (IV-тип) навида 4,50 ни ташкил қилди. Бу навлардан реципрок усулда чапиштириб олинган F_1 АН-Боёвут-2 х С-6524 дурагай комбинациясида микронеёр кўрсаткичи 4,45 га тенг бўлди ва қисман ижобий доминантлик ($h_p = -1,46$) ҳолатда ирсийланиши кузатилди. F_1 С-6524 х АН-Боёвут-2 комбинациясида тола микронейри ўртача 4,71 ни ташкил қилди ва қисман ижобий доминантлик ($h_p = 0,58$) ҳолатида ирсийланди.

Наманган-77 (V-тип) навининг микронеёр кўрсаткичи ўртача 4,76, Дехқонбоб (V-тип) навида 4,72 ни ташкил қилди. Бу навлардан реципрок усулда чапиштириб олинган F_1 Наманган-77 х Дехқонбоб дурагай комбинациясида микронеёр кўрсаткичи ўртача 4,79 га тенг бўлди ва ижобий гетерозис ($h_p = 2,50$) ҳодисаси кузатилди. F_1 Дехқонбоб х Наманган-77 комбинацияси тола микронейри ўртача 4,78 ни ташкил қилди ва гетерозис ($h_p = 2,00$) ҳолати кузатилди.

АН-130 (IV-тип) навининг микронеёр кўрсаткичи ўртача 4,32 га тенг бўлди. F_1



Наманган-77 × АН-130 дурагай комбинациясида микронейр кўрсаткичи ўртача 4,29 га тенг бўлди ва салбий ўта доминантлик ($h_r = -1,14$) ҳолати кузатилди. F_1 АН-130 × Наманган-77 дурагай комбинациясининг тола микронейри ўртача 4,66 ни ташкил этди ва қисман ижобий гетерозис ($h_r = 0,55$) ҳолати кузатилди.

F_2 АН-Боёвут-2 × С-6524 комбинациясида микронейр кўрсаткичи ўртача 4,54 га тенг бўлиб, наسدан-наслга берилиш коэффициенти $h^2 = 0,70$, реципрок комбинациясида эса, микронейр ўртача 4,77 ва $h^2 = 0,60$ ни ташкил қилди. Наманган-77 ва Деҳқонбоб навларининг F_2 дурагай комбинациясининг микронейр кўрсаткичи ўртача 4,76 га эга бўлиб, наسدан-наслга берилиш коэффициенти $h^2 = 0,54$, Ушбу навларнинг реципрок комбинациясида микронейр кўрсаткичи ўртача 4,77 ва $h^2 = 0,71$ га тенг бўлди. F_2 Наманган-77 × АН-130 комбинациясининг микронейр кўрсаткичи ўртача 4,81 га эга бўлиб, наسدан-наслга берилиш коэффициенти $h^2 = 0,51$, реципрок комбинациясида эса, микронейр кўрсаткичи ўртача 4,68 га ва $h^2 = 0,59$ ташкил этди.

Тола микронейри бўйича IV-V типга мансуб навларнинг F_1 дурагайларида бу белгиларнинг мақбул кўрсаткичларни намоён этишларида IV тип тола берадиган навнинг оталик шакли сифатида қўлланилиши муҳимлиги, толаси V типга мансуб навларнинг реципрок F_1 дурагайларида h_r кўрсаткичи ижобий ўта доминантлик ҳолатида намоён бўлди, лекин бу ҳолат микронейр кўрсаткичи учун салбий гетерозис ҳисобланади. F_2 ўсимликларида толанинг микронейр кўрсаткичининг наسدан-наслга берилиш коэффициенти $h^2 = 0,51-0,71$ га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 51-71% и дурагай шаклнинг генотип, 29-49% ташқи муҳит таъсирида ирсийланишини кўрсатди.



G. BARBADENSE L. ТУРИЧИ ХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИ ЎЗАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН F₁-F₂ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КУН УЗУНЛИГИГА ТАЛАБЧАНЛИК БЕЛГИСИНИ ИРСИЙЛАНИШИ

Аманов Б.Х.¹, Маҳкамova М.Т.², Менгатова У.³

¹ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

²Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

³Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

amanov.81@bk.ru

Маълумки, фотопериодизм жараёни эволюцияси эртапишарлик каби ғўзанинг тропик ўлкалардан, табиий узун кун бўлган шимолий минтақаларга силжиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ғўзанинг бошланғич фотопериодга талабчанлигининг полиморфизми сабабли, турли мутациялар ҳамда табиий ва сунъий танлашлар натижасида фотопериодга сезувчанлиги паст ёки эртапишар, куннинг узунлигига деярли нейтрал бўлган навлар етиштиришга муваффақ бўлинган. Ёввойи турлар, тур кенжа ва шакллари амалий селекция тадқиқотларига жалб этиш, фақат уларгагина хос бўлган морфобиологик белгиларни, яъни фотопериодга талабчанлик, баргларидаги антоциан доғ, гултожибаргларидаги антоциан доғининг ирсийланиши, тола ранги, тукчалар ранги, туксизлик, толасизлик, хлорофилл бўлмаслиги, эркакча пуштсизлик каби белгиларнинг ирсийланиши аниқланган.

Н.Г. Симонгулян, С. Мухамедханов, А. Шафринлар таъкидлашича, ғўзанинг фотопериодга сезувчанлиги узун кун шароитида биринчи ҳосил шохининг баландлигига қараб аниқланади. Бу белгилар турли хил генлар тизими билан бошқарилсада, бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўрганилган бошланғич манбалар ёввойи, рудерал ва маданий тропик шакллар фотопериодга талабчанлиги, маданий навлар эса узун кунга нейтраллиги билан тавсифланади. Ғўзанинг ўрта толали турида фотопериодик реакция полиген генлар тизими орқали бошқарилишини, узун кунга «нейтраллик» реакцияси доминантлигини исботлаб берганлар.

G. barbadense L. ярим ёввойи кенжа тури *f. parnat* шакли, маданий тропик кенжа тури *subsp. vitifolium*, *f. brasiliense* шакли, маданий Қарши-8 нави ва ёввойи



G.darwinii турини дурагайлаш асосида олинган туричи ва турлараро F_2 ўсимликларини фотопериодик реакциясини ирсийланиши таҳлил қилинди. *G.darwinii* тури, subsp. *vitifolium* кенжа тури, f. *parnat*, f. *brasiliense* шакллари фотопериодга талабчан бўлиб, узун кунда уларнинг биринчи ҳосил шохи 15-24 бўғинда бўлиб сунъий қисқа кунда 7-9 бўғинда жойлашади. *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари кун узунлигига талабчан бўлиб, узун кун (13-15 соат) шароитида биринчи ҳосил шохи 23-30 бўғинда, сунъий қисқа кун (10 соат) шароитида эса 9-10 бўғинда ҳосил бўлади.

Туричи F_1 , F_2 subsp. *vitifolium* x Қарши-8 комбинациясини кўриб чиқамиз. F_1 -ўсимликлари узун кунда бемалол шоналаб, гуллаб, ҳосил туғиши, F_2 -ўсимликларида эса узун кун шароитида кенг ўзгарувчанлик кузатилди. Биринчи ҳосил шохининг ўзгарувчанлиги 4-5 да 20 ва ундаги юқори бўғинларда кузатилди. Таҳлил қилинган 206 та дурагай ўсимликлардан 194 таси ($h_s=4-15$) узун кунга нейтрал, 12 таси ($h_s=15-20$ ва ундан юқори) фотопериодга талабчан ўсимликлар ажралиб чиқди. Ушбу белги 15:1 нисбатда ирсийланиши полимер генларнинг нокумулятив таъсирида бошқарилишини, subsp. *vitifolium* кенжа тури фотопериодга талабчанлик, 3 та рецессив генлар ph_1 , ph_2 , ph_3 билан, узун кунга нейтраллик реакцияси эса иккита доминант генлар Ph_1 , Ph_2 ва битта рецессив ph_3 ген томонидан бошқарилишини кўрсатади. Бунда $\chi^2=0,05$, $P=0,99-0,95$ оралиғида бўлди.

ГЕОГРАФИК ЖИҲАТДАН УЗОҚ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА СИФАТИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗARO КОРРЕЛЯЦИЯСИ

Амантурдиев И.Ф., Бобоев С.Ф.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Университет кўчаси 4-уй, Тошкент, Ўзбекистон
amanturdiyev.i@gmail.com

Маълумки, ғўза асосан енгил саноатнинг қимматли хом ашёси - тола олиш учун экилади. Толанинг пахта хом ашёсидаги фоизи барча экин майдонидан



олинадиган тола ҳосилдорлигини кўрсатишга асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун, янги навларнинг тола чиқимини ошириш, мамлакатимиздаги ғўза экиладиган майдонлар қисқариши ва пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини аввалгидан камайтирмаслик режалари билан боғлиқ долзарб муаммолардандир. Ғўза навлари генетикаси ва селекциясида тола чиқими муаммоси, ирсиятидаги тола чиқимининг юқорилиги ва сифати ўртасидаги қарама-қарши боғланиш борлиги бугунги кунга қадар етарли даражада ҳал этилгани йўқ. Лекин, баъзи ҳолларда селекционерлар томонидан белгиларнинг узвий боғлиқлигини бузишга эришилган бўлиб, юқори тола чиқимига эга бўлган ашёлар яратилган.

Географик ва генетик жиҳатдан узоқ шаклларни дурагайлаш орқали олинган ҳар хил биотипга мансуб ўрта толали ғўза навлари иштирокида олинган дурагайларда тола узунлиги белгисининг ирсийланиши оналик навнинг генотипига боғлиқ ва турлараро чатиштириш орқали эса тола узунлиги белгиси бўйича ингичка толали ғўза навларига хос рекомбинантларни ажратиш олиш мумкин.

Изланишларимизда географик жиҳатдан узоқ шаклларни (*G. hirsutum* L. турига мансуб маҳаллий навлар ҳамда АҚШ намуналари) дурагайлашдан олинган F_2 дурагайларида тола чиқими ва унинг сифатини белгиловчи айрим технологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликлар қай тарзда шаклланишини аниқладик. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тола чиқими ва узунлиги кучли даражада салбий боғланган деган маълумотлар келтирилган. Бироқ, бизнинг изланишларимизда олинган натижалардан, генетик жиҳатдан узоқ дурагайларда бошқача кечишини ва ушбу фикр ҳамиша ҳам тўғри эмаслигини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, дурагай-комбинацияларнинг аксариятида тола узунлиги ва микронейр ўртасидаги корреляциялар турли даражада салбий эканлиги аниқланди. Нисбатан юқори ижобий корреляция F_2 Бухоро-8 × $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида ($r=0,69$) кузатилди. Шунингдек, F_2 Т-16/04 × $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва F_2 С-6532 × $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагайларида ҳам кучсиз



ижобий корреляция қайд этилди. Ўрганилган дурагайларнинг тола узунлиги ва солиштирма узилиш кучи орасидаги корреляция асосан ижобий кучли, ўрта F_2 Бухоро-8 × $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва кучсиз даражада, F_2 Т-16/04 × $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида ўрта салбий ($r=-0,57$) ва F_2 Бухоро-8 × $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида жуда кучсиз салбий даражадаги салбий боғлиқлик борлиги аниқланди. Аксарият комбинацияларда солиштирма узилиш кучи ва микронейр ўртасидаги корреляциянинг ўртача салбий ёки ижобий эканлигини тасдиқлайди. Бу эса, дурагайлардан фарқли равишда, солиштирма узилиш кучи ва микронейр бир хил даражада яхши бўлган рекомбинантлар камроқ пайдо бўлишидан далолат беради. Дурагайларнинг F_2 авлодида тола чиқими ва тола узунлиги ҳам нисбатан кучсиз ва ўрта даражадаги салбий боғланишда эканлиги тасдиқланди.

Хулоса. Корреляция коэффициентини ўрганиш борасида олинган маълумотларга асосланиб, генетик жиҳатдан узоқ шаклларни дурагайлаш асосида тола сифати бўйича юқори параметрларга эга рекомбинантларни пайдо бўлиш эҳтимолини ошириш мумкин. Бундай рекомбинантларни аниқлаш учун дурагайларнинг F_2 авлодини чуқур ўрганиш ва уларда корреляцион таҳлил ўтказиш тақозо этилади. Шунингдек, белгиларнинг корреляцияси бўйича олинган натижалардан танлаш ишларини ҳар бир комбинация бўйича уларнинг генотипини ва корреляция коэффициентини инобатга олган ҳолда амалга ошириш керак.

СОЗДАНИЕ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ТЕХНОЛОГИЙ ЦИФРОВОГО ФЕНОТИПИРОВАНИЯ

Бабоева С.С.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз
Ташкентская область, Кибрайский район, поселок Юкори-Юз
igebr_anruz@mail.ru

В современной генетике растений, в том числе и сельскохозяйственных культур, при изучении взаимосвязи между генотипом и фенотипом происходит



переход к анализу данных большого масштаба, который актуален и при поиске генов, ответственных за важные хозяйственные признаки растений (урожайность, биомасса растения, сроки основных фаз роста, устойчивость к стрессу и заболеваниям). Основное преимущество цифровых технологий – максимальное исключение человека из процесса оценки какого-либо признака. Это позволяет: (а) существенно ускорить процесс получения данных за счет автоматизации; (б) увеличить точность оценки фенотипических параметров, устранив субъективизм и неточность измерений, присущих человеку; (в) получать оценки новых характеристик фенотипа, наблюдение или оценка которых ранее были недоступны (например, параметры микроскопических органов растений).

Особенностью феномики растений является необходимость учета широкого спектра условий внешней среды (температуры, влажности, освещенности, типа почвы и др.), в которой произрастают растения, поскольку предполагается, что до 50% фенотипических вариаций могут быть обусловлены средовыми факторами.

Однако область интересов селекционеров в большей степени связана с изучением фенотипических характеристик на уровне органов (таких как корень, лист, стебель, соцветие, колос, семена), физиологических свойств растений (скорость развития на отдельных этапах онтогенеза, показатели эффективности фотосинтеза и эффективность использования воды, устойчивость к стрессу) или их общих характеристик, таких как продуктивность, биомасса, устойчивость к заболеваниям. Поэтому фенотипические характеристики, связанные с этими уровнями организации или физиологическими параметрами, представляют для феномики растений наибольший интерес.

Мягкая пшеница является одним из основных сельскохозяйственных культур Узбекистана. Большинство сортов, возделываемые в республике являются биологически озимыми, адаптированные к зимнему и к холодному климату, требуют большого количества поливной воды и минеральных удобрений во время вегетации. Сокращающиеся из года в год объемы поливной воды в республике



требуют возделывания сортов, устойчивых к водному дефициту и высоким температурам. Несмотря на высокую урожайность возделываемых интенсивных сортов пшеницы, хлебопекарные качества муки не удовлетворяет. В связи с этим создание местных сортов пшеницы устойчивых к водному дефициту и с высокими хлебопекарными качествами, высоким содержанием белка является весьма актуальным. Это в свою очередь внесет свой вклад уменьшению импорта зерна и муки в нашу республику.

Для этих целей в генетико – селекционную программу привлечены высокоурожайные и высококачественные сортообразцы из Международного питомника озимых и факультативных пшениц, отнявшиеся к различным географическим регионам, а также местные адаптированные сорта. В питомнике имеется 180 сортов мягкой пшеницы. По три колоса в отдельности посеяно на экспериментальной участке института генетики и экспериментальной биологии растений, для определения сортовой чистоты каждого сорта. Собраны данные по морфофизиологических параметров и хозяйственно-ценных признаков, которые внесены в компьютерную программу. Широкомасштабный отбор будут производится по хлебопекарным качествам и компонентам урожайности. Будут создана электронная база, куда будут включены полная характеристика донорных сортов.

ОБОГАЩЕНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКОГО ФОНДА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР

Байметов К.И., Абдуллаев Ф.Х., Назаров П.Т.

Научно-исследовательский институт растениеводства
Ташкентская область, Кирбарйский район, пос. Ботаника
f_abdullaev@yahoo.com

Основным направлением развития сельского хозяйства республики является интенсификации отрасли, с целью полного обеспечения населения продукцией



питания. Природно-климатические условия республики благоприятны для выращивания различных сельскохозяйственных культур и получать продукцию высокого качества.

Важным резервом повышения урожайности сельскохозяйственных культур является внедрение в производство новых сортов интенсивного типа. Они должны сочетать в себе скороспелость, скороплодность, устойчивость к стрессовым факторам среды, высокую продуктивность, а также пригодность к длительному хранению и к различным видам переработки. Создание таких сортов во многом зависит не только от используемых методов, но и от наличия и изученности исходного материала, который тесно связан с состоянием генофонда изучаемых культур.

Поэтому обогащение и постоянное пополнение генофонда растений новыми образцами с хозяйственно-ценными признаками является залогом создания современных сортов. В этом отношении особое место занимает местные сорта, на что особое внимание обращал Н.И.Вавилов. Народной селекцией созданы высококачественные сорта абрикоса- «Субхони», «Хурмаи», «Арзами»; граната- «Казаке анор», «Аччик дона»; винограда- «Катта Курган», «Ичкимар», «Паркентский»; черешни- «Кара гелес», «Саври Сурхани»; лука- разновидности «Ак пияз»; дыни- «Бури кала», «Кара хаит», различных сортов пряных и других культур, которые сегодня выращиваются в хозяйствах и приусадебных участках.

Формообразовательный процесс продолжается и по сей день. Экспедиционные обследования по республике показали, что практически все регионы богаты местным сортиментом. Но, в зависимости от климатических и почвенных условий, местный сортимент различных культур различный. Географическое расположение и почвенно-климатические условия сильно влияют на формообразовательный процесс местного сортимента сельскохозяйственных культур. В северных районах климат резко континентальный, почва и оросительная вода засолены в различной



степени.

Обследования показали, что регион очень беден местным сорtimentом овощных культур. В Каракалпакстане и Хорезмской области распространен сорт лука- «Ак пияз». По мнению А.Ф.Пимахова он является сортовой популяцией «Фарабского лука», который имеет большое распространение в Туркменистане. Луковица белые, среднего размера, имеет различную форму- от округлой до плоской, но больше встречаются округло-овальной формы. Сорт неприхотливый, урожайность средняя. Его преимуществом является засухоустойчивость и устойчивость к засолению почвы. Местное население выращивает сорта моркови- «Сарик сабзи» (*желтая*), «Тук сарик сабзи» (*оранжевая*) и сорт «Новвот ранг», который имеет незначительное распространение. Корнеплоды у сорта «Сарик сабзи» крупные, длиной до 30-35 см, урожайный и более популярный. Другие уступают ему по размеру корнеплодов и урожайности. Преимуществом этих сортов является относительная устойчивость к засолению почвы.

Северный регион очень беден сорtimentом винограда. Выращиваются известные сорта «Хусайни», «Тойфи белый», «Тойфи розовый», «Хурманы кизил» и другие. Здесь виноград укрывная культура и выращивается в фермерских хозяйствах на вертикальной шпалере, а в приусадебных участках на наклонной шпалере.

В южных регионах республики климатические условия резко отличаются от северных. Мягкая и короткая зима, продолжительный вегетационный период, засуха и высокая температура воздуха сильно влияют на состояние плодовых культур. В этих условиях важнейшей биологической особенностью сортов является засухоустойчивость и устойчивость к жаре. В южных регионах республики наиболее популярными являются сорта лука раннего срока созревания. Они 1,0-1,5 месяц раньше готовы к реализации, чем в других регионах. Поэтому здесь выращиваются ранние сорта лука «Джаупазак» народной селекции и



интродуцированный сорт «Корейский». Эти сорта также отличаются высокой урожайностью. В фермерских хозяйствах также выращиваются районированные сорта «Каратальский», «Испанский» и другие.

Выращиваются районированные сорта моркови «Мирзои красный», «Мирзои желтый», «Мшак» и другие. Наряду с ними выращиваются сорта народной селекции «Мирзои мушти», «Мирзои узун мушти» и они отличаются только размерами корнеплодов. У сорта «Мирзои узун мушти» головка корнеплода диаметром 3-4 см и длиной 25-30 см. Надо отметить, что диаметр головки корнеплода почти одинаковые с нижней части. У некоторых фермеров также встречается один из отобранных форм сорта «Мшак» - «Мшак длинный», то есть у него более длинные корнеплоды. Эти сорта по урожайности и качеству корнеплодов несколько не уступают районированным сортам и хорошо приспособлены к местным условиям.

В южных регионах сортимент плодовых культур, особенно по субтропическим культурам, очень богат. Много местных сортов и форм абрикоса, миндаля. Выявленные сорта, отличающиеся устойчивостью к засолению почвы и высоким температурам воздуха с хозяйственно-ценными признаками, рекомендуются как исходный материал для селекции.

ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ҒАЛЛА ШИРАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Баходиров У.Ш.

ЎзР ФА Генетика ва экспериментал биология институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани Юқори юз кўчаси
igebr@akademy.uz

Тадқиқот олиб бориш жараёнида дала шароитида давлат реестрига киритилган 20 та буғдой навлари 1м² да 4 қайтариқда экилиб, биринчи ва учинчи майдонларда ширанинг оддий ғалла шираси – *Schizaphis graminum* (*Toxoptera graminum*) Rond ва



черемуха ғалла шираси *Rhopalosiphum padi* (L.) турлари билан сунъий зарарлантирилди ва ҳар бир нав алоҳида ҳимоя қилиниб, ҳар 5 кунда ширанинг кўпайиши назорат қилиб борилди.

Олинган натижаларнинг тахлилига кўра, шираларнинг энг кўп ривожланган даври ўртача май ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келиб, юмшоқ буғдойнинг Хазрати Башир, Крошка, Восток, Дўстлик ва Гром навларида 3-3.5 баллгача тушганлиги кўрилди. Ширага энг чидамсиз нав Гром нави бўлиб, бу навда май ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ ширалар колониялар ҳосил қилганлиги кузатилди. Термиз-6 навида эса майнинг бошида ҳар бир баргда 2-3 тадан шира кузатилган бўлса, ойнинг 15 - сига бориб ширалар сони тез кўпайиб, ҳар бир баргда 10-15 тадан иборат бўлган ўртача миқдордаги колониялар ҳосил бўлди. Ойнинг 20 сига бориб ширалар сони камайишни бошлади ва ойнинг охирига бориб бу навда ширалар бутунлай қолмаганлиги аниқланди. Юмшоқ буғдойнинг Хамкор, Гром ва Яксарт навларида ойнинг охирида ҳам ширалар сақланиб қолган бўлса, Половчанка, Гора, Ғозғон, Давр, Бунёдкор, Санзар 8 ва Ёнбош навларида май ойининг 20 сига бориб ширалар йўқ бўлиб кетганлиги кузатилди. Энг кам шира тушган навлар Половчанка, Тараққиёт, Ғозғон, Давр ва Термиз-10 навлари бўлди.

Буғдойнинг Ёнбош нави ўсимлик бўйи шира билан зарарланган фонда 110 см бўлган бўлса, назоратда 130 см ни ташкил қилди. Гора нави зарарланган фонда 95 см аниқланган бўлса, назоратда 110 см бўлганлиги кўрилди. Дўстлик нави зарарланган фонда 96 см бўлган бўлса, назоратда 120 см ни ташкил қилди. Яксарт нави зарарланган фонда 95 см аниқланган бўлса, назоратда 112 см бўлганлиги кўрилди. Қолган навларда кескин фарқ йўқлиги кузатилди.

Юмшоқ буғдой навларини сунъий фонда шира билан зарарланганда 50 та бошоқ дон оғирлиги баҳоланиб, энг юқори дон оғирлигини йўқотган Маржон нави 69 г ни ташкил қилиб, назоратда 106 г бўлди. Тараққиёт нави зарарланган фонда 54 г ни аниқланган бўлса, назоратда 108 г бўлганлиги кузатилди. Бунёдкор нави



зарарланган фонда 57 г бўлганлиги кузатилиб, назоратда 104 г ташкил қилди. Яксарт нави зарарланган фонда 45 г ташкил қилиб, назоратда 103 г бўлганлиги кузатилди. Қолган навлар назоратга нисбатан тажрибада сезиларли даражада энг кам фарқ Хазрати Башир нави зарарланган фонда 61 г бўлган бўлса, назоратда 69 г ташкил қилди. Крошка нави зарарланган фонда 72 г ташкил қилиб, назоратда 81 г бўлганлиги кузатилди. Восток нави зарарланган фонда 67 г бўлганлиги кузатилиб, назоратда 72 г бўлганлиги кузатилди. Термиз -10 нави зарарланган фонда 91 г ни ташкил қилган бўлса, назоратда 96 г бўлганлиги кузатилди.

Шира билан зарарланган фонда юмшоқ буғдой навларида m^2/g даги дон оғирлиги баҳоланганда, энг юқори йўқотилган дон кўрсаткичи Хамкор навида 506 г ни ташкил қилиб, назоратда 971 г бўлганлиги кузатилди. Половчанка нави зарарланган фонда 692 г бўлганлиги кузатилиб, назоратда 1146 г ташкил қилди. Қолган навлар назоратга нисбатан тажрибада сезиларли фарқ борлиги кўрилди ва энг кам фарқланиш кўрилганда Чиллаки, Крошка, Термиз-10 навларида бўлди.

Хулоса: ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, давлат реестрига киритилган 20 та буғдой навларидан Чиллаки, Крошка, Термиз-10 навларининг ўсимлик бўйи, бошоқ дон оғирлиги, m^2 даги хосилдорликлари юқори бўлиши бошқа навлардан ширанинг Оддий ғалла шираси – *Schizaphis graminum* (*Toxoptera graminum*) Rond ва Черемуха ғалла шираси *Rhopalosiphum padi* (L.) турларига нисбатан чидамлироқ эканлигига боғлиқ экан.



МУРАККАБ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ДЎЗА НАВЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК ПОТЕНЦИАЛИ

Бобоев С.Д., Амантурдиев И.Д., Ахмеджанова Г.К.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Университет кўчаси 4-уй
amanturdiyev.i@gmail.com

Дўнё бўйлаб етиштириладиган пахта толасининг 95%, яъни аксарият қисми (AD)₁ геноми гуруҳидаги *G.hirsutum* L. турига мансуб ўза навларига тўғри келади. Қолган (3-4 %) қисми (AD)₂ геномли ўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб навлардир. Осиё қитъасининг Бангладеш, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларида ўзанинг A₁, A₂ геномидаги маданий диплоид *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларига мансуб навлари ҳам қисман экилади. Бу маданий навлардан ташқари, ҳозирда ўзанинг турли геном гуруҳларига мансуб 50 га яқин ёввойи турлари мавжудлиги аниқланган. Ушбу ёввойи турлар ҳам ноёб белги хусусиятларга эга бўлиб, улардан маданий (AD)₁ ва (AD)₂ геномларига мансуб ўза навлари генотипини бойитишда фойдаланиш мумкин.

Дзанинг D₁, D₅, A₂, AD₁, AD₂ геном гуруҳларига мансуб *G.thurberi* Tod, *G.raimondii* Ulbr., *G.arboreum* L., *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари иштирокида яратилган ўза навларининг муҳим қимматли хўжалик белгилари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Тезпишарлик кўрсаткичи ўрганилганда, янги яратилган навларнинг тезпишарлиги 116 кундан (СП-1303), 122 кунгача (СП-Камолот) бўлиб, андоза С-6524 навидан 2-6 кунгача тезпишар эканлигини кўрсатди. Бевосита тезпишарлик билан вилтга чидамлилик ўзаро боғлиқ бўлиб, тадқиқотларимизда навларнинг вилт билан зарарланиш даражаси ҳам аниқланди. Умумий даражада зарарланиш бир-биридан кескин фарқланмаган ҳолда 6,8-12,9% зарарланишни қайд этди. Бу кўрсаткич андоза С-6524 навига нисбатан сезиларли равишда чидамли эканлигини кўрсатди. Навларнинг касалликка бардошли



бўлишини уларнинг келиб чиқишида вилтга бардошли *G.thurberi* Tod., *G.raimondii* Ulbr. турларининг иштирок этганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳосилдорлик элементларидан бўлган *бир дона кўсакдаги пахта вазни* (ўртача 6,3-6,6 г.) ва *1000 дона чигит вазни* (125,4-132 г.) белгилари бўйича ҳам мураккаб турлараро дурагайлаш асосида олинган янги навларнинг кўрсаткичи андоза навдан тўлиқ устунликни кўрсатди.

Ѓўза асосан тола учун экилиб, тола чиқими юқори бўлган янги навларни яратиш энгил саноатни толага бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Тола чиқими белгиси бўйича “Камолот-79” (38,4%) ва “С-1306” (37,3%) навлари бошқа навлар ва андоза навдан сезиларли устунликни қайд этган бўлса, СП-Камолот ва СП-1303 навлари 36,5-37% оралиғидаги тола чиқимига эга бўлиб, андоза нав даражасида эканлигини кўрсатди. Толанинг сифат параметрлари “НVI” ускунасида аниқланган бўлиб, микронейр 4,2-4,5 ва тола узунлиги 1,24-1,30 дюйм оралиғида эканлигини кўрсатди ва олинган натижалар толаси IV-типга мансуб андоза С-6524 нави кўрсаткичларига нисбатан ижобий эканлигини тасдиқлади. Толанинг узилиш кучи кўрсаткичлари ҳам андоза нав даражасида бўлди. Умуман олганда янги навларнинг тола сифати бўйича кўрсаткичлари IV-тип талабларига тўла жавоб бериши аниқланди. Мураккаб турлараро дурагайлаш орқали яратилган 4 та янги навнинг муҳим хўжалик белгилари ижобий бўлганлигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаби, навларнинг келиб чиқишида турли геном гуруҳларига мансуб бир нечта турларнинг иштирок этганлиги ва улардаги муҳим белгиларни битта генотипга жамланганлиги, узоқ йиллар давомида (18 йил) мақсадли равишда танлов ишларини тўғри олиб борилишидадир.

Хулоса шуки, турлараро мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган бугунги кун талабларига мос янги ғўза навларини яратиш мумкинлиги исботланди. Ўрганилган муҳим белгилар бўйича олинган натижалар андоза навдан тўлиқ устунликни намоён этди. Ҳосилдорлик потенциали ва тола



сифати юқори, стресс омилларга нисбатан бардошли бўлган ушбу навларни экиш эса юқори ҳосил олиш ва қўшимча иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини яратади.

ТУРЛИ ШОХЛАНИШГА ЭГА ЯНГИ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА ШОХЛАНИШ ТИПИНING ИРСИЙЛАНИШИ

Бобоев С.Ғ., Наркизилова Г.

М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ташкент, Талабалар шаҳарчаси
boboyev.1979@mail.ru

Республикамизда сўнгги йилларда қўш қатор усулида экиш бўйича ислохатлар олиб борилиб, бу экиш усулида катта майдонларда ғўза етиштирилмоқда. Чунки бу услубда экилганда ҳар гектар майдонларда кўчат қалинлиги 150-160 минг тупни ташкил этиб, кўчат сони ҳисобига юқори ҳосил олишга эришиш мумкинлиги тасдиқланган. Бунинг учун эса қўш қатор усулида пахта етиштиришга мослашган ноль типига хос ёки юқори даражада шохланмаган йиғиқ типдаги янги ғўза навларини яратишни талаб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолада, ғўзанинг турли шохланиш типига эга нав ва тизмаларини ўрганиш ва уларни чатиштиришга жалб этган ҳолда янги дурагайлар яратиш, олинган янги дурагайларда шохланиш типи ва бошқа хўжалик белгиларни ирсийланиш қонуниятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар манбаи сифатида *G. hirsutum L.* турига мансуб шохланиш типи турлича бўлган СП-1303, Барака-79, Саховот навлари, Т-1380, Т-282-85 тизмалари, О-87-91, О-160-71, О-107-12 оилалари ва улар иштирокида олинган дурагайлар хизмат қилди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичи янги дурагайлар олишга қаратилиб, ота-она шакллари танлаш мақсадида келиб чиқиши бўйича бир-биридан кескин



фарқланувчи оила, тизма ва навларнинг шохланиш типлари ва бошқа хўжалик белгилари ўрганилди. Ўрганишларга кўра Т-282-85 тизмаси ва “Барака-79” навлари чекланган шохланиш типига мансуб эканлиги ҳамда О-107-12, О-87-91, О-160-71 Т-1380, СП-1303 навлари эса чекланмаган шохланиш шаклига мансублиги аниқланди ҳамда улар чатиштиришларшга жалб этилди. Бунинг натижасида, ғўзанинг турли шохланиш типига эга нав, тизма ва оилалари иштирокида янги 6 та дурагай комбинациялари яратилди.

Тадқиқотларда шохланиш типини F_1 дурагай авлодларда қандай қонуният орқали ирсийланишини аниқланиб, ота-она шакллари билан таққосий таҳлил қилинди. Дурагайлашга жалб этилган Т-282-85, Барака-79 навлари чекланган типдаги шохланишга эга бўлса, СП-1303 (йиғиқ формаси) I-тип шохланишга ва СП-1303, О-107-12 ва Т-1380 тизмаси II-тип шохланишга ҳамда О-87-91 ва О-160-71 оилаларининг ҳосил шохларидаги бўғим оралиқлари бир оз узун эканлиги, яъни II-III тип шохланишга эга эканлиги аниқланди.

Дурагайларнинг натижаларига қарайдиган бўлсак, чекланган шохланиш типигаги ўсимликлар билан чатиштирилиб олинган дурагай ўсимликларнинг шохланиши барча дурагай комбинацияларда ота-оналик генотиписига боғлиқ равишда ирсийланиши ва чекланмаган шохланиш типининг устунлигини кўриш мумкин.

Ўрганилган F_1 Т-282-85 × Т-1380, F_1 СП-1303 × Т-282-85, F_1 О-107-12 × Т-282-85, F_1 О-87-91 × Саховот, F_1 О-160-71 × Барака-79 ва F_1 СП-1303 (2- формаси) × Барака-79 дурагай комбинацияларда 50 та ўсимликнинг барчаси чекланмаган симподиал шохланишга эга бўлиб, чекланмаган ва чекланган шохланиш типига мансуб шакллари дурагайлашга қарамасдан F_1 авлодда барча ўсимликлар чекланмаган I-II типли шохланишга эга бўлди. Бу эса чекланмаган шохланиш типининг доминант ҳолатда ирсийланишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари чекланган шохланиш типига эга тизмалар, II-III шохланиш типига эга оилалар



билан чатиштириб олинган F_1 дурагайларга тегишли ўсимликларда ҳосил шохлари ва ҳосил элементларининг нисбатан ғўж ҳолатда жойлашиши, ёки асосий поя ва ҳосил шохлардаги бўғим ораликларининг нисбатан қисқарганлиги кузатилди.

Хулоса: Ғўзанинг чекланган ва чекланмаган шохланишга эга нав ва намуналар чатиштирилганда F_1 дурагай авлодида чекланмаган шохланиш типининг тўлик устунлик қилиши аниқланди. Шунингдек, дурагай ўсимликларда бўғим ораликлари нисбатан қисқариши ва чекланмаган ота-она шакллари шохланишига нисбатан бўғим ораликларини қисқа бўлиши ёки ҳосил элементларининг нисбатан ғўж ҳолатда бўлиши тасдиқланди.

ФОРМИРОВАНИЕ МОРФОТИПОВ ВИДА (*HARMONIA AXYRIDIS*) (*PALLAS*), (*COCCINELLIDAE*, *COLEOPTERA*) НА ТЕРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ МОЛДОВА

Витион П.Г.

Институт Генетики, Физиологии и Защиты Растений
Кишинэу, ул. Пэдурий, 20
vitionpantelei@yahoo.com

Известно, что божья коровка вида *Harmonia axyridis* (Pallas, 1773), происходящая из Азии, в последнее десятилетие распространяется по всему миру. Несколько лет назад вид *Harmonia axyridis* появился в Республике Молдова и других стран Европы. Вид *Harmonia axyridis*, в многих странах был использован для биозащиты растений. Вследствие чего в природных условий высокожизненные лабораторные или искусственные культуры вида *Harmonia axyridis* конкурируют в размножении с природными популяциями. В природных условий после спаривания искусственной с природной популяции, наблюдается максимальный потенциал в массе размножения с высоким нарастания численности вида *Harmonia axyridis*. В последнее время формирование генетической структуры молдовских популяции



кокцинелид морфотипов вида *Harmonia axyridis* происходят из разных биогеографических зон, особенно из сопредельных стран Украины и Румынии, где через промежуточные зональные ареалы происходят гибридизация морф разных географических биозон и формируется комплекс биразнообразия различных форм: *Harmonia axyridis succinea* (91%), *Harmonia axyridis spectabilis* (6%), *Harmonia axyridis conspicua* (3%), которые распространялись по всей территории Р. Молдова. Биогеографические флуктуации частот разных морфен у вида *Harmonia axyridis* являются результатом колебаний численности в различных географических зонах, и как следствие, случайным дрейфом генов, сдвигающим частоты морфен в популяциях этого таксона кокцинелид. Феноблок молдавской популяции морфотипов вида *Harmonia axyridis* связан с процессом межпопуляционной гибридизации молдавской, украинской и румынской *H. axyridis*. В лабораторных условиях при инкубации собранных в природных условиях личинок и куколок, мы получали имаго морфем *succinea*, при сборе в природе этот биологический показатель содержит 90-91%. Широкий спектр морфемы полиморфизма, особенно по различности цвета окраска элитр, который бывает от красной, красно-желтой, оранжевой, желтый или почти буро-желтой до черной окраски формируется за счёт рекомбинации генов –модификаторов разных морфотипов внутривидового таксона *Harmonia axyridis*, который создает генетическую основу для фенотипического разнообразия различных морфотипов молдавской популяции кокцинелид вида *Harmonia axyridis*. Из всех видов сем. (*Coccinellidae*) (*Coleoptera*) таксон *Harmonia axyridis* (Pallas) имеет самый широкий спектр фенотипического полиморфизма, особенно по цвету окраски элитр, разновидность которого варьирует от красной, красно-желтой, оранжевой, желтой или почти буро-желтой до чёрной окраски. У светлых форм надкрылья с 19 чёрными пятнами, которые или частично исчезают или соединяются продольно и поперечно, оставляя крупные пятна на каждом элитре. Встречаются особи, у которых светлые пятна расположены в различных



сочетаниях, на апикальной части надкрылий формируется обширная светлоокрашенная область. На пронотуме, (переднеспинка) имеется знак с W - образным чёрным пятнистым рисунком, или образующий трапецию, а некоторые особи обладают рисунком, который состоит из четырех пятен, расположенных полукругом на переднеспинке. У темных особей элитры чёрные с четырьмя пятнами оранжево - жёлтоватого цвета, есть особи у которых на элитре расположены два оранжевые пятна и на чёрном пронотуме имеют по бокам 2 бело-желтоватых пятна. Некоторые особи имеют надкрыльями, чёрные с оранжевыми или жёлто - красными полулунные формы пятна. Иногда у некоторых особей фон точек может быть редуцирован до двух небольших лунообразных пятен, расположенных на элитрах. Все эти морфологические признаки полиморфизма по окраске элитры с биоразнообразием цвета формируется за счет рекомбинации генов – модификаторов разных морфотипов внутривидового таксона *Harmonia axyridis*, которые формируют фенотипическая структура популяции кокцинеллид вида *Harmonia axyridis*.

GOSSYPIMUM L. ТУРКУМИ БИОХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК ПОТЕНЦИАЛИГА БАХО БЕРИШДА ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Гаппаров Б.М., Ризаева С.М.

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани Юқори юз кўчаси
g.bunyod@bk.ru

Ҳозирги вақтда дунё олимлари қишлоқ хўжалигининг асосий экинларидан бири бўлган ғўза (*Gossypium* L.) турлари ва (ёввойи, ярим ёввойи, маданий тропик) кенжа турларидан турли стресс омилларга, касаллик ва зараркунандаларга генетик жиҳатидан чидамли бўлган белгиларидан фойдаланиш орқали маданий навларнинг



қимматли хўжалик белгилари генетик имконияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан пахтачилик истиқболи учун устувор йўналишларни кенгайтириш ҳамда дунёда рақобатбардош ва тола сифати юқори бўлган маҳсулдор ғўза навларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ғўзанинг *Gossypium* L. туркумида турлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш асосида қимматли хўжалик белгиларига эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли донорлар олиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган.

Турлараро дурагайлаш ишлари XVIII аср охири XIX аср бошларида бошланиб, биринчи мартаба Ҳинд олими Gammie томонидан 1903 йилда *G.hirsutum* L. х *G.arboreum* ssp.*neglectum* турлари ўртасида турлараро дурагайлаш олиб борилган.

XX асрнинг 1930-1980 йилларида мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турлари ҳамда *Gossypium* L. туркумининг тетраплоидли ва диплоидли тур вакиллари иштирок этган турлараро дурагайлаш, экспериментал полиплоидия услубларини қўллаган ҳолда, қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга, қишлоқ хўжалик касалликлари (гоммоз, фузариоз, вилт), зараркунанда ҳашоротларга чидамли донорлар олишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар ўша давр ғўза генетикаси ва селекциясини ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Г. Кульбаева, Р. Шаропова (1982) лар F₁ ПГ-69 [(*G.barbadense* L. х *G.harknessi* L.) х (*G.arboreum* L. х *G.armorianum*)] полигеном дурагайининг *G.barbadense* L. нинг С-6037, *G.hirsutum* L. нинг С-4727 навлари билан чатиштириб олинган F₃-F₅ дурагай авлодларини ўрганганлар ва бу дурагай авлодларида реципрок чатиштиришнинг самарасини аниқлашган. Дурагайларда ўрганилган барча белгилар (барг ўлчамлари ва қирқилганлик даражаси, шохланиш типи, поя узунлиги, маҳсулдорлик ва тола сифати) бўйича трансгрессив ўзгарувчанлик мавжудлиги қайд этилган.



Тола сифатини яхшилашда кўпинча узун ва яхши тола учун “*indicum*” шаклини жанубий ва марказий Ҳиндистонда етиштирганда жуда самарали натижалар олинган, яъни тола сифати ва тола узунлиги юқори бўлган ўсимликлар танлаб олинган, аммо кўсак вазни пастлигича қолган. Бунда “*cernum*” шаклининг кўсак вазнини катталаштириш учун тола сифати ёмон бўлишига сабаб бўлган. *G.hirsutum* L. ва *G.arboreum* L. турларини чатиштириш орқали кўсак ва тола сифатини яхшилаб, самарали натижаларга эришилган.

Ҳиндистоннинг шимолий шарқий вилоятида *G.arboreum* L. нинг “*cernum*” шаклини 1979 йилдан буён 4 мартаба экиб ўрганилган. Шунингдек, Tamil Nadu ва Andha Pradesh ни ўз ичига олувчи жанубий соҳил бўйи вилоятида ҳам бу шакл 4 мартаба экиб ўрганилган. Бу ерларда асосан *G.arboreum* L. нинг “*indicum*” шаклини ва *G.herbaceum* L. хилма-хилликларини йиғиш билан шуғулланилган. Бугунги кунда кўсак вазни 7,3 грамм, тола узунлиги 46 мм ли “*cernum*” шаклининг навлари, яхши толали, 34 мм узунликка эга бўлган “*indicum*” шаклининг навлари ва шўр тупроққа чидамли, ёпиқ кўсакли, Гужаратнинг жанубий соҳилидаги *Dhummad* ғўза навлари ва бошқа турли хил морфологик хусусиятларига эга бўлган навлар мавжуддир.

А.П.Ибрагимов, А.Х.Азенова, Л.В.Семенихиналар (2009) ғўзанинг табиатан чатишмайдиган, филогенетик узоқ, ҳар хил хромосомали (*G.hirsutum* L. $2n=52$ ва *G.arboreum* L. $2n=26$) турлари ўртасида дурагайлаш ишлари олиб боришган. Ғўза ўсимлиги учун модификацияланган ноанъанавий биотехнологик метод, яъни чанг найчаларидан ажратиб олинган сперма хужайраларни ғўза гули тугунчасига микроинъекция қилиш усулини қўллашган. Ушбу дурагайнинг F_1 ва F_2 авлодларида ота-она авлодларига қайтмаган шаклли, пуштли, $2n=52$ сонли барқарор оралик ҳолатдаги, яъни колхицин таъсирисиз синтезланган серҳосил F_1 амфидиплоид *G.hirsutum* L. x *G.arboreum* L. дурагайини олишга муваффақ бўлинган.

Х.А.Мўминов, Н.В.Грабовецлар (2015) туричи ва турлараро дурагайлаш ҳамда



қийёсий морфологик таҳлиллар *G. herbaceum* L. ssp. *pseudoarboreum* f. *harga* шакли шу турнинг ssp. *pseudoarboreum* кенжа туридан филогенетик узоқлигини ва маданий шаклларга яқинлигини аниқлаганлар. Бу ўз навбатида ssp. *pseudoarboreum* f. *harga* шаклини рудерал шаклларга нисбатан, эволюцион жихатдан анча такомиллашганини ва рудерал ҳамда маданий шакллар ўртасидаги оралик шакл ёки тропик мустақил шакл эканлигини изоҳлаган. *G. arboreum* L. турининг тропик ssp. *neglectum* f. *sanguineum* шакли ва ssp. *neglectum* кенжа тури ўртасида филогенетик яқин-узоқлик даражаси аниқланган ва f. *sanguineum* ни кенжа тур даражасига кўтаришни тавсия этишган.

Янги дунёнинг маданийлашган тетраплоид AD-геномнинг вакилларида бири бўлган *G. mustelinum* Miers ex Watt тури (шимоли-шарқий Бразилия), қадимдан ёввойи тур бўлиб, маданийлашиш жараёнида кам фойдаланилган.

Wendel, Rowley, Stewar (1994) ларнинг тадқиқотларида келтирилган маълумотларга кўра, *G. mustelinum* Miers ex Watt тури 5 та тетраплоид турлардан бири бўлиб, Бразилияда географик алохидалашган ҳолда ўсади. Бу олимлар тадқиқотларида аллозим таҳлил усулидан *G. mustelinum* Miers ex Watt турининг бошқа тетраплоид турлар билан алоқасига ва генетик хилма-хилликларининг структуравий даражасига баҳо бериш мақсадида фойдаланилган. Бунда генетик ўзгарувчанлик паст бўлиб, 50 та локусдан фақат 6 тасида полиморфлик кузатилган. Локусдаги ўртача 1,14 та аллелларда 0,08 гетерозиготалилик кузатилган. Бу кўрсаткичлар бошқа тетраплоид турларга нисбатан жуда паст, лекин эндемик турлар учун хос кўрсаткичдир. Популяциялараро генетик ўхшашлик бир хил юқори бўлган. Аллеллар хилма-хиллигининг чегараланганлиги географик алохидалашганлик билан боғлиқлиги кузатилган. Филогенетик ва фенетик анализлар *G. mustelinum* Miers ex Watt турини бошқа полиплоид турлардан ажралиб туришини, полеэндемиклигини кўрсатган. *G. barbadense* L. ва *G. hirsutum* L. турларини бир неча юз йиллар давомида симпатрик равишда маданийлашиб



боришига қарамасдан, *G.mustelinum* Miers ex Watt турида турлараро интрогрессия аллелларини мавжудлик омиллари жуда камлиги таъкидланган.

В.В.Гардуния (2006) тадқиқотларида *G.mustelinum* Miers ex Watt туридан ғўзанинг генетик хилма-хилликларини кўпайтириш ва ёввойи турлардаги белгиларни элита навларига ўтказиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Ушбу мақсадга эришиш учун чатиштириш йўли билан олинган (*G.mustelinum* x *G.hirsutum*) F₁, F₂ ва ВВ₁F₁ ва ВВ₁F₂ авлодлар ўрганилган. Бу дурагайлар микросателлит маркерлар ёрдамида рекомбинация ва танлаш самарадорлигини аниқлаш учун текшириб кўрилиб, *G.mustelinum* Miers ex Watt тури фотопериодга кучли талабчан бўлганлиги сабабли интрогрессив тўсиқлар аниқланган. Тола узунлиги, тола чиқими ва битта кўсакдаги пахта вазни белгилари авлодларга кучли берилувчанлиги, лекин *G.mustelinum* Miers ex Watt тури оналик сифатида бўлган авлодларда бу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган. Аниқланган ижобий белгиларга эга бўлган авлодлар генетик - селекцион тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Шундай қилиб, *G.arboreum* L. ва *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг амалий селекцияда фойдаланиш борасидаги адабиётларнинг таҳлили, мавжуд маълумотларнинг генетика-селекциявий жараёнларининг турли йўналишларини қамраб олганлигини, тадқиқотлар маданий навлар билан дурагайлашга асосланганлигини, ҳамда кўпчилик ишлар чет эл олимларига ва қисман республикамиз олимларига тегишли эканлигини кўрсатди. *G.mustelinum* Miers ex Watt тури билан *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликлари асосидаги генетик-селекциявий тадқиқотларга бағишланган изланишлар учрамади. Демак, *G.mustelinum* Miers ex Watt тури ва *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликларининг генетик-селекциявий потенциални ўрганиш асосида қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган донорлар яратиш амалий селекция учун муҳим аҳамиятга эга.



Юқоридаги кўрсатилган фикрларни инобатга олгани ҳолда, *G.mustelinum* Miers ex Watt тури ва *G.arboreum* L турининг туричи хилма-хилликларининг филогенетик муносабатларини ўрганиш асосида, уларнинг генетик-селекциявий потенциалига баҳо бериш, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган донорлар яратиш, республикамиз пахтачилигининг долзарб муоммоларидан бири бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

ПЕРОКСИДАЗА ФЕРМЕНТИНИНГ СОЯ ГЕНЕТИК КОЛЛЕКЦИЯ ТИЗМАЛАРИ ДОНИДАГИ МИҚДОРИ

Жайнақов М.Ш.¹, Юнусханов Ш.²

¹ Андижон давлат университети

² ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
bio_jaynaqov@mail.ru

Соя ўз таркибида оқсил, мой, микро ва макроэлементлар миқдори нисбатан юқорилиги билан дон ва дуккакли экинлар орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Адабиёт манбаъларига биноан соя дони таркибида 35-50% оқсил, 18-22% мой ҳамда 23-25% углеводлар борлиги кўрсатилган. Соя дони таркибида ўсимликнинг чидамлилиги бўйича биоиндикатор ҳисобланган пероксидаза ферменти ҳам мавжуд.

Бугунги кунда замонавий биологиянинг олдида турган асосий муаммолардан бири бу - ўсимлик организмнинг вирусларга ва турли патоген омилларга нисбатан қарши курашиш механизмини ўрганиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва организмларда атроф – муҳит шароитларига мослашувчанлик ҳамда гомеостазнинг сақланишига оид муаммоларни тадқиқ қилишдан иборатдир. Ушбу мақсадда дунё олимлари томонидан жуда кўплаб илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Яъни вирус ёки турли патоген омиллар таъсирида касалланган ўсимлик организмдаги пероксидаза ферментининг аҳамияти, унинг химоя реакцияси жараёнидаги



иштироки, фермент фаоллиги ортишининг чидамлилик билан қандай боғлиқлиги тўғрисида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Веетти ўсимликларнинг чидамлилиги ва пероксидаза ферменти билан боғлиқ изланишларини шундай хулосалайди: пероксидаза нафақат вирусли инфекцияларни локализациялайди балки, ўсимлик хужайраларининг атроф – муҳит омилларига ва турли ҳил касаллик кўзғатувчиларга нисбатан чидамлилигини таъминлашда ҳам катта рол ўйнайди.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот ишларида ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти профессори М.Ф. Абзалов бошчилигида яратилган соянинг генетик коллекция тизмалари дони таркибидаги пероксидаза ферментининг фаоллик даражаси ўрганилган.

Соя коллекция тизмалари дони пўстлоғидан ажратилиб, фарфор ховонча ёрдамида майдаланди. Доннинг майдаланган ун ва пўстлоқ қисмлари этил эфири ёрдамида Сок-Слет аппаратида ёғсизлантирилди. Ёғсизлантирилгандан сўнг пероксидаза фаоллигини текшириш А.Н. Бояркин услуги бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот учун олинган объектларимизнинг пероксидаза ферменти фаоллигини ўрганиш натижаларига кўра, соя дони таркибида пероксидаза ферменти фаоллиги пўстлоқ қисмда ун қисмдагига нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Соя коллекциялари донидаги пероксидаза ферментининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (Жадвал).

Жадвал

Соя генетик коллекцияси тизмалари донидаги пероксидаза ферменти фаоллиги

Тизмалар	Ун	Пўстлоқ	Тизмалар	Ун	Пўстлоқ
Ген-21	0.70±0.04	9.57±0.58	Ген-31	0.28±0.05	6.35±0.25
Ген-22	0.40±0.05	3.27±0.25	Ген-32	0.11±0.04	1.20±0.18



Ген-23	0.52±0.08	3.75±0.36	Ген-33	0.14±0.06	0.44±0.08
Ген-24	0.25±0.06	8.66±0.51	Ген-34	0.84±0.09	0.75±0.22
Ген-25	0.09±0.05	8.32±0.46	Ген-35	0.86±0.1	0.70±0.18
Ген-26	2.77±0.12	5.57±0.61	Ген-36	0.48±0.05	4.76±0.4
Ген-27	0.32±0.02	4.53±0.34	Ген-37	0.07±0.02	1.94±0.26
Ген-28	3.48±0.14	4.43±0.4	Ген-38	0.97±0.05	2.49±0.33
Ген-29	0.09±0.04	5.24±0.59	Ген-39	0.41±0.04	5.14±0.41
Ген-30	0.14±0.04	4.81±0.56	Ген-40	0.36±0.04	2.57±0.08

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РОДА *HEDYSARUM* L. (*FABACEAE*) ВО ФЛОРЕ УЗБЕКИСТАНА

Журамурадov И.Ж., Мустафина Ф.У.

Институт Ботаники АН РУз
Ташкент, Дурмон йули, 32
botany@academy.uz

Выявление биоразнообразия является одной из важнейших задач современности и систематические исследования отдельных родов приобретают в этой связи большое значение. Род *Hedysarum* L. – копеечник - один из наиболее важных компонентов семейства *Fabaceae* Lindl., с его главным центром распространения в Средней Азии и Северной Америке, а также в европейских и средиземноморских регионах. В мире насчитывается 100-200 видов этого рода. Двадцать восемь видов содержит флора Ирана, по 22 вида - флоры Турции и Монголии, 51 вид отмечен во флоре Китая; 37 видов приводится для флоры Киргизии, 18 видов – для флоры Таджикистана и 6 видов для флоры Туркмении. Короткова (1955) приводит для флоры Узбекистана 19 видов. Позднее Ковалевская (1981) и Тожибаев и др. (2014) дополнили число видов рода во флоре Узбекистана



до 24.

В результате всестороннего изучения рода *Hedysarum* в последние годы было опубликовано несколько новых работ. В частности, в результате исследования хлоропластной ДНК и проведения на этой основе филогенетического анализа были внесены значительные изменения в таксономию и номенклатуру рода.

При изучении флоры различных регионов Узбекистана ведущими учеными, работающими в нашей стране, был зафиксирован ряд новых копеечников, однако с момента публикации третьего тома флоры Узбекистана в 1955 году специального исследования рода не проводилось. Полевые исследования последних лет и детальное изучение гербарных образцов, имеющих в фонде TASH, позволили дополнить список копеечников Узбекистана следующими видами: *H. drobovii* Korotk., *H. mogianicum* B. Fedtsch., *H. pskemense* Popov ex B. Fedtsch., *H. santalaschi* B. Fedtsch., *H. minjanense* Rech. f., *H. turkestanicum* Regel et Schmalh., *H. denticulatum* Regel et Schmalh. В настоящее время работа по выявлению новых видов продолжается. В частности, полевые исследования этого года позволили обнаружить новый для флоры Узбекистана вид - *Hedysarum talassicum* Nikitina et Sultanova, который до этого приводился только для флор Киргизии и Казахстана. Таким образом, в настоящее время флора Узбекистана насчитывает 25 видов рода *Hedysarum*.

Во флоре Узбекистана виды *Hedysarum* встречаются на горах Памиро-Алая и Западного Тянь-Шаня. В Западном Тянь-Шане встречаются *H. angrenicum* Korolk., *H. drobovii* Korotkova, *H. gypsaceum* Korotkova, *H. jaxarticum* Popov, *H. popovii* Korotkova, *H. pskemense* Popov ex B. Fedtsch., *H. santalaschi* B. Fedtsch., *H. talassicum* Nikitina & Sultanova, *H. taschkenticum* Popov и *H. turkestanicum* Regel et Schmalh. На Памиро-Алае распространены *H. alaicum* B. Fedtsch., *H. amankutanicum* B. Fedtsch., *H. baldschuanicum* B. Fedtsch., *H. bucharicum* B. Fedtsch., *H. denticulatum* Regel, *H. iomuticum* B. Fedtsch., *H. lehmannianum* Bunge, *H. magnificentum* S. Kudr., *H. minjanense*



Rech. f., *H. mogianicum* B. Fedtsch., *H. montanum* (B. Fedtsch.) B. Fedtsch., *H. nuratense* Popov, *H. olgae* B. Fedtsch. А также *H. flavescens* Regel & Schmalh. и *H. plumosum* Boiss. et Hausskn. встречаются в двух горных хребтах: Западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая.

Виды *H. amankutanicum*, *H. drobovii*, *H. popovii*, *H. nuratense* и *H. olgae* являются эндемики для флоры Узбекистана. А также *H. amankutanicum*, *H. angrenicum*, *H. bucharicum*, *H. drobovii* и *H. magnificentum* включены в Красную книгу Узбекистана (Тожибаев, 2019). Среди них вид *H. amankutanicum* предположительно исчез, потому что последующие поиски не дали результатов.

БУҒДОЙ УАК ПОПУЛЯЦИЯСИ F₂ АВЛОДЛАРИ ТАХЛИЛИ

Исоқулов С.М., Тўрақулов Х.С., Чиниқулов Б.Х.,
Эржигитов Д.Ш., Муллаев Д.А.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
genetik8181@mail.ru

Буғдой ўсимлиги дунёда энг катта майдонларда етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалиги экини ҳисобланиб, инсоннинг калория истеъмолнинг 20% дан кўпроғини таъминлайдиган энг муҳим озиқ-овқат манбаларидан биридир.

Республикамиз экин майдонларининг асосий қисмини юмшоқ буғдой эгаллаши ва экилаётган навлар орасида, айниқса маҳаллий навлар ичида сариқ занг касаллигига чидамсиз бўлган навлар мавжудлиги ушбу касалликнинг ғалла деҳқончилигига бундан кейин доимо хавф солиб туришини кўрсатади ва мазкур соҳа мутахассисларидан ушбу муаммо устида тадқиқот ишларини янада кучайтиришни талаб этади.

Касалликларга қарши курашнинг энг самарали, арзон ва экологик қулай усули бу чидамли нав етиштиришдир. Чидамли навларни яратиш учун эса аввало ўсимлик чидамлилигининг генетик асосларини ўрганиш лозим, чидамлилиқнинг генетик



назорати хақидаги маълумот селекционерларга янада самарали чидамли нав яратишга фундаментал асос яратади.

Ўсимликларда чидамлиликнинг генетик тузилиши устида охириги вақтларда замонавий генетик усуллари ёрдамида кенг қўламли тадқиқотлар ўтказилиб, ана шундай тадқиқотлардан бири бу изоген линиялар ёрдамида уяли ассоциация карталашдир (УАК). Ушбу усул биринчи марта 2009 йили маккажўхори генетикаси устида ўтказилаётган қўлланилиб, ҳозирда ўсимликларнинг мураккаб белгилари, генетик тузулишини очишда ўзининг қулайликлари туфайли кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Аввало маккажўхорида қўлланилган уяли ассоциациядаги карталаш, кейинчалик буғдой ва арпада ҳам қўлланилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам юқорида таъкидланган уяли ассоциацияли карталаш усули орқали УАК популяцияларининг F_2 авлод дурагайларида ҳосилдорлик белгиларининг ирсийланишини ўрганганмиз.

Ҳар бир бошоқдаги донларнинг сони ва вазни буғдойнинг муҳим миқдорий белгилари бўлиб, ҳосилга тўғридан-тўғри таъсир қилгани учун бир қатор генетик изланишлар буғдойдаги бу белгиларни генетик асосларини тадқиқ қилишга қаратилган.

Танлаб олинган дурагай комбинацияларнинг F_2 ўсимликларида бир бошоқдаги дон сони белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 10 та синфга бўлиб таҳлил қилинганда ота-она шаклларда бу белги асосан 3-4 синфларни эгаллади. Ота она шаклларида бир бошоқдаги дон сони белгисининг ўртача кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлиб, бошоқларда 45 донадан 70 донагача дон ҳосил бўлганлиги кузатилди. Энг юқори кўрсаткич РС-1, РС-3, РС-4 ва Ғаллаорол-11 генотипларида бўлиб, 68-75 дона кўрсаткичли дон сонининг фоиздаги улуши тегишли равишда 30, 23, 16, 16 ларни ташкил этди.

Дурагайларда эса 68-75 дона оралиғидаги дон сони бўйича АЭС-1 ва Рақобат-4 қатнашган авлодлар 16 фоиз кўрсаткич билан энг юқори кўрсаткични қайд қилди. Умуман олганда ушбу гуруҳ комбинацияларида ҳам сўл томонга трангрессия ошганлиги кузатилди.



ИЗУЧЕНИЕ ЗАСУХОУСТОЙЧИВОСТИ МЕСТНЫХ И ИНТРОДУЦИРОВАННЫХ СОРТОВ ЯБЛОНИ НА ПОДВОЕ М-IX В УСЛОВИЯХ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

Караходжаева Г.М. Мирзаев М.М.

Научно исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия им. акад.
М.Мирзаева
Ташкентская обл., Ташкентский р-н, поселок Гулистан
karaxadjayeva@bk.ru

Сорт является важным фактором при интенсификации сельского хозяйства. Научными учреждениями республики создан прекрасный сортимент, который полностью удовлетворяет спрос потребителей. Практически для всех зон садоводства, разработаны научные рекомендации по возделыванию плодовых культур, которые позволяют получать урожаи с высоким качеством плодов.

Для обогащения сортимента плодовых культур мы изучаем как местные так и интродуцированные сорта яблони на подвое М-IX, различного срока созревания 2014 года посадки. В качестве контроля используются сорта, включенные в Государственный реестр Республики Узбекистан.

Изучение интродуцированных сортов яблони в условиях сухого и жаркого климата Ташкентской области, для повышения продуктивности по подбору сортов обладающих высокой засухоустойчивостью, морозостойкостью, устойчивостью к болезням и другим жизненно важным факторам произрастания.

Объектом исследований служили сортообразцы яблони местных и интродуцированных сортов на подвое М- IX. Исследования проводятся по «Программе и методике сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур» (Орел 1999), на экспериментальной базе Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева.

Изучение засухоустойчивости местных и интродуцированных сортов яблони



физиологическими методами – водоудерживающую способность проводили в засушливые и особенно жаркие периоды, в период с окончания роста побегов до начала старения листьев. Учитывая разнокачественность кроны плодового дерева и различия водообеспеченности ее частей, для получения однородного материала для анализа мы брали листья (7-9 от основания побега) и побеги со среднего яруса кроны. Материал для анализа отбирали с юго-восточной стороны дерева в утренние часы (7-8 ч), параллельно определяли влажность почвы и воздуха. Листья взвешивались, и определялась общая вода путем высушивания растительных образцов до постоянной массы при температуре 105⁰С.

Водоудерживающая способность исследуемых объектов характеризовалась потерей воды за определенный промежуток времени и выражалась в процентах от ее первоначального содержания водоудерживающая способность тем выше, чем меньше потеря воды в листьях.

По результатам изучения водоудерживающей способности листьев местных и интродуцированных сортов яблони выявлено, что динамика потери воды у изучаемого летнего сорта Ойдин в промежутки 2 часов меньше чем у контрольного сорта Первенец Самарканда.

У сортов ранне осеннего срока созревания меньше потеря воды через 2 часа отмечена у интродуцированного сорта Память Есаула, через 4 и 6 часов отмечено также у интродуцированного сорта Голдраш.

У сортов осеннего срока созревания выделился интродуцированный сорт Либерти зимний. Зимние интродуцированные сорта Фуджи, Муцу не превосходили контрольного сорта Нафис.

Наши исследования показали, что водоудерживающая способность зависит от биологических способностей сорта. Высокой водоудерживающей способностью отличались местные сорта Ойдин, Исроил, и интродуцированные сорта – Память Есаула, Голдраш. Это было отмечено во все сроки наблюдения.



F₁ ЎСИМЛИКЛАРИ БОШ ПОЯСИ БАЛАНДЛИГИНИ ИРСИЙЛАНИШ ДАРАЖАСИ

Қодирова М.Р., Қаҳҳоров И.Т., Хақимов А.Э.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
igebr_anruz@genetika.uz

Ғўзанинг белгилари ҳар хил генетик табиатга эга бўлиб, уларнинг ирсийланиш қонуниятлари турличадир. Ғўзадаги миқдорий белгиларнинг ирсийланиши бўйича олимлар томонидан турлича натижалар олинди ота-она шакллари ва ташқи муҳит шароитлари билан боғлиқдир. Шунга кўра, ғўза генетикаси ва селекциясини муваффақиятли олиб бориш учун F₁ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиш қонуниятларини тўла ўрганиш зарур.

Ғўзанинг бош поя баландлиги муҳим морфо-хўжалик белгилардан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлилига кўра, Наманган-77 (130,6 см ва Кўпайсин (127,0 см) навлари бу белги бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди, нисбатан паст бўйли ўсимликлар Келажак навида (97,0 см), ўртача 75007-11 (113,7 см) ЎзФА-713 (109,3 см) ва ЎзФА-705 (102,0 см) навларида қузатилди. Бу белги бўйича F₁ ўсимликлари орасида юқори кўрсаткичларни Наманган-77 × Кўпайсин (144,6 см), ЎзФА-705 × Кўпайсин (137,7 см), (108,1 см) ва ЎзФА-713 × Наманган-77 (134,3 см) комбинациялари, ўртача кўрсаткич Кўпайсин × ЎзФА-713 (128,0 см), ЎзФА-705 × 75007-11 (128,0 см), Наманган-77 × ЎзФА-705 (127,8 см) ва Кўпайсин × 75007-11 (127,2 см) комбинациялари намоён қилди. Паст бўйли ўсимликлар эса (66,5-114,1 см) асосан Келажак нави иштирокида олинган барча дурагай комбинацияларида қайд этилди. Бош поя баландлиги белгиси бўйича ота-она навларни диаллел чатиштириб олинган 30 та F₁ комбинацияларининг 3 тасида баланд бўйли навнинг тўлиқсиз устунлиги,



6 тасида ижобий ўта устунлик ва 10 тасида салбий ўта устунлик, 11 тасида эса оралик ҳолатда ота ёки она шаклига оғган ҳолда ирсийланди. Белги кўрсаткичи энг юқори бўлган Кўпайсин навини ўртача кўрсаткичга эга бўлган ЎзФА-705 ва 75007-11 навлари билан чатиштирилганда дурагай комбинацияларда ўртача кўрсаткичга эга навларнинг тўлиқ устунлиги ($h_p = 1,1 - 1,0$) намоён бўлди. Бир-биридан белги бўйича катта фарқ қилмайдиган Келажак, ЎзФА-705 ва ЎзФА-713 навлари ўзаро чатиштирилганда, F_1 комбинацияларида салбий ўта устунлик ($h_p = -1,5 - 2,4$) қайд этилди. Бу белги қуйидаги F_1 ЎзФА-705 ва 75007-11 (3,4), ЎзФА-713 ва 75007-11 (5,2), Наманган-77 ва Кўпайсин (8,7), ЎзФА-705 ва Кўпайсин (1,8) ва 75007-11 ва ЎзФА-705 (2,6) навлари дурагайларида ижобий ўта устунликда, Келажак ва ЎзФА-705 (-2,2), Наманган-77 ва Келажак (2,8), Наманган-77 ва 75007-11 (-3,0), Кўпайсин ва Наманган-77 (-7,0), ЎзФА-705 ва Келажак (-2,4) ҳамда 75007-11 ва ЎзФА-713 (-7,4) навлари дурагайларида эса салбий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди.

Барча тўғри ва тескари комбинацияларда реципрок фарқланиш мавжудлиги, белгининг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини кўрсатади. F_1 ўсимликлари орасида юқори кўрсаткичларни бош пояси баланд ота-она шакллар, ўртача кўрсаткич ота ёки она шакли бош пояси ўртача бўлган дурагайларида, паст бўйли ўсимликлар эса асосан ота ёки она сифатида паст бўйли шакл олинган барча дурагайларда, белги кўрсаткичи энг юқори бўлган навини ўртача кўрсаткичга эга бўлган навлар билан чатиштирилганда дурагай комбинацияларда ўртача кўрсаткичга эга навларнинг тўлиқ устунлиги намоён бўлиши кузатилади экан.

Демак, F_1 ўсимликларида бош поя баландлигининг ирсийланиши ота-она навларга боғлиқ бўлиб, ирсийланишнинг барча ҳолатлари борлиги маълум бўлди. Барча тўғри ва тескари комбинацияларда реципрок фарқланиш мавжудлиги, белгининг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини кўрсатади.



ЎЎЗАНИНГ ТУРЛИ ГЕНОТИПЛИ ШАКЛЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ.

Қодирова М.Р., Қахҳоров И.Т., Эргашев О.Р., Алиқулов Э.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
igebr_anruz@genetika.uz

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик тараққиёти генетик ва селекционерлар олдида глобал муаммони, яъни замонавий талабларга жавоб берадиган янги ўза навларини яратиш ва жорий этишга боғлиқ. Бу муаммонинг ечими ўза навларининг бунёд этилишида генетик қонуниятларни ўрганиш даражасига, дурагай популяцияларининг генотипик бойитилишига ва қимматли биотипларни танлаб олинишига боғлиқ.

Илмий-амалий тажрибалар олиб боришда дурагайлаш учун ашё танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, ашё танлашда намуналарнинг келиб чиқиши ва географик етиштирилган шароити муҳимдир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, илмий изланиш олиб бориш учун дурагайлар олишдан олдин, уларнинг ота – она намуналарининг, яъни Наманган-77, Кўпайсин, Келажак, ЎзФА-705, 75007-11 навлари ва Л-500 линиясининг (ҳозирда ЎзФА-713 нави) келиб чиқиши, географик етиштирилган шароитини ва уларнинг хўжалик аҳамиятига эга белгиларининг кўрсаткичлари бўйича фарқланиши ўрганилди.

Олинган маълумотлар ушбу ўза навларини на фақат келиб чиқиши, балки морфо-хўжалик белгилар бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. Ўза намуналарининг ўсув даври давомийлиги 115 - 125 кунгача бўлиб, уларни бир-бирига нисбатан уч гуруҳга, тезпишар Келажак-115 кун, ўртапишар Кўпайсин-117 кун, Наманган-77-117 кун, ЎзФА-705-118 кун, ЎзФА-713-119 кун, кечпишар 75007-11-125 кун навларида бўлиниши аниқланди. Шундай маълумотлар, дурагайлаш



учун танлаб олинган намуналарнинг бош пояси баландлиги, ҳосил шохлари сони, бир ўсимликдаги кўсаклари сони белгилари бўйича ҳам кузатилди.

Маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, тажрибадаги намуналар бир кўсак пахтаси вазни бўйича 5,2 - 6,5 г гача бўлиб, улар орасидаги фарқ 1,3 г ни ташкил қилишини ва уларни йирик кўсакли 75007-11 -6,0 г, ЎзФА-705-6,1 г, ЎзФА-713-6,2 г ва Келажак-6,5 г, майда кўсакли Наманган-77-5,2 г, Кўпайсин-5,5 г тенг бўлиб икки гуруҳга бўлинишини кўрамиз. Тола чиқими бўйича ушбу намуналар асосан бир- бирига яқин кўрсаткичга 37,0-38,5 % эга бўлиб, биргина 75007-11 навининг тола чиқими 35,5% ни ташкил этганлиги сабабли икки гуруҳга ажралиши кузатилди.

Ўрганилаётган намуналарнинг тола узунлиги 32,6 - 37,5 мм гача бўлиб, улар ўртасидаги фарқ анча юқори, яъни 4,9 ммни ташкил этиши ва бир–биридан кескин фарқ қилиши аниқланди. Тола узунлиги бўйича тажрибадаги намуналар толаси узун ЎзФА-713-37,5 мм, ўртача Кўпайсин-35,0 мм, Келажак-35,2 мм, ЎзФА-705-35,8 мм ва калта толали Наманган-77-32,6 мм, 75007-11-33,0 мм гуруҳларга бўлиниши кузатилди. Олинган маълумотларнинг таҳлили, ғўза ўсимлигининг толаси сифатини белгиловчи белгилардан бири бўлган микронейр кўрсаткичлари бўйича ҳам тажрибадаги намуналар кескин фарқ қилишини кўрсатди.

Демак, намуналарнинг толасининг микронейр кўрсаткичи бўйича энг ижобий кўрсаткич маълумот ЎзФА-713 навида бўлиб, 3,5 ни ташкил этди ва III-IV-саноат типига мансуб эканлиги кузатилди. Ўртача кўрсаткич ЎзФА-705-4,1, Келажак-4,2 ва Кўпайсин-4,4 бўлиб IV -саноат типига, юқорироқ, яъни салбий кўрсаткич эса Наманган-77-4,9 ва 75007-11-4,8 навлари бўлиб, уларнинг V-саноат типига мансуб эканлиги аниқланди.

Ғўза ўсимлигининг толаси сифатини белгиловчи асосий белгилар ўртача юқори тола узунлиги, солиштирма оғирлик кучи кабиларнинг кўрсаткичлари бўйича ҳам ўрганилган намуналар бир-биридан фарқ қилишини олинган



маълумотлар кўрсатди. Ўртача юқори тола узунлиги белгиси ЎзФА-713 навида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб 1,23 дюймни, Келажак навида 1,19 дюйм, ЎзФА-705 навида 1,17 дюйм ва Кўпайсин навида 1,15 дюйм бўлиб ўртача, пастрок кўрсаткич эса Наманган-77 навида 1,11 дюйм, 75007-11 навида 1,13 дюйм бўлиши аниқланди. Ўрганилган намуналарнинг солиштирма оғирлик кучи белгиси бўйича олинган маълумотларни таҳлили, уларни кескин фарқ қилишини кўрсатди ва ЎзФА-713 навида 32,4 г /текс., Кўпайсин, ЎзФА-705 ва Келажак навларида мос равишда 31,4, 31,2 ва 30,8 г /текс. ни ташкил этиши аниқланди.

Тажрибадаги намуналарнинг таҳлил қилинган белгиларининг кўрсаткичлари, уларнинг бир-биридан кескин фарқ қилишини кўрсатган. Намуналарнинг белгилари кўрсаткичлари ўртасидаги бу фарқ бизнингча уларнинг келиб чиқиши, генеологиясига ва мақсадга мос равишда олиб борилган генетика-селекция ишларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Демак, ўрганилган намуналар келиб чиқишидан ташқари бир қатор белгиларининг кўрсаткичлари бўйича бир - биридан кескин фарқ қилади, шундай экан уларни дурагайлаш илмий назарий ва амалий генетика-селекция ишларида яхши самара бериши мумкин. Уларни дурагайлашдан олинган дурагай ўсимликлари ғўзанинг морфо-хўжалик белгилари ва толасининг сифати белгиларининг ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш, аниқлаш ва янги генотиплар олиш учун ашё сифатида хизмат қилади.

ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ФИЗИОЛОГИК ВА БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК.

Мелиев С.К., Бузуруков С.С., Бабоев С.К.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
meliev.sodir@mail.ru

Ҳозирги кунда интродукция қилинаётган ва яратилаётган навларнинг мослашувчанлигини ошириш кўплаб муоммоларни ҳал қилишнинг асосий



усуллари ҳисобланади.

Атроф мухит шароитларга мослашиш кўплаб омилларга боғлиқ: физиологик (радиация), кимёвий (турли кимёвий препаратлар қўллаш), табиий ўзгаришлар (стрессли харорат, намлик, рН ва бошқалар) бу ўсимликларда физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзгаришларига сабаб бўлади.

Дала тажрибалари СИММУТ халқаро ташкилотининг 46thIBWSN (Халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори) кўчатзоридан олинган 10 та намуналар 1м² майдонларда уч қайтариқда экилган. Намуналарнинг ўсув даврида сув мувозанатининг физиологик кўрсаткичлари – байроқ баргнинг сув миқдори (БУСМ), транспирация жадаллиги, сув ушлаш хусусияти (БСУХ), баргнинг қуруқ оғирлиги билан ҳосилдорлик, умумий биомасса, бошоқ сони, 1000 та дон оғирлиги, дон сони, бир бошоқдаги дон сони кўрсаткичлари ўртасидаги коррелятив боғланиши ўрганилди.

Коллекция намуналарининг сув баланси ва биометрик кўрсаткичлари ўртасидаги коррелятив боғланиш ўрганилди. Унга кўра транспирация жадаллиги (ТЖ) билан бошоқ сони ($r=-0,23$), 1000 дон оғирлиги ($r=-0,25$) ўртасида салбий кучсиз, ҳосилдорлик ($r=-0,095$), биомасса ($r=-0,086$) аҳмиятсиз, бир бошоқдаги дон сони ($r=0,20$) ўртасида ижобий кучсиз боғланиш борлиги кузатилди.

БУСМ билан ҳосилдорлик ($r=-0,36$), 1000 дон оғирлиги ($r=-0,39$), бир бошоқдаги дон сони ($r=-0,48$) ўртасида ўртача салбий, биомасса ($r=-0,23$), дон сони ($-0,30$) ўртасида салбий кучсиз, бошоқ сони ўртасида ($r=0,30$) ўртача ижобий боғланиш борлиги аниқланди.

БСУХ билан ҳосилдорлик ($r=0,57$), биомасса ($r=0,57$), бир бошоқдаги дон сони ($r=0,59$) ўртасида сезиларли ижобий, 1000 дон оғирлиги ($r=0,19$) кучсиз ижобий боғланиш борлиги кузатилди.

Баргнинг қуруқ оғирлиги билан дон сони ($r=0,61$) сезиларли, ҳосилдорлик ($r=0,33$) ўртача, биомасса ($r=0,22$), бошоқ сони ($r=0,26$) кучсиз ижобий, бир



бошоқдаги дон сони ($r=-0,07$) ўртасида салбий аҳамиятсиз боғланиш борлиги аниқланди.

Коллекция намуналарининг биометрик кўрсаткичлари ўртасидаги ҳам боғланиш бахоланди. Унга кўра ҳосилдорлик билан биомасса ($r=0,91$) кучли ижобий, бир бошоқдаги дон сони ($r=0,51$) сезиларли, 1000 дон оғирлиги ($r=0,40$) ўртача, дон сони ($r=0,27$) ва бошоқ сони ($r=0,22$) кўрсаткичлари ўртасида кучсиз ижобий боғланиш борлиги, биомасса билан 1000 дон оғирлиги ($r=0,36$), бир бошоқдаги дон сони ($r=0,36$) сезиларли, бошоқ сони ($r=0,25$), дон сони ($r=0,22$) кучсиз ижобий, бошоқ сони билан дон сони ($r=0,66$) сезиларли, бир бошоқдаги дон сони ($r=-0,69$) сезиларли салбий, 1000 дон оғирлиги билан дон сони ($r=-0,29$) кучсиз салбий, бир бошоқдаги дон сони ($r=0,18$) кучсиз ижобий, дон сони билан бир бошоқдаги дон сони ўртасида ($r=-0,30$) кучсиз салбий боғланиш борлиги кузатилди.

Хулоса. Ўрганилган коллекция намуналарининг транспирация жадаллиги билан биометрик кўрсаткичлари ўртасида аҳамиятсиз салбий боғланишлар борлиги кузатилди. БСУХ билан ҳосилдорлик, биомасса ва бошоқ сони кўрсаткичлари ўртасида сезиларли ижобий боғланиш борлиги аниқланди.

**БУҒДОЙ САРИҚ ЗАНГ (*PUSCINA STRIFORMIS* F.SP. *TRITICA*)
КАСАЛЛИГИНИ ВИРУЛЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ.**

Муллаев Д.А., Тўрақулов Х.С., Чинникулов Б.Х., Эржигитов Д.Ш., Исоқулов С.М.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқориг'Юз кўч.
igebr_anruz@genetika.uz

Сариқ занг касаллигининг тарқалиши деҳқон хужаликларига катта иқтисодий зарар келтириш билан бир қаторда, уларга кимёвий кураш олиб борилганда табиий мухитнинг ифлосланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан буғдой сариқ занг



касаллигини ривожланиши ва тарқалишини ўрганган ҳолда республикамиз ғалла майдонларимизда тарқалиб келаётган сариқ занг касаллигини ирқ таркибини доимий ўрганиш зарур бўлади.

Сариқ занг замбуруғлари келтириб чиқарадиган бошокли дон экинларида учрайдиган энг зарарли касалликлардан ҳисобланади.

Шунингдек Республикамиз ҳудудида тарқалаётган ирқларни ўрганиш ва селекция жараёнида фойдаланиш чидамли навлар яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Намуналар йиғиш. Буғдой далаларининг мониторинги Фарғона вилояти бўйлаб апрел ойининг охири ва май ойининг бошларида, сариқ занг касаллигининг буғдой далаларида асосий тарқалиш мавсуми даврида ўтказилди. Далада сариқ занг касаллигининг урдиниоспоралари намуналари касалланган ўсимлик баргларини ҳаво ўтказувчи қоғоз пакетчаларга жойлаштириш орқали йиғилди. Касалланган барглар ҳавода қуритилиб, инокуляция ишларига қадар +4-+5 °С ҳаво ҳарорати шароитида сақланди.

Вирулентлик ва касаллик ирқларини аниқлаш. Буғдой сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллигининг ирқини Johnson R., бошқалар услубида Жаҳон (9 та) ва Европа (8 та) дифференциатор навлари тўплами ёрдамида аниқланди. Бунинг учун ушбу тўплам буғдой намуналари уруғлари 10 см диаметрли тувакчаларга тупроқ, кум ва гумусли аралашмага (3:3:4 нисбатда) 7-8 донадан экилди.

Урдиниоспоралар 10 кунлик ва биринчи барглари тўлиқ очилган буғдой майсаларига Солтрол 170 минерал ёғига аралаштирилган ҳолда сепиш орқали инокуляция қилинди. Инокуляция қилинган намуналар инкубация жараёнини ўтказиш учун +9 °Сли ҳаво ҳарорати ва 100% намлик шароитида қоронғулик муҳитида 24 соат давомида қолдирилди. Сўнгра +16-+18 °Сли иссиқхонага, 12 соатлик кун узунлигида, 10000 люксли флюоросцент ёруғлиги берувчи лампалар



остида намуналар ўстирилди.

Намуналарни баҳолаш. Сарик занг касаллигига чидамликни майсаларда баҳолаш 14-17 кундан сўнг 0-9 балл асосида баҳоланди бунда, 0-6 балл авирулентликни, 7-9 балл эса вирулентликни белгилайди.

Олинган натижалар ва уларнинг тахлили. Тажрибамизда Фарғона вилояти Учкўприк туманидан (координата: 407m, N 40.53238, E 070.99706) келтирилган сарик занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллигининг намунаси ўрганилди. Изолят дифференциатор навларга инокуляция қилинди ва инокуляция қилингандан ўн тўрт кун ўтгач қуйидаги кўринишда баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Сарик занг касаллигининг ирқларини аниқлашда фойдаланиладиган дифференциатор навлари тўплами

Халқаро тўплам		Генлар	Ўнлик даражалари қийматлари		Касалланиш даражаси (балл)	
					1-қайтарик	2-қайтарик
1	Chinese 166	Yr1	20	1	6	6
2	Lee	Yr7	21	2	7	8
3	Heine's Kolben	Yr6,Yr2	22	4	8	8
4	Vilmorin 23	Yr3V	23	8	7	7
5	Moro	Yr10	24	16	0	0
6	Strubes Dickopf	YrSd	25	32	5	6
7	Suwon92 x Omar	YrSu	26	64	7	8
8	Clement	Yr9,Yr2+,Cle	27	128	7	7
9	Triticum spelta	Yr5	28	256	0	0
Европа тўплами						
1	Hybrid 46	Yr4+	20	1	7	7
2	Reichersberg 42	Yr7+	21	2	8	7
3	Heine's Peko	Yr6,Yr2+	22	4	7	8
4	Nord Desprez	Yr3N	23	8	6	6
5	Compair	Yr8,YrAPR	24	16	4	5
6	Carstens V	Yr32,YrCv	25	32	7	7
7	Spalding Prolific	YrSp	26	64	7	8
8	Heines VII	Yr2+	27	128	8	8

Юқорида келтирилган 17 навадан иборат бўлган тўплам навларнинг



касаланган намуналарига тегишли бўлган ўнлик даражалари қийматини кўшиб чиқиш орқали изолятнинг ирқ формуласи аниқланди.

Ушбу изолят касалантирган навларнинг ўнлик даража қийматлари кўшилиб 206E231 ирқ формуласи ҳисоблаб топилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугдойнинг сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллик 206E231 расаси Yr1, Yr10, YrSd, Yr5, Yr3N генлари ва Yr8, YrAPR генлар комбинациялариг авирулентли эканлиги аниқланди. Бу эса келгусида Фарғона вилояти учун сариқ занг касаллигига чидамли бугдой навларини яратишда Yr1, Yr10, YrSd, Yr5, Yr3N генлари ва Yr8, YrAPR генлар комбинациялари мавжуд донорлардан кенг фойдаланиш керак эканлигидан далолат беради.

ЃЎЗАНИНГ АМФИДИПЛОИД ДУРАГАЙ ЎСИМЛИКЛАРИДА МАЊСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мўминов Х.А., Бердиева Ш.О.

Ўз РФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
igebr@academy.uz.

Бугунги кунда жаҳонда ғўзанинг маданий диплоид (*G. herbaceum* L., *G. arboreum* L.) турлари, кенжа турлари ва шаклларининг генетик потенциалидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг ноёб белгиларини маданий тетраплоид навларга ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда уларнинг биоморфологик полиморфизми, эволюцион ривожланиши, систематик ўрни ва филогенетик муносабатлари, қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланиш характерини ўрганиш стресс шароитларга чидамли бўлган янги ғўза навларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, ғўзанинг маданий диплоид турининг (*G. arboreum* L.) кенжа тур ва шакллари морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши ва ирсийланиш



характерини очиб бериш, дурагайлаш асосида эртапишар, тола чиқими ва сифати юқори бўлган, вилтга, шўрга бардошли ноёб рекомбинантлар яратиш ҳамда уларни генетика ва селекция жараёнларида қўллаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Бошланғич манба сифатида иштирок этган *G.arboreum* L. туричи дурагайлаш асосида олинган F_1 (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*), дурагайи ҳамда *G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» навининг маҳсулдорлик таркибий қисмларидан бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи каби белгилар ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, *G.arboreum* L. туричи дурагайлаш асосида олинган F_1 (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинацияси оталик сифатида қатнашган ўсимлигида бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўртача -10 донани, кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиши $94,1 \pm 1,24$ %, ўзгарувчанлик амплитудаси юқори бўлиб (88,0-100,0 %), вариация коэффициенти - 4,1 % ни ташкил этди.

Оналик сифатида иштирок этган *G.hirsutum* subsp. *euhirsutum* «Келажак» навининг маҳсулдорлик таркибий қисмларидан бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўртача -22 донани, ва кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи $91,8 \pm 1,93$ %, ўзгарувчанлик амплитудаси юқори бўлиб (80,0-100,0 %), вариация коэффициенти - 6,6 % эканлиги қайд этилди. Турли геномли ўзаро чагиштириш асосида олинган амфидиплоид $F_1 G.hirsutum$ subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави x (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинациясида бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўртача -10 донани, кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиши фоизи $53,6 \pm 8,56$ паст бўлиб, ўзгарувчанлик амплитудаси ўта юқори (22,7-87,9 %), вариация коэффициенти жуда юқори бўлиб, -4,1 % ни ташкил этди. Кейинги бўғини яъни, $F_2 G.hirsutum$ subsp. *euhirsutum* «Келажак» нави x (*G.arboreum* subsp. *perenne* x *G.arboreum* subsp. *obtusifolium* var. *indicum*) комбинациясида бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўртача -13 донани, кўсақдаги тўлиқ уруғлар тугилиши фоизи $81,7 \pm$



2,48 паст бўлиб, ўзгарувчанлик амплитудаси юқори (49,7 - 91,2 %), вариация коэффиценти юқоридагига нисбатан паст бўлиб -9,5 % эканлиги кузатилди.

Таъкидлаш керакки, бир туп ўсимликдаги кўсаклар ва улардаги тўлик уруғларсониғўза турининг ирсий имкониятларидан ташқари ташқи муҳит таъсири остида ўзгариши ҳам мумкин. Юқори агротехник тадбирларга эътибор қаратилса тупда кўсаклар ва ундаги тўлик уруғ (чигит)лар сони ортади натижада иқтисодий потенциалга ижобий таъсир кўрсатади. Олиб борилган турлараро географик ўзоқ бўлган шаклларни ўзаро чатиштириш асосида олинган амфидиплоид ўсимликлари генетик ва агротехник тадбирларга мос равишда юқори авлодга кўтарилган сари унинг бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, кўсакдаги тўлик уруғлар тугилиши фоизи каби белги кўрсаткичлари констант ҳолда келиши имконияти яратилади. Ушбу фойдали генотипга эга бўлган шаклларни генетика ва селекция жараёнига бошланғич манба сифатида жалб этиш мумкин.

ВЫЯВЛЕНИЕ ФОРМ СРЕДНЕВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА С 0-ТИПОМ ВЕТВЛЕНИЯ

Набиев С.М., Хамдуллаев Ш.А., Азимов А.А.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз.
Ташкентская область, Кибрайский район. пос. Юкори-Юз.
igebr_anruz@mail.ru.

Великий генетик XX столетия Н.И. Вавилов установил, что систематически близкие виды растений имеют сходные и параллельные ряды наследственных форм и чем ближе друг к другу стоят виды по происхождению, тем разче проявляется сходство между рядами морфологических и физиологических признаков. Например, у различных родов злаков: риса, пшеницы, ячменя, овса, проса, сорго, кукурузы, пырея были обнаружены сходные ряды наследственных изменений по остистости колоса, окраске, форме и консистенции зерна, скороспелости,



холодостойкости и т.д.

На основе обобщения огромного количества наблюдений Н.И. Вавилов сформулировал закон гомологических рядов в наследственной изменчивости: виды и роды, генетически близкие, характеризуются сходными рядами наследственной изменчивости с такой правильностью, что, зная ряд форм в пределах одного вида, можно предвидеть нахождение параллельных форм у других видов и родов.

Как известно, у подвида *ssp. eubarbadense* вида хлопчатника *G. barbadense* L. имеются формы как с плодовыми ветвями разных подтипов, так и с нулевым типом (0-тип) ветвления, т.е. отсутствием ветвления. У растений с 0-типом ветвления плодоножки коробочек появляются прямо из пазухи листьев на главном стебле. Надо отметить, что создание и внедрение сортов с нулевым типом ветвления имеет большое значение в хлопководстве с точки зрения экономии питательных элементов и возможностью применения загущенного посева. Ныне возделываемые тонковолокнистые сорта хлопчатника Узбекистана имеют нулевого типа ветвления и дальнейшая селекция этой культуры также направлена на создание таких сортов.

Создание средневолокнистых сортов хлопчатника с 0-типом ветвления представляет большой практический интерес для хлопководства, ставящего перед собой цель -получить высокого и качественного урожая хлопка-сырца при минимуму затрат на дорогостоящие минеральные удобрения, что можно достичь созданием сортов с улучшенной архитектоникой куста, в частности, прямым отправлением элементов питания на плодоорганы хлопчатника.

В наших предыдущих научных исследованиях по изучению роли формы листьев и происходящих в них физиологических процессов в засухоустойчивости хлопчатника, в качестве исходных форм были взяты линии средневолокнистого хлопчатника с разной формой (пальчато - дольчатая, рассеченная, цельнокрайная) листьев у растений. Этот опыт был поставлен рядом с полем, где на большой площади был посеян созданный нами тонковолокнистый сорт хлопчатника



Марварид. На следующем году среди посевов сорта Марварид, мы обнаружили несколько растений с 0-типом ветвления и без антоцианового пятна на основании лепестков цветка. Надо отметить, что наличие антоцианового пятна на основании лепестков цветка свойственно для растений вида *G.barbadense* L. Одни из обнаруженных нами растений с 0-типом ветвления и без антоцианового пятна на основании лепестков цветка имеют глубококорассеченные листья, другие цельнокрайные (яйцевидные, а также слабо выраженные 2-3 зубчатые) листья, а третьи - обычные пальчато-дольчатые листья. Коробочки по форме сходны с коробочками средневолокнистого хлопчатника. В отличие от ранее выявленных проф. М.Ф. Абзаловым формы средневолокнистого хлопчатника с 0-типом ветвления и детерминантным типом, нами выявленные формы имеют нормальный рост главного стебля. В последующем, потомства этих растений с 0-типом ветвления и разной формой листьев будет изучены тщательно по морфохозяйственным и физиологическим признакам для создания средневолокнистых сортов хлопчатника с 0-типом ветвления и разной формой листьев, что несомненно будет представлять интерес для практического хлопководства

О НАСЛЕДОВАНИИ ПРИЗНАКА «ИНДЕКС УРОЖАЯ» У ГИБРИДОВ F₁ ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА В ОПТИМАЛЬНЫХ УСЛОВИЯХ ВЫРАЩИВАНИЯ.

Набиев С.М., Чоршанбиев Н.Э., Хамдуллаев Ш.А., Шавкиев Ж.Ш.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз
Ташкентская область, Кибрайский район. пос. Юкори-Юз
igebr_anruz@mail.ru,

Индекс урожая (Кхоз), характеризующий соотношение вегетативных и генеративных органов в общей биомассе растений, показывает эффективность распределения ассимилятов, образованных в процессе фотосинтеза. Этот признак



также можно изучить путем определения соотношения показателей продуктивности растений к их сухой биомассе.

Полевые опыты были проведены на Зангиатынской экспериментальной станции ИГ и ЭБР АН РУз. Почва опытного участка - типичный серозем, незасоленная, с глубоким залеганием грунтовых вод (8,0 и более метров). В качестве объекта исследований служили тонковолокнистые сорта хлопчатника узбекской селекции - Термез-32, Сурхан -9, Сурхан-10, Бухара-7, Дуру-Гавхар и их гибриды F_1 , полученные по полной схеме диаллельных скрещиваний (ДИАС). Исходные сорта и их гибриды F_1 высевали однорядковыми 25-луночными деланками в трехкратной повторности с рендомизированным расположением вариантов.

Анализ полученных результатов показал, что сравнительно высокие показатели индекса урожая имеют сорта Термез-32, Сурхан-10 и Сурхан -9 (соответственно 0,409; 0,409 и 0,433) и прямые гибриды сорта Сурхан-10 с Сурхан-9, Бухара-7, Дуру-Гавхар (соответственно 0,479; 0,449 и 0,444). Сравнительно низкий индекс урожая был отмечен у сорта Бухара-7 (0,347) и у гибридных комбинаций Дуру-Гавхар \times Сурхан-9 (0,356), Бухара-7 \times Термез-32 (0,346).

По данным коэффициента доминантности, из 20 гибридных комбинаций F_1 у 10 комбинаций признак наследовался по типу сверхдоминирования с проявлением эффекта позитивного гетерозиса, у 2 комбинаций - по типу сверхдоминирования с отрицательным гетерозисом, у 2 комбинаций - по типу неполного доминирования сорта с низким $K_{хоз.}$, у 2 комбинаций - по типу полного доминирования сорта с низким $K_{хоз.}$, у 2 комбинаций - по типу неполного доминирования сорта с высокой $K_{хоз.}$ и у 2 комбинаций не наблюдалось доминирование какого-либо родительского сорта, т.е. промежуточное наследование.

Таким образом, признак «индекс урожая» у гибридных комбинаций F_1 у тонковолокнистых сортов хлопчатника в основном наследовался по типу положительного сверхдоминирования.

Изучение длины и ширины коробочек у сортов тонковолокнистого хлопчатника и их гибридов F_1 .



ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Набиев С.М.¹, Нариманов А.А.¹, Сотиболдиев У.², Мирсоатов М.²

¹ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз кўрғони

²Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Bek-klaster” МЧЖ

igebr_anruz@mail.ru

Ғўзанинг асосий маҳсулоти тола бўлиб, уни сифатига қараб баҳоланади. *G.barbadense* L. ғўзаси энг ёш ва пластик тур бўлиб, уни биринчи ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Бутун дунёда *G.barbadense* L. тури умумий пахта майдоннинг 9 % ини ташкил этади. Асосан, АҚШнинг орол бўйлари ва текисликларида етиштирилиб, Си-Айланд номи билан машҳур бўлди. Кейинчалик Си-Айланд ғўза навлари Мисрнинг Нил водийларига кириб келди ва узун ингичка толали Миср навлари сифатида кенг майдонларда етиштирилди. 1871 йилда биринчи марта Тошкент атрофида Миср ғўза навлари иштирокида тажрибалар қўйилган. Лекин чигит ва толаси пишиб етилмаганлиги учун тажриба тўхтатилган. 1912-1914 йилларда Фарғона водийси “Малик” хўжалигида Миср навларидан “Афифи” нави 300 га майдонга экилган. Ҳосилдорлик 4-6 ц/га ни ташкил этган. 1956 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ингичка толали ғўза навларини синаб кўриш учун тажриба станцияси ташкил этилган. Бу ерда селекционер А.А. Творогов ва Е. Гавриловлар томонидан бир қанча ингичка толали ғўза навлари- Термиз - 7, Термиз - 8, Термиз - 14, Термиз - 15, Термиз - 31 ва бошқалари яратилган. Кейинчалик А.И. Автономов, А.А. Автономов, Ю.П. Хуторной, М.И. Иксанов, А.П. Тяминов, Вад.А. Автономов, Вик.А. Автономов ва О.Х. Кимсанбоевлар томонидан кўпгина ингичка толали навлар (С-6029, С-6030, С-6032, С-6037, С-6040, С-6042, Карши-8, Карши-9, Сурхон-2, 3, 5, 7, 9, 14, 16, 18, 100, 101, 102, 103) яратилган ва районлаштирилган.



Ўзбекистон республикаси дунёнинг ингичка толали пахта етиштиришни яхши ўзлаштирган мамлакатларидан бири. Бунга асосий сабаб республикамизнинг жанубий районларида иссиқлик, кенг майдонларда ингичка толали ғўза навлари етиштирувчи мамлакатларга, яъни Шерободда иссиқлик захираси Қоҳира (Миср)га, Термизда эса Александрия (Миср) ва Байрам Али (Туркменистон) нисбатан юқоридир ва шунингдек илғор селекционер ва уруғшунос олимларнинг самарали ишлари имкон туғдиради. Республикамизда 1987 йилда 204 минг гектар ерга ингичка толали ғўза навлари экилиб, ялпи ҳосил 587 минг тоннани ташкил қилган. Республикамиз бу ғўза навларини етиштириш бўйича дунёда Мисрдан кейин иккинчи ўринда турган. Кейин турли сабабларга кўра республикамизда ингичка толали ғўза навларининг экин майдони кескин қисқариб кетган. Чунончи, юқори сифатли тола сотиш тўхтаб қолганлиги туфайли республикамизда ингичка толали ғўза навлари экин майдонлари 1988 йилдан 1999 йиллар давомида 200 минг гектардан 8 минг гектаргача камайди. 2001 йилда эса 23 минг гектарга яна ўсди. Республикамизда 2008 йил ингичка толали Термиз-31, Сурхон-9 ва Сурхон-14 навлари ҳаммаси бўлиб 6,5 минг гектар майдонга экилди.

Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев сайёҳ-ҳаракатлари, йўриқ-кўрсатмалари туфайли 2017 йилдан мамлакатимизда бундай навларнинг экин майдони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жаҳон бозорида ингичка толали ғўза навлари маҳсулоти қимматли баҳоланишини ҳисобга олиб, республикамизда Миср навлари билан тенглаша олувчи, биринчи ва иккинчи тип тола берадиган, тола сифати ва ҳосили юқори бўлган навларни яратиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш зарур. Маълумки, республика тўқимачилик саноати учун кўп фойдаланиладиган, V тип тола берадиган навлар умумий ҳосилнинг 60% дан ортиғи ташкил этади. Аммо охириги йилларда дунё бозорида юқори сифатли тола сотиб олишга талаб ортганлиги, юқори сифатли Ia, Ib ва I, II, III ва IV тип толали навлар яратиш зарурлиги билан чамбарчас боғлиқдир.



Ингичка толали ғўза навлари селекция жараёнларини жадаллаштириш асосий вазифалардан бири эканлиги бундай навларнинг маҳсулоти жаҳон бозорида қиммат баҳоланиши, агрокластерларда мавжуд бўлган тўқимачилик корхоналарини, саноатнинг бошқа соҳаларини хом-ашё билан таъминлаши, ортиқча толани сотиш жиҳатидан иқтисодий жиҳатдан кўп фойда келтириши билан асосланади. Ингичка толали пахтани доимий етиштириш давлатимизни ташқи бозорни таъминлаш меъёрини оширади ва савдо ҳамкорлари олдида ишончли ва доимий ўрнига эга бўлади. Дунёда ингичка толанинг танқислиги сабабли Америка Қўшма Штати Пима навлари (*G. barbadense* L.) экин майдонини 80 мингдан 110 минг гектарга оширди. Ҳиндистон ўзининг ингичка толали навлари толасидан ташқари, қўшимча 150 минг тонна Пима толаси сотиб олади.

Институтимизда ҳаммуаллифлигимизда яратилган ингичка толали “Марварид” ғўза нави 2019 йилда Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Bek-klastar” МЧЖ қошидаги “Mirzaobod universal trade claster” МЧЖ корхонасининг Мирзачўл хўжалигида 1 гектар майдонга янги нав сифатида экилди. Ушбу кластерда яхши натижалар олингани боис, 2020 йилда Марварид навининг экин майдони 31 гектарга кўпайтирилди ва бирламчи уруғчилиги ташкил қилинди. Бу навнинг морфоҳўжалик тавсифи қуйидагича:

Пояси цилиндрик шаклда, 0-типдаги шохланишга эга, баъзида кучсиз ривожланган ўсув шохига эга. Пояси кучсиз тукланган, яшил рангли, ётиб қолмайди. Биринчи ҳосил шохлари 4-5 бўғимда шаклланади. Барглари - панжасимон-қайчисимон, 3-5 бўлакли, яшил рангда, ўрта бўлаги узунчоқ. Гуллари ва гулёнбарглари ўртача катталиқда, гулининг асосида антоциан доғ бор. Чанглари тўқ сариқ рангда. Кўсақлари яшил рангда, овал шаклида, ўртача катталиқда, ўткир тумшуқли, 3-4 чаноқли. Кўсақлари яхши очилади, пахтаси тўкилиб кетмайди. Чигитлари ўртача катталиқда, тухумсимон, халазал ва микропиляр қисмида тукланган. Толаси кучсиз сариқсимон оқ., жаҳон андозалари талабларига жавоб



беради. Нав вилтга, зараркунундалар (ўргимчаккана, кўсак курти)га юқори чидамли, қурғоқчиликка чидамли, кўсаклари жадал очилиш хусусиятига эга. Битта кўсакдаги пахтасининг вазни 3,4-4,0г ва ундан ортиқ, 1000 дона чигит вазни 115-120 г., тола чиқими 35-36 %, толасининг штапель узунлиги 38мм ва ундан ортиқ, тола индекси 6,6 г., ўсимлик бўйи 90-100 см, ўсув даври 120-125 кун, толаси I-типга мансуб, микронейри 3,8-4,0. Бу навни республикамизнинг нафақат жанубий вилоятларида, балки ўрта ҳудудлардаги пахтачилик-тўқимачилик агрокластерларида ҳам экиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

БУҒДОЙНИНГ *TRITICUM AESTIVUM* L. АЙРИМ НАВЛАРИДА Fe VA Zn ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ МИҚДОРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тоғаева М.А.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй
ziyo.ilm@mail.ru

Дунё миқийёсида икки миллиардга яқин одам темир тақислиги билан боғлиқ камқонликка эга, айниқса асосий озиқ-овқат буғдой каби донли экинларга асосланган минтақаларда. Микронутриент етишмовчилиги бўлган турли мамлакатларда буғдой озиқ-овқат сифатида ишлатилади ва рационнинг 50% дан ортиғини ташкил қилади.

Озиқ-овқат экинларида озуқа моддаларини кўпайтириш жараёни биофортификация, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ аҳолисига микроэлементларни етказиб беришнинг барқарор ва узок муддатли стратегиясини таъминлайди. Дунёдаги ҳар уч кишидан бири рационда минераллар ва витаминлар етишмаслиги туфайли азият чекади, бу эса ўз навбатида соғлиқ учун салбий оқибатларга олиб келади (Кеннеди ва б. 2003).

Буғдой донида В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин), В₃ (ниацин), В₆ (пиридоксин),



темир ва рух моддалари кўп миқдорда учрайди. Бироқ, бу элементларнинг барчаси доннинг пўстлоғидаги меристема қисмида жойлашганлиги туфайли, уларнинг аксарият қисми тегирмонда чиқитга чиқиб кетади.

Ун фортификацияси (бойитилиши) – бу бўғдой унига, дон тегирмондан чиқарилганда йўқотиладиган фойдали элементлар ўрнига, яъни темир ва рух элементларини маълум бир миқдорда қўшиш жараёнидир.

Ҳозирги кунда ун заводларида 1 тонна унга 200 грамм миқдорда витамин ва минераллар аралашмаси (премикс) қўшилади. Бунда В₁ (тиамин мононитрат), В₂ (рибофлавин), В₃ (ниацинамид), В₉ (фолий кислотаси), В₁₂ 0,1 % ВР, NaFeEDTA (темир), Zn (рух (рух оксиди)) қўшилади. Бу қўшимча моддалар организмда осон ўзлаштирилади.

Ҳозирги кунда генетик биофортификация ва агрономик биофортификация бу муаммога иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда бўғдой дони таркибидаги темир ва рух элементлари кўп бўлган навларни аниқлаб, шу элементларнинг миқдорига генотип ва генотип-муҳит ўзаро боғлиқлигининг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятида етиштирилаётган *Triticum aestivum L.* айрим навларида Fe ва Zn элементлари миқдори ўрганилди.

Дастлаб танлаб олинган ўсимликларнинг дон намуналаридан кул миқдори, дон кулини аниқлаш усуллари ёрдамида ажратиб олинди. Ажратиб олинган кул 0,1 н HNO₃ эритмасида ишчи ҳолатга келтирилди. Сўнг ушбу текширилиш учун тайёр эритма таркибидаги Fe ва Zn элементлари миқдорини аниқлаш учун атом-абсорбцион спектроскопия усули ёрдамида аниқланди.

Анализ натижаларига кўра, Fe элементи миқдори бошқа навларга нисбатан Кеш-2016 навида 39,9 мг/кг, Туркистон навида 40,9 мг/кг, Шукрона навида 40,1 мг/кг эканлиги аниқланди.



Zn элементи миқдори бўйича Кеш-2016 ва Шукрона навларида 27,4 мг/кг
Ҳисорак навида 26,5 мг/кг эканлиги аниқланди.

Қолган навларда Шамс, Ғозғон, Бунёдкор, Яксарт, Ҳазрати Башир навларида
Fe ва Zn элементлари миқдори кам эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб олинган натижалар Қашқадарё вилоятида экилаётган навлар
Кеш-2016, Туркистон, Шукрона, Ҳисорак навларида нисбатан юқори эканлиги
аниқланди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли саломатлигини сақлашда, мазкур
навлардан биологик фортификациялашда донор сифатида фойдаланиш
мумкинлигини кўрсатади.

ИЗУЧЕНИЕ МОРФОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРИЗНАКОВ У МЕЖСОРТОВЫХ ЛИНИЙ И ЗАРУБЕЖНЫХ СОРТООБРАЗЦОВ ТОНКОВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА

Чоршанбиев Н.Э.¹, Набиев С.М.¹, Хамдуллаев Ш.А.¹, Матниязова Х.Х.¹,
Шавкиев Ж.Ш.¹, Хакимова М.²

¹ Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз

² Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

igebr_anruz@mail.ru

В условиях оптимального водного режима (ОФ) наиболее высокие показатели
веса хлопка сырца одной коробочки отмечены у тонковолокнистых линий Л-669,
Л-697, Л-596, Л-537, Л-633 и Л-453, у которых значение признака составило 3,7-4,0
граммов. Моделируемая засуха (МЗ) привела к уменьшению веса хлопка-сырца
одной коробочки у большинства линий тонковолокнистого хлопчатника.

У растений линий Л-563, Л-452, Л-481, Л-669 и Л-537 вес хлопка-сырца одной
коробочки составил 3,7-4,0 граммов. При этом, у некоторых тонковолокнистых
линий хлопчатника наблюдалось некоторое повышение показателя данного
признака в условиях ограниченной водообеспеченности по сравнению с
оптимальным вариантом. Это явление, т.е. увеличение у некоторых линий веса
хлопка-сырца при водном дефиците наблюдалась также и по сентябрьскому



урожаю хлопка-сырца, что можно объяснить стимулирующим действием водной недостаточности в начальном этапе генеративного развития, когда приток питательных веществ в коробочки нижнего яруса увеличивается из-за стремления растения сохранить плодоземеленты и оставить потомство, что является главной целью борьбы за существования и который приводит к сравнительно нормальному формированию коробочек нижнего яруса и увеличению количества раскрытых коробочек в сентябре месяце. На обоих фонах водного режима тонковолокнистые линии Л-597 и Л-449 по сентябрьскому урожаю хлопка-сырца показали более высокие результаты, чем остальные линии. На основе полученных данных выделены линии Л-597, Л-449, Л-735 и Л-452, как устойчивые к водному дефициту.

Изучение в разных условиях водообеспеченности длины волокна у тонковолокнистых линий показало, что в условиях оптимальной водообеспеченности Л-449, Л-450 и Л-735 имели более длинные волокна (38,3-38,8 мм), чем остальные линии.

В условиях почвенной засухи наблюдалось некоторое уменьшение длины волокна. В этих условиях сравнительно длинное волокно имели линии Л-449, Л-481 и Л-735, у которых значение признака составило 37,7-37,9 мм.

В условиях оптимальной водообеспеченности наиболее высокие показатели веса 1000 штук семян отмечены у линий Л-452, Л-453, Л-563 и Л-450, у которых средний показатель признака составил соответственно 140,0 г., 139,0 г., 136,7 г. и 136,4 г. По сравнению с контрольным вариантом, в условиях почвенной засухи у всех изученных тонковолокнистых линий хлопчатника в разной степени уменьшился вес 1000 штук семян. При этом, наиболее высокие показатели признака имели линии Л-450, Л-697, Л-452 и Л-736, соответственно 132,8 г., 129,2 г., 128,4 г. и 128,4 г.

Кроме этого, из коллекции генофонда хлопчатника “Уникального объекта” института изучены 100 сортообразцов тонковолокнистого хлопчатника. В частности, из Индии 2 (А-137; 1334); из Таджикистана 6 (А: 450,637,1009,1177, 1515, 2515); из Азербайджана 6 (А: 474, 477,612,709,713, 1707); из Туркменистана 47 (А: 650, 1000,1001, 1607, 1990, 2686, 2679, 2680, 2678, 2692, 2802, 3017, 3295, 3298,



3299, 3302, 3303, 3304, 3305, 3306, 3307, 3217, 3308, 3309, 3310 3312, 3314, 3316, 3317, 3318, 3319, 3320, 3321, 3324, 3327, 3328, 3330, 3333, 3335, 3336, 3337, 3338, 3340, 3341, 3342, 3344, 3345); из Египета 3 (А: 1183, 1188, 1338); из США 4 (А: 1321, 1322, 1785, 2054); из Алжира 10 (А: 1346, 2903, 2905, 2907, 2908, 2910, 2915, 2916, 2917, 2920); из Марокко 12 (А: 1514, 1751, 2022, 2027, 2215, 2272, 2273, 2670, 2671, 2925, 2927, 2928); из Китая 2 (А: 1689, 2522); из Югославии 1 (А-2463), из Пакистана 6 (А: 2811, 2812, 2814, 2816, 2820, 2821) и из Узбекистана 1 (А-2703). Образцы А-1607, А-2678, А-3308, А-2515, А-2215, А-1516, А-650, А-1000, А-1177, А-3305, А-3303, А-3337 и А-3342 имеют 0-типа ветвления, остальные образцы имели раскадистый куст (плодовые ветви 2-3 типа). Образцы Туркменистана А-3317, А-3335, А-3340 и А-3341 имели клейстогамные цветки; Образцы А-1607, А-3319, А-3336, А-3337 (Туркменистан), А-2215 (Марокко) и А-1188 (Египет) - клейстогам-хазмогамные цветки; А-3309 (Туркменистан) хазмогам-клейстогамные цветки, остальные образцы имели хазмогамные цветки. Вышеуказанные образцы с клейстогамными цветками рекомендуются в качестве исходного материала для создания сортов тонковолокнистого хлопчатника с высокой генетической и фенотипической выровненностью.

**ЎЗНИНГ АЙРИМ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ F₁ АВЛОДЛАРИНИ СУВ
БИЛАН ОПТИМАЛ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИ
ШАРОИТЛАРИДА ЎСИМЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА БИТТА
КЎСАКДАГИ ПАХТА ОҒИРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Шавқиев Ж. Ш.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
jaloliddin.1992@mail.ru

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бўлгани каби Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам сув танқислиги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асослангани ва асосий



экин тури ғўза ўсимлиги эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, яратилаётган ғўза навлари қимматли – хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлишлари билан бир қаторда муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли бўлишлари ҳам зарур. Бунда ғўза навларининг қурғоқчиликка чидамлигини ўрганиш ва генотипнинг қимматли хўжалик белгилари сув танқислигига боғлиқлигини аниқланиш муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотимизда *G. hirsutum* L турига мансуб Ишонч, Навбаҳор-2, С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навлари ва уларнинг F_1 авлодлари объект сифатида олиниб, дала тажрибаси шароитида 2019-йилда назорат яъни сув билан оптимал таъминланганлик (суғориш схемаси 1-2-1, суғоришга сарфланган умумий сув миқдори чигит суви билан 4600-5000 м³/га) ва тажриба, яъни сув танқислиги (суғориш схемаси 0-1-0, суғоришга сарфланган умумий сув миқдори чигит суви билан 1700-2000 м³/га) фонларида тўрт қайтариқда экилди. Бунда моделлаштирилган қурғоқчилик шароитидаги ўсимликларда гуллаш бошланганда бир мартагина суғориш ҳисобига барпо қилинди. Ҳар икки фонда бир хил агротехника ишлари олиб борилди.

Ғўза навларини қурғоқчиликка чидамлилик хусусиятини ўрганишда, ғўзанинг сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари аниқланди.

Тажрибалар асосида олинган ғўза навларининг сув танқислиги ва сув билан оптимал таъминланганлик шароитларида ўрганилган белгилар кўрсаткичларининг статистик таҳлиллари EXCEL 2010 да, ANOVA бўйича Stat View 5.0 дастурида амалга оширилди.

Тажрибада назорат яъни сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи Ишонч, Навбаҳор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навларида бир бирига яқин бўлди. Уларнинг F_1 авлодларида эса турли даражада аниқланди. Бунда Навбаҳор-2 × Ишонч ва Тошкент-6 × Ишонч дурагайлари сув



билан оптимал таъминланганлик шароитида энг юқори кўрсаткич мос равишда ўртача 75.65 ± 3.63 г ва 77.48 ± 2.43 г ларни ташкил этса, энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 \times С-6524 ва С-6524 \times Тошкент-6 дурагайларида 64.75 ± 1.94 г ва 63.79 ± 1.83 г ларда ташкил қилди. Сув танқислиги шароитларида ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи ота она генотипидан Ишонч ва Навбахор-2 навларида юқори бўлиб, мос равишда ўртача 42.09 ± 1.69 г ва 42.14 ± 1.42 г ларни, Тошкент-6 ва С-6524 навларида эса паст бўлиб, мос равишда ўртача 27.16 ± 0.80 г ва 27.10 ± 0.93 г ларда аниқланди. Уларнинг F_1 авлодларида эса турли даражада аниқланди. Бунда энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 \times С-6524 дурагайида 28.44 ± 1.87 г қайт этса, энг юқори кўрсаткич Ишонч \times Навбахор-2 дурагайида 49.86 ± 3.05 г да бўлди (1-жадвал).

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида битта кўсакдаги пахта оғирлиги Ишонч, Навбахор-2 ва Тошкент-6 навларида бир бирига яқин кўрсаткичда бўлса, С-6524 навида энг паст кўрсаткич 5.08 ± 0.07 г. бўлди. Уларнинг F_1 авлодларида эса энг юқори кўрсаткич Навбахор-2 \times С-6524 дурагайида 6.31 ± 0.07 г бўлса, энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 \times С-6524 дурагайида 4.54 ± 0.07 г қайт этди. Сув танқислиги шароитида бу белгининг энг паст кўрсаткич С-6524 ва Тошкент-6 навларида (мос равишда ўртача 4.34 ± 0.04 г ва 4.29 ± 0.09 г), энг юқори кўрсаткич эса Ишонч ва Навбахор-2 навларида (мос равишда ўртача 5.00 ± 0.06 г ва 5.13 ± 0.06 г) бўлди. Сув танқислиги ушбу белгиси бўйича Ишонч ва Навбахор-2 навларига нисбатан С-6524 ва Тошкент-6 навларига кўпроқ салбий таъсир этганлиги аниқланди. Уларнинг F_1 авлодларида эса энг юқори кўрсаткич Навбахор-2 \times С-6524 дурагайида 5.56 ± 0.07 г бўлса, энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 \times Ишонч ва Тошкент-6 \times С-6524 дурагайларида 4.54 ± 0.07 г ва 4.57 ± 0.10 г қайт этди (1-жадвал).



1-жадвал

Вўза навларини сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ғўза навларида қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари

Вўза навлари ва уларнинг F1 авлодлари		Ўсимлик маҳсулдорлиги (г/ўсимлик)	Битта кўсакдаги пахта оғирлиги (г)
Ишонч (P1)	ОФ	60,18±3,01	5,62±0,06
	МҚ	42,09±1,69	5,00±0,06
Навбаҳор-2 (P2)	ОФ	57,18±3,77	5,80±0,05
	МҚ	42,14±1,42	5,13±0,06
Тошкент-6 (P3)	ОФ	62,40±2,31	5,76±0,09
	МҚ	27,16±0,80	4,34±0,04
С-6524 (P4)	ОФ	63,97±1,75	5,08±0,07
	МҚ	27,10±0,93	4,29±0,09
P1xP2	ОФ	69,07±2,28	6,24±0,02
	МҚ	49,86±3,05	5,34±0,08
P1xP3	ОФ	74,15±2,86	5,73±0,04
	МҚ	46,12±2,11	4,82±0,08
P1xP4	ОФ	70,74±3,20	5,50±0,08
	МҚ	43,51±2,00	4,84±0,04
P2xP1	ОФ	75,65±3,63	5,69±0,07
	МҚ	45,36±3,05	5,34±0,05
P2xP3	ОФ	65,64±2,39	6,22±0,07
	МҚ	38,49±1,29	5,42±0,05
P2xP4	ОФ	66,70±4,75	6,31±0,07
	МҚ	41,80±2,58	5,56±0,07
P3xP1	ОФ	77,48±2,43	5,45±0,05
	МҚ	35,04±1,08	4,54±0,07
P3xP2	ОФ	68,62±2,38	5,38±0,06
	МҚ	33,26±1,65	4,81±0,10
P3xP4	ОФ	64,75±1,94	5,52±0,06
	МҚ	28,44±1,87	4,66±0,09
P4xP1	ОФ	70,23±2,54	5,94±0,14
	МҚ	32,62±1,45	4,73±0,06
P4xP2	ОФ	67,17±2,46	5,41±0,06
	МҚ	32,86±0,93	4,64±0,04
P4xP3	ОФ	63,79±1,83	5,23±0,07
	МҚ	32,41±1,22	4,57±0,10

Изоҳ: ОФ-Оптимал сув режими фони; МҚ-моделлаштирилган қурғоқчилик



Олинган натижаларнинг дисперсиявий таҳлилига кўра, Тошкент-6 ва С-6524 навлари Ишонч ва Навбахор-2 навларига нисбатан сув танқислигида ўсимлик маҳсулдорлиги ва битта кўсақдаги пахта оғирлиги кескин камайгани аниқланди. Ишонч ва Навбахор-2 навлари ҳамда Ишонч × Навбахор-2, Ишонч × Тошкент-6, Ишонч × С-6524, Навбахор-2 × Ишонч, Навбахор-2 × Тошкент-6, Навбахор-2 × С-6524 дурагайлари ўсимлик маҳсулдорлиги ва битта кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича сув танқислига ўрганилган нав ва дурагайларга нисбатан чидамли эканлиги аниқланди.

Тажрибамиздан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза навларининг қимматли хўжалик кўрсаткичларининг таҳлили асосида Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навлари ҳамда уларнинг F_1 авлодларидан Ишонч × Навбахор-2, Ишонч × Тошкент-6, Ишонч × С-6524, Навбахор-2 × Ишонч, Навбахор-2 × Тошкент-6, Навбахор-2 × С-6524 дурагайлари Тошкент-6 ва С-6524 ғўза навлари ҳамда уларнинг F_1 авлодларидан Тошкент-6 ва С-6524 ҳамда Тошкент-6 × Ишонч, Тошкент-6 × Навбахор-2, Тошкент-6 × С-6524, С-6524 × Ишонч, С-6524 × Навбахор-2 ва С-6524 × Тошкент-6 дурагайларига нисбатан сув танқислигига чидамли эканликлари аниқланди. Бу эса сув танқис минтақаларга ва сув тақчил йилларда Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навларини экиш ва улардан ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилик селекциясида қимматли бошлангич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.



ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ F₁ АВЛОДЛАРИДА ЎСИМЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИ БЎЙИЧА СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ТАЪСИРЧАНЛИК ВА БАРДОШЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Шавқиев Ж. Ш.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз кўчаси
jaloliddin.1992@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПҚ-4947-сон қарорида касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган. Республикамиз пахтачилигини ривожлантириш учун яратилаётган ғўза навлари ҳосилдор, толасининг сифати юқори бўлиши билан биргаликда, абиотик стрессларга, жумладан, қурғоқчиликка чидамли бўлишлари ҳам зарурдир. Кейинги йилларда иқлимнинг ўзгариб бориши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун зарур бўлган сув танқислиги кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, экинлардан олинадиган ҳосилга, унинг сифатига салбий таъсир этмоқда. Бунинг олдини олиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида сув танқислигига чидамли навларни жориш этиш мақсадга мувофиқдир. Бир қатор олимлар ўз тажрибаларида сув танқислиги ўсимлик маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатиши айтиб ўтган. Шу сабабли ўсимлик маҳсулдорлигининг барқарорлиги юқори даражада бўлган ва ноқулай муҳит омилларига чидамли ғўза навларини яратиш муҳимдир. Бунинг учун ғўза навларини ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув танқислигига таъсирчанлик ва бардошлилик даражаларини ўрганиш талаб этади.

Тадқиқотимизда *G. hirsutum* L турига мансуб Ишонч, Навбахор-2, С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навлари ва уларнинг F₁ авлодлари объект сифатида олиниб, дала



тажрибаси шароитида 2019-йилда назорат яъни сув билан оптимал таъминланганлик (суғориш схемаси 1-2-1, суғоришга сарфланган умумий сув миқдори чигит суви билан 4600-5000 м³/га) ва тажриба, яъни сув танқислиги (суғориш схемаси 0-1-0, суғоришга сарфланган умумий сув миқдори чигит суви билан 1700-2000 м³/га) фонларида тўрт қайтариқда экилди. Бунда моделлаштирилган қурғоқчилик шароитидаги ўсимликларда гуллаш бошланганда бир мартагина суғориш ҳисобига барпо қилинди. Ҳар икки фонда бир хил агротехника ишлари олиб борилди.

Навларни қурғоқчиликка чидамлиги қуйидаги формулалар бўйича аниқланди:

1. Маҳсулдорликнинг барқарорлик индекси; $(YSI) = Y_s / Y_p$
2. Стрессга таъсирчанлик индекси; $SSI = (1 - Y_s / Y_p) / (1 - \ddot{Y}_s / \ddot{Y}_p)$
3. Стрессга бардошлилик индекси; $STI = (Y_s \times Y_p) / \ddot{Y}_p^2$

Бу ерда Y_p – сув билан оптимал таъминланганлик шароитида нав ёки дурагай ўсимлик маҳсулдорлиги, Y_s - сув билан кам таъминланганлик шароитида нав ёки дурагай ўсимлик маҳсулдорлиги, \ddot{Y}_p - сув билан оптимал таъминланганлик шароитида навлар ёки дурагайлар ўсимликларининг ўртача маҳсулдорлиги, \ddot{Y}_s - сув билан кам таъминланганлик шароитида навлар ёки дурагайлар ўсимликларининг ўртача маҳсулдорлиги. Тажрибалар асосида олинган маълумотларнинг бошланғич таҳлили EXCEL 2010 да, дисперсион таҳлил (ANOVA, Fisher PLSD, $\alpha=0,05$) Stat View 5.0 дастурида амалга оширилди.

Тажрибада назорат яъни сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи Ишонч, Навбаҳор-2, С-6524 ва Тошкент-6 навларида бир бирига яқин бўлди. Уларнинг F_1 авлодларида эса турли даражада аниқланди. Бунда Навбаҳор-2 х Ишонч ва Тошкент-6 х Ишонч дурагайлари сув билан оптимал таъминланганлик шароитида энг юқори кўрсаткич мос равишда ўртача 75.65 ± 3.63 г. ва 77.48 ± 2.43 г. ларни ташкил этса, энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 х С-6524 ва С-6524 х Тошкент-6 дурагайларида 64.75 ± 1.94 г. ва



63.79±1.83 г. ларда ташкил қилди.

Сув танқислиги шароитларида ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичи ота она генотипидан Ишонч ва Навбахор-2 навларида юқори бўлиб, мос равишда ўртача 42.09±1.69 г. ва 42.14±1.42 г. ларни, Тошкент-6 ва С-6524 навларида эса паст бўлиб, мос равишда ўртача 27.16±0.80 г. ва 27.10±0.93 г. ларда аниқланди. Уларнинг F₁ авлодларида эса турли даражада аниқланди. Бунда энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 х С-6524 дурагайида 28.44±1.87 г. қайт этса, энг юқори кўрсаткич Ишонч х Навбахор-2 дурагайида 49.86±3.05 г. да бўлди (Жадвал).

Жадвал

Ўрта толали ғўза навларида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув танқислигига таъсирчанлик ва бардошлилик кўрсаткичлари

№	Вза навлари ва уларнинг F ₁ авлодлари	Ўсимлик маҳсулдорлик кўрсаткичи		Ўсимлик маҳсулдорлиги нинг барқарорлик индекси	Стрессга таъсирчанлик индекси	Стрессга бардошлилик индекси
		ОФ	МҚ			
1	Ишонч (P1)	ОФ	60,18±3,01	0,69	0,69	0,68
		МҚ	42,09±1,69			
2	Навбахор-2 (P2)	ОФ	57,18±3,77	0,73	0,60	0,64
		МҚ	42,14±1,42			
3	Тошкент-6 (P3)	ОФ	62,40±2,31	0,43	1,30	0,45
		МҚ	27,16±0,80			
4	С-6524 (P4)	ОФ	63,97±1,75	0,42	1,33	0,46
		МҚ	27,10±0,93			
5	P1xP2	ОФ	69,07±2,28	0,72	0,61	0,71
		МҚ	49,86±3,05			
6	P1xP3	ОФ	74,15±2,86	0,62	0,84	0,70
		МҚ	46,12±2,11			
7	P1xP4	ОФ	70,74±3,20	0,61	0,85	0,63
		МҚ	43,51±2,00			
8	P2xP1	ОФ	75,65±3,63	0,59	0,89	0,71
		МҚ	45,36±3,05			
9	P2xP3	ОФ	65,64±2,39	0,58	0,92	0,52
		МҚ	38,49±1,29			
10	P2xP4	ОФ	66,70±4,75	0,62	0,83	0,57
		МҚ	41,80±2,58			
11	P3xP1	ОФ	77,48±2,43	0,45	1,22	0,56
		МҚ	35,04±1,08			



12	P3xP2	ОФ	68,62±2,38	0,48	1,14	0,47
		МҚ	33,26±1,65			
13	P3xP4	ОФ	64,75±1,94	0,43	1,24	0,38
		МҚ	28,44±1,87			
14	P4xP1	ОФ	70,23±2,54	0,46	1,19	0,47
		МҚ	32,62±1,45			
15	P4xP2	ОФ	67,17±2,46	0,48	1,13	0,45
		МҚ	32,86±0,93			
16	P4xP3	ОФ	63,79±1,83	0,50	1,09	0,42
		ОФ	32,41±1,22			

Изох: ОФ-Оптимал сув режими фони; МҚ-моделлаштирилган қурғокчилик

Ўсимлик маҳсулдорлигининг барқарорлик индекси бўйича навлар орасида Ишонч ва Навбахор-2 энг юқори кўрсаткич (0.69 ва 0.73) да бўлса, Тошкент-6 ва С-6524 навлари энг паст кўрсаткич (0.43 ва 0.42) да аниқланди. Уларнинг авлодларидан Ишонч × Навбахор-2 дурагайида энг юқори кўрсаткич (0.72) да бўлса, Тошкент-6 × С-6524 дурагайида энг паст кўрсаткич(0.43)да ташкил этди.

Ҳозирги вақта ўсимликларда олиб бориладиган тадқиқотлар физиологик, биокимёвий ва морфологик усуллар билан чекланиб қолмаган. Ҳар томонлама ва кўп қиррали тадқиқотлар ўтказишда замонавий молекуляр биология усулларига асосланган. Маълумки ўсимликларда бирор мутация рўй берганда, генетик ўзгартирилганда ёки ташқаридан қандайдир модда ва биологик объект таъсир этганда генлар фаолияти яъни экспрессия даражаси ўзгаради. Ушбу гендаги экспрессияни қай даражада ўзгарганлигини билиш учун РТ-реал тайм ПЗР усули амалга оширилади. Бунинг учун номзод генлар аниқлаш ва ушбу генлар асосида праймерлар тузиш талаб этилади.

Абиотик стрессларга бардошлиликни таъминловчи бир қатор функционал ва регулятор генлар аниқланган бўлиб, улардан қишлоқ хўжалик экинлари чидамлилик хусусиятларини генетик яхшилаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Стрессга чидамлилик билан боғлиқ бўлган физиологик хусусиятлар мултигенетик назорат остида бўлганлиги сабабли, битта генни манипуляцияси етарли эмас. Шу сабабли, олимлар бир вақтнинг ўзида стрессга жавоб берадиган омилларнинг кўп сонини тартибга солувчи генларга, шу жумладан транскрипсия омилларига кўпроқ эътибор бериш лозим.

ВЛИЯНИЕ БАКТЕРИЗОВАННЫХ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА БИОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПРОРОСТКОВ МАША НА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ

Закирьяева С.И.

Институт микробиологии АН РУз
szakiryeva@mail.ru

Бактериализация минеральных удобрений клетками штаммов микроорганизмами является на сегодняшний день одним из самых перспективных



и действенных способов повышения эффективности их использования. Технология бактериализации минеральных удобрений направлена, прежде всего, на повышение коэффициента использования растениями минеральных элементов, содержащихся в удобрениях и использования почвенных труднодоступных запасов.

В связи с вышеизложенным, нами созданы новые бактеризованные минеральные удобрения путем иммобилизации клеток *Bacillus subtilis* BS-26 на комплексных минеральных удобрениях серии FAN-AGRO.

Целью исследований являлось изучение влияния бактеризованных минеральных удобрений на корнеобразование, рост и развитие проростков маша в лабораторных условиях.

Объектами исследований являлись: комплексные универсальные минеральные удобрения FAN-AGRO 04 и FAN-AGRO 07 и бактеризованные минеральные удобрения FAN-AGRO 04+*B. subtilis* BS-26, FAN-AGRO 07+*B. subtilis* BS-26, сильно засоленная почва Сырдаринской области, семена маша сорта «Хилола». По агрохимическому составу выявлено, что почва является сильнозасоленной, сульфатного типа, с преобладанием сульфатов кальция, магния и натрия, сумма солей составляла 1,12%. Бактеризованные минеральные и минеральные удобрения вносили в почву по 75 мг. Лабораторные опыты проводили по следующей схеме:

Схема лабораторного опыта:

1. Контроль – минеральные удобрения FAN-AGRO 04;
2. Контроль – минеральные удобрения FAN-AGRO 07;
3. Опыт - бактеризованные минеральные удобрения FAN-AGRO 04+*B. subtilis* BS-26;
4. Опыт - бактеризованные минеральные удобрения FAN-AGRO 07+*B. subtilis* BS-26.

Эксперименты показали, что внесение в почву бактеризованных минеральных удобрений способствовало более интенсивному росту и развитию растений маша.



Наилучшие результаты были получены в варианте с бактеризованным минеральным удобрением FAN-AGRO 04+*B. subtilis* BS-26 по ростстимулирующему эффекту при сравнении с бактеризованным минеральным удобрением FAN-AGRO 07+*B. subtilis* BS-26 и минеральным удобрением. В варианте с FAN-AGRO 04+*B. subtilis* BS-26 на 25-е сутки опыта средняя высота стеблей маша была на 2,2 см выше, средняя длина корней проростков маша была на 1,8 см больше, влажный вес корней - на 0,03 г/1 растение, по сравнению с контрольным вариантам (минеральные удобрения FAN-AGRO 04 без *B. subtilis* BS-26).

Наилучшие результаты были получены в варианте с бактеризованным минеральным удобрением FAN-AGRO 07+*B. subtilis* BS-26 по корнеобразующему эффекту при сравнении с бактеризованным минеральным удобрением FAN-AGRO 04+*B. subtilis* BS-26 и минеральным удобрением. В варианте с бактеризованным удобрением FAN-AGRO 07+*B. subtilis* BS-26 на 25-е сутки опыта средняя высота стеблей маша была на 4,2 см выше, средняя длина корней была на 2,8 см больше, влажный вес корней больше на 0,01 г/ 1 растение, сухой вес корней на 0,016-0,012 г соответственно больше по сравнению с контрольным вариантам (минеральные удобрения FAN-AGRO 07).

Таким образом, выявлено, что рост и развития, корнеобразования и фитомасса проростков маша была лучше на бактеризованным минеральным удобрением, по сравнению с минеральным удобрением и для возделывания маша на засоленных почвах можно рекомендовать использовать бактеризованные минеральные удобрения.



ЭКСПРЕССИЯ ГЕНОВ АНТИОКСИДАНТНЫХ ФЕРМЕНТОВ У ХЛОПЧАТНИКА СОРТА ПОРЛОК-4 ПОД ВЛИЯНИЕМ БИОСТИМУЛЯТОРОВ

Камбурова В.С.¹, Дарманов М.М.¹, Усманов Д.Э.¹, Маматкулова Г.Ф.¹,
Шерматов Ш.Э.¹, Ахунов А.А.², Хашимова Н.Р.²

¹ Центр геномики и биоинформатики АН РУз

² Институт биоорганической химии АН РУз
venera_k75@mail.ru

Солевой стресс вызывает дисбаланс клеточных ионов, что приводит к ионной токсичности, осмотическому стрессу и выработке активных форм кислорода (АФК), что влияет на рост растений, их морфологию и выживание. Солеустойчивые растения могут не только более эффективно регулировать движение ионов и воды, но также должны иметь лучшую антиоксидантную систему для эффективного удаления активных форм кислорода (АФК). У большинства растений более высокие уровни активности вышеупомянутых антиоксидантных ферментов рассматриваются как один из возможных механизмов устойчивости к абиотическим стрессам и являются биохимическими маркерами устойчивых сортов. В тоже время существует несколько экологически безопасных схем для улучшения продуктивности сельскохозяйственных культур при различных абиотических стрессах. Одно из таких применений включает укрепление систем естественной защиты растений за счет использования полезных микробов и природных биостимуляторов.

В связи с вышеизложенным, основной целью исследования было исследование влияния биостимуляторов на экспрессию генов ферментов антиоксидантной системы у ген-нокаутного сорта хлопчатника Порлок-4 в условиях, выращенного в условиях Сырдарьинской области.

При определении уровня экспрессии генов ферментов антиоксидантной системы было обнаружено статистически значимое изменение экспрессии соответствующих генов под влиянием биостимуляторов.



При этом уровень экспрессии гена *GhSOD* у образцов хлопчатника сорта Порлок-4, обработанных препаратами ДАГ-1 и Биодукс, был увеличен по сравнению с референс-образцами, не подвергавшимися обработке.

На следующем этапе мы провели исследования влияния данных препаратов на уровень экспрессии гена *GhPOD*. Результаты исследования показали, что уровень экспрессии гена *GhPOD* под влиянием препаратов ДАГ-1 и Биодукс статистически достоверно увеличился (табл. 1).

Кроме того, нами было исследовано изменение уровня экспрессии гена *GhCAT* у хлопчатника сорта Порлок-4 под воздействием биостимуляторов. При этом обнаружено, что у растений, подвергавшихся обработке ДАГ-1 и Биодукс, наблюдалось значительное увеличение уровня экспрессии гена *GhCAT* по сравнению с контролем.

Также нами было изучено влияние препаратов ДАГ-1 и Биодукс на уровень экспрессии гена *GhAPX* у хлопчатника сорта Порлок-4. При этом было выявлено, что уровень экспрессии гена *GhAPX* у образцов, обработанных биостимуляторами ДАГ-1 и Биодукс, был существенно выше, чем у контрольных необработанных образцов.

Вместе с тем, нами также было исследовано влияние биостимуляторов на уровень экспрессии генов *GhGPX* и *GhGR* у сорта хлопчатника Порлок-4, выращенного в условиях естественного засоления средней степени в Сырдарьинской области. Результаты исследования показали, что уровень экспрессии гена *GhGPX* статистически значимо повышался при обработке семян хлопчатника препаратами по сравнению с контрольными образцами. В то время как уровень экспрессии гена *GhGR* под воздействием биостимуляторов ДАГ-1 и Биодукс несущественно уменьшался.

Таким образом, полученные результаты свидетельствуют о положительном влиянии биостимуляторов ДАГ-1 и Биодукс на уровень экспрессии генов антиоксидантных ферментов, что хорошо коррелирует с данными по активности ферментов.



ШЎРЛАНИШ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ ПОРЛОҚ-1 ВА ГУЛИСТОН НАВЛАРИНИНГ АНТИОКСИДАНТ ТИЗИМИГА АБСЦИЗ ВА ИНДОЛИЛСИРКА КИСЛОТАЛАРИНИНГ ЭКЗОГЕН ТАЪСИРИ

Кулдошова К.М.¹, Ахунов А.А.¹, Хашимова Н.Р.¹, Абдурахмонов И.Ю.²

¹ ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти

² ЎзР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази
zarabarlos90@bk.ru

Фитогормонлар – абсциз (АБК) ва индолилсирка кислоталари (ИСК) ўсимликларнинг биокимёвий ва физиологик жараёнларини, шунингдек, атроф – муҳитнинг ноқулай шароитларида юзага келувчи адаптив реакцияларини бошқаришда муҳим ўрин тутди. АБК ва ИСК фитогормонларининг антиоксидант ферментлар фаолликларига экзоген таъсири кўп жihatдан фитогормонларнинг оптимал концентрацияси ва таъсир этиш давомийлигига боғлиқ. Олимларнинг олиб борган тадқиқот натижаларига мувофиқ, супероксиддисмутаза ферменти генлари промотор қисмида фитогормонларга нисбатан сезгир локус мавжудлиги аниқланган. Фитогормонлар, хусусан АБК супероксиддисмутаза синтези ва фаоллигига сигнал воситачилари – эркин радикаллар ва кальций ионлари миқдорини ўзгартириш орқали билвосита таъсир этиши мумкин.

Тадқиқот ишининг асосий мақсади ғўзанинг “ген-нокаут” технологияси асосида яратилган истиқболли Порлоқ-1 нави ҳамда, ғўзанинг анъанавий пахта селекцияси орқали яратилган шўрланишга чидамли истиқболли Гулистон навининг антиоксидант тизимиغا абсциз ва индолилсирка кислоталарининг экзоген таъсирини ўрганиш орқали навларнинг шўрланишга чидамлилиқ механизмлари ва фитогормонларнинг антиоксидант ферментлар билан ўзаро боғлиқлигининг биокимёвий хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Моделлаштирилган шўрланишли шароитда (1% ва 4% NaCl) антиоксидант тизимининг супероксиддисмутаза ва аскорбатпероксидаза ферментлари фаолликлари ўзаро солиштирилди ва маълум бир фарқлар аниқланди.



Олинган натижаларга мувофиқ, ғўзанинг Гулистан навида назорат намуналарида супероксиддисмутаза ферменти фаоллиги Порлоқ-1 навида нисбатан 5 маротаба кам фаолликни намоён қилди. Ғўзанинг Порлоқ-1 навида Гулистан навида нисбатан 1% NaCl + ИСК ва 4% NaCl + АБК ли шароитларда мос равишда 4 ва 2 маротаба юқори фаолликни намоён қилди. Экзоген фитогормонлар 1% NaCl ва 4% NaCl эритмаларининг зарарли таъсирини камайтирганлигини супероксиддисмутаза ферменти фаоллигидан ҳам билишимиз мумкин.

Гулистон навининг барча намуналарида Порлоқ-1 нави намуналарига нисбатан, аскорбатпероксидаза ферменти ўзининг юқори фаоллигини намоён қилди. Жумладан, Гулистон навида 1% NaCl + АБК ва 1% NaCl + ИСК ли шароитларда фермент фаоллиги назоратга нисбатан мос равишда 1.7 ва 1.8 маротаба ошгани кузатилган бўлса, бу кўрсаткичлар Порлоқ-1 навида эса 1.2 ва 1.1 маротаба ошганлиги қайд этилди. 4% NaCl + ИСК шароитда эса ғўзанинг иккала навида ҳам фермент фаоллиги назоратга нисбатан 2 баравар ошганлиги кузатилди.

Ғўзанинг “ген-нокаут” технологияси ва анъанавий селекция асосида яратилган Порлоқ-1 ва Гулистон навларининг антиоксидант тизимига абсциз ва индолилсилсирка кислоталарининг экзоген таъсири стимулловчи таъсир доирасига эга эканлиги аниқланди ва олинган натижалар яна бир бор фитогормонларнинг антиоксидант ферментлар фаоллигини оширишда этакчи ўрин эгаллашидан дарак беради.

ЎРТА ТОЛАЛИ ПОРЛОҚ-4 ҒЎЗА НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИ

Маманазаров Ш.И., Муҳаммадов Й.А., Мирзаёқубов К.Э.

Ўз Р ФА Геномика ва биоинформатика маркази
Тошкент вил., Қибрай тум., Университет к. 2-уй
sharof.mamanazarov@mail.ru

Ҳар бир ғўза нави ўзининг морфобиологик хусусиятларига эга. Лекин, улар турли тупроқ-иқлим ва парваришlash шароитларида ўзгарувчан бўлади.



Республикамизда рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Дунё миқёсида ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ғўза селекциясида турли усуллардан кенг фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан «ген-нокаут» усули ёрдамида ягона хужайрадан олинган Кокер-312 линияси билан маҳалий «Наманган-77» ғўза навини ўзаро дурагайлаш орқали кўп марталик якка танлаш йўли билан яратилган «Порлоқ-4» ғўза нави асосий ашё сифатида фойдаланилди. «Порлоқ-4» ғўза нави морфо-биологик, хўжалик белгилари ва технологик-сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан ажралиб туради. «Порлоқ-4» нави тезпишарлиги, юқори ҳосилдорлиги, толасининг узунлиги, микронеёр кўрсаткичлари ва бақувват илдиз тизими билан ўз устунлигини номоён этмоқда.

«Порлоқ-4» ғўза нави кенг шохлаб ўсадиган пирамидасимон шохланишга эга бўлгани учун ғўза туплари қатор ораси 90 см бўлиши, яъни 90x12x1 тартибида экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда кўчат қалинлиги 90-95 минг атрофида бўлади. Кам унумдор ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда кўчат қалинлигини 110-120 минггача кўпайтириш мумкин.

Ғўза яганасини далада тўлиқ кўчат олингандан сўнг 1-2 та чинбарг чиқариш билан 4-5 кун ичида ўтказилиши шарт. Яганалашни кечиктирилиши ғўза ниҳолларини меёрида ривожланишга салбий тасир этади. Натижада ғўзанинг ривожланиши 7-10 кунга кечикиши мумкин.

Қатор ораларини ишлашда, ниҳолларнинг ёшини ҳисобга олиб,



култиваторларнинг четки ишчи органини ўсимликдан 5-7 см узокликда ва 6-8 см чуқурликда, ундан кейин икки ёнига ишчи органларини 8-10 см узокликда тупроқни юмшатадиган тегишли ишчи органлар ва ғозпанжа ўрнатилади. Иккинчи ва ундан кейинги ишловларда ишчи органлар юқоридагиларга мос равишда 3-4, 5-6 см чуқурроқ ўрнатилиши мумкин. Унутмаслик керакки, ишловлар сони енгил ва кумоқ тупроқларда 6-7 мартаба, ўта оғир тупроқларда эса 7-8 мартаба бўлиши етарлидир. «Порлоқ-4» навининг илдиз тизими бошқа навларга нисбатан ривожланганлиги учун тупроқдаги мавжуд намликлардан яхши фойдаланади ва ўсув даврида бошқа навларга нисбатан камроқ сув талаб қилиб сувга кечроқ келади. Шунинг хисобига биринчи сувни даладаги ғўза ниҳолларининг 5-10 фоизидида гуллаш бошланганда, кейинги суғориш муддатлари эса, ўсимликнинг ташқи белгиларига қараб белгиланади. «Порлоқ-4» навидан юқори сифатли ва мўл ҳосил олиш бошқа ғўза навлари каби минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Қатор илмий изланишлардан маълумки, 1 тонна пахта хом-ашёсини етиштириш учун тупроқдан 50-60 кг азот, 15-25 кг фосфор ва 50-70 кг калийни (соф ҳолда) олиб чиқиб кетади. Ҳар бир гектарга ҳосилдорлик ва тупроқнинг унумдорлигига қараб, минерал ўғитларнинг 1:0.7:0.5 нисбатда, яъни соф ҳолда 250 кг азот, 175 кг фосфор ва 125 кг калийли ўғитлар бериш яхши натижа беради. Вегетация даврида маҳаллий ўғитни камида 2-3 марта сув билан шарбат усулида суғориш пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун муҳим омил бўлиб хисобланади. «Порлоқ-4» ғўза навида 13-14 та ҳосил шохи бўлганида чилпиш амалга оширилади. Ғўзанинг «Порлоқ-4» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу тавсияларга амал қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар хисобидан 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш мумкин.



БИОСТИМУЛЯТОРЛАР ТАЪСИР ЭТТИРИЛГАН ПОРЛОҚ-4 ҒЎЗА НАВИДА ГЕНЛАР ЭКСПРЕССИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Маматкулова Г.Ф., Камбурова В.С., Дармонов М.М., Усмонов Д.Э.,
Акрамова М.Б., Рахматова Н.Р., Хашимова Н.Р.*, Ахунов А.А.*

Центр геномики и биоинформатики АН РУз
* Институт биоорганической химии АН РУз
mamatqulovagavhar2@gmail.com

Ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилувчи турли хил омиллар мавжуд бўлиб, улардан абиотик омиллар (қурғоқчилик, шўрланиш ва бошқ.) етакчи ўрин эгаллаши қайд қилинган. Шу сабабли ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосилдорлик олиш учун турли хил биопрепаратлар кенг кўламда қўлланилмоқда.

Ушбу препаратлар қўлланилганда ҳосилдорлик ошишига сабаб бўлувчи генлар ва улар экспрессиясини ўрганиш, яъни молекуляр механизмини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Олиб борилган тадқиқотларимизда Порлоқ-4 ғўза навига Биодак, ДАГ-1, Микро-1, Микро-2, Ризоком, Ҳосил биопрепаратлари таъсир эттирилганда генлар экспрессиясини ўрганиш учун ғўза баргларида умумий РНК ажратилади. РНК ажратиш икки хил Wu усули ва махсус кит RNeasy Plant Mini Kit ларида олиб борилди. РНКлар ҳар бир намуналардан яъни, Биодак, ДАГ-1, Микро-1, Микро-2, Ризоком, Ҳосил ва Назорат вариантларнинг 3 такрорида жами 21 та намунадан тўлиқ ажратиб олинди. РНК молекуласи бир занжирли бўлганлиги учун хона хароратида фаоллигини жуда тез йўқотади, шунинг учун ажратилган РНК лар -80°C да сақланади. Кейинги босқичларда РНК ни тозалаш ва концентрациясини ўлчаш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги кунда RT-PCR орқали ген экспрессиясини аниқлаш учун махсус праймерлар тузилган бўлиб, келгусида улар асосида RT-PCR реакциялари амалга оширилади ва олинган натижалар таҳлил қилиб чиқилади.



МИКРОБИОЛОГИК БИОПРЕПАРАТЛАРНИНГ НЎХОТ ЎСИМЛИГИ ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Маткаримов Ф.И.^{1,2}, Бабоев С.К.¹, Тохирбоева Д.У.¹

¹ЎзРФА Генетика ва экспериментал биология институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани Юқори юз кўчаси

²Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
igebr@akademiy.uz

Тажрибамиз дала шароитида олиб борилди ва бунда нўхотнинг Оқпари навидан фойдаланилди. Оқпари нави уруғи *Mesorhizobium*, *PlantaStim* ва Биоазот микробиологик препаратлари билан экишдан олдин ишлов берилди, назорат сифатида эса Витавакс 200ФФ препарати эталон сифатида ишлатилди.

Биоазот ва *PlantaStim* микробиологик препаратлари билан ишлов берилган вариантларда битта ўсимликдаги дуккаклар ва дон сони, ҳамда дуккаклар вазни бўйича назорат вариантдан юқори бўлди.

Бунда битта ўсимликдаги дуккаклар сони кўрсаткичи бўйича Биоазот ва *PlantaStim* вариантлари назорат вариантдагига нисбатан тегишли равишда 15.8% ва 35.2% юқори бўлган бўлса, *Mesorhizobium* вариантыда назоратга нисбатан 34.6% га паст бўлганлиги кузатилди. Худди шунга ўхшаш натижалар битта ўсимликдаги дуккаклар вазни, ўсимликдаги дон сони кўрсаткичларида ҳам такрорланди.

1000 дона дон вазни бўйича олинган натижалар тахлил қилинганда тадқиқот ўтказилган вариантлар ичида *Mesorhizobium* микробиологик препарати билан ишлов берилган вариантда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, назорат вариантга нисбатан 23.8% га юқори эканлиги кузатилди. Биоазот ва *PlantaStim* микробиологик препаратлари қўлланилган вариантларда эса 1000 дона дон вазни назорат вариантга нисбатан мос равишда 20% и 14.9%, юқори бўлди.

Ўрганилган вариантлардан *Mesorhizobium* микробиологик препарати



қўлланилганда 1000 дон вазни юқори бўлишига қарамай бу вариантда бир ўсимликдаги дуккаклар сони камлиги ҳисобига ҳосилдорлик Биоазот (17.3 ц/га) ва PlantaStim (21.5 ц/га) қўлланилган вариантларга нисбатан паст (13 ц/га), лекин назорат вариантыдан (12 ц/га) юқорироқ бўлганлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Биозот ва Плантастим биопрепаратлари билан ишлов берилган вариантларда ҳосилдорлик битта ўсимликдаги дуккаклар сонини ошириши ҳисобига, Mesorhizobium вариантыда эса 1000 та дон оғирлиги юқори бўлгани ҳисоба ҳосилдорлик ошган.

ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ДАГ-1 ВА ДАГ-2 ПРЕПАРАТЛАРИНИ ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Наврузов С.Б., Хашимова Н.Р, Ахунов А.А., Бабаева Д.Т., Нурматова М.И.

ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
Ташкент, Мирзо Улугбек кўч, 83
sanjarbeknavruzov@gmail.com

Глицирризин кислотаси ширинмия ўсимлигининг илдизидан ажратиб олинган биологик фаол модда бўлиб, гормон сифатли стимуляторлик хусусиятларга эга. Биологик фаол бирикмалар асосида яратилган к/х экинларининг стимуляторлари сифатида, иқлим ўзгариши шароитига мосланиши осонлаштиришда қўллаш ҳозирги кун талабига айланмоқда.

ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида яратилган глицирризин ва салицил кислоталарни супрамолекуляр комплекси (ДАГ-1) ва глицирризин кислотанинг моноамонийли тузи (ДАГ-2)ни, ғўзанинг Султон навидаги морфофизиологик кўрсаткичларга ҳамда махсулдорликга таъсирини ўрганиш тадқиқот ишининг мақсадларидан биридир.

Тажрибада ғўзанинг Султон нави уруғлари экишдан олдин ДАГ-1 препаратининг 10^{-7} М концентрацияли эритмасида ишловланди (бўктирилди) ва



назорат вариантида эса сув билан бўктирилди. Тажриба намуналарида барг орқали озиклантириш ўсув даври давомида икки марта 3-4 чин барг чиқаргандан кейин ДАГ-2 препаратининг 10^{-6} М концентрацияли эритмаси билан ва шоналаш даврида эса ДАГ-1 препаратининг 10^{-7} М концентрацияли эритмаси билан олиб борилди.

Тажрибада фенологик кузатув ва ҳисоб ишлари Ўз ПИТИ методикаси бўйича, биологик махсулдорлик А.А.Ничепорович методикаси бўйича, Тажрибада пахта ҳосилдорлигининг иқтисодий таҳлили .А.Доспехов услубига кўра аниқланди.

Ўсимликнинг ҳосил элементлари асосан ҳосил шохларида, яъни симподиал шохларда шаклланади. Тажрибада ДАГ-1 препаратининг самарадорлиги ва барг орқали ДАГ-2 препарати билан ишловлашнинг аҳамияти ўсимликларда ҳосил элементларининг шаклланишида ҳам яққол намоён бўлди.

Июль ойида олиб борилган фенологик кузатувларда назорат вариантида ҳосил шохлар 5 донани, шоналар сони 4 донани, тажриба вариантида ҳосил шохлар 8-9 донани, шоналар сони 7-8 донани ташкил этди. Илдиздан ташқари ДАГ-2 препарати билан ишловлаш ҳисобига ҳар бир ўсимликда назорат вариантига нисбатан 4-5 дона, кўпроқ ҳосил элементлари шаклланди. Ғўзани илдиздан ташқари ДАГ-2 препарати қўлланилган шароитда ўсимликни касаллик ва сўрувчи зараркунандаларга чидамлилиги ортади, физиологик жараёнлар жадаллашади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий таъсир этиб, пахта ҳосилдорлигида намоён бўлади.

Тажрибадан минерал ўғитлар одатдагидек илдиздан берилган назорат вариантида ҳосилдорлик 30.1 ц/га ни ташкил этди, минерал ўғитлар одатдагидек тупроқдан ва маълум бир қисми илдиздан ташқари барг орқали ДАГ-2 препарати қўлланилган вариантларда пахта ҳосилдорлиги 34.5 ц/га ни ташкил этди. Ғўзани илдиздан ташқари озиклантириш ҳисобига назорат вариантига нисбатан 4.4 ц/га кўшимча ҳосил етиштирилди.

Демак, ғўзани илдиздан ташқари барг орқали ДАГ-2 препарати билан ишловлаш пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тола чиқимини яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир.



ШЎРЛАНИШ ШАРОИТИДА ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ПРЕПАРАТЛАР БИЛАН ИШЛОВЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛИ ВА ТОЛА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Наврузов С.Б., Хашимова Н.Р, Ахунов А.А., Бабаева Д.Т., Нурматова М.И.

ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
Ташкент, Мирзо Улугбек кўч, 83
sanjarbeknavruzov@gmail.com

Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, пахта етиштириш асосий аҳамиятга эга. Техноген ривожланишнинг жадаллашуви, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви техник ўсимликлар, хусусан, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигини оширувчи, ҳосил сифатини яхшиловчи экологик тоза стимуляторлар топиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик амалиётидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини экишдан олдин уларга стимулловчи хусусиятлари аниқланган турли физиологик фаол моддалар билан ишлов берилмоқда.

Ушбу тадқиқот ишида Сирдарё вилоятининг шўрланган дала майдонларига Султон нави уруғлари экиш олдида ДАГ-1 (глицирризин ва салицил кислоталарининг супромолекуляр комплекси) препаратининг 10^{-7} М концентрацияли эритмаси билан ишловланди ҳамда шоналаш даврида ғўза баргларида ДАГ-2 (глицирризин кислотанинг моноамонийли тузи) препарати билан ишловланди.

Ғўзанинг асосий белгиларидан бўлган тола сифати кўрсаткичлари (Тола узунлиги, пишиқлиги ва элонгацияси) га препаратларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида HVI (High Volume Instrumentation- юқори даражали ўлчов ускунаси)



ускунасида таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра препаратлар билан ишловланган намуналарда тола узунлиги 1.11 дюйм, пишиқлиги 32.2 ткуч/текс, ва элонгацияси 6.2 % ни ташкил этди. Назорат намуналарида ушбу кўрсаткичлар қуйидагича тола узунлиги 1.06 дюйм, пишиқлиги 30.0 ткуч/текс, ва элонгацияси 6.1 % эканлиги аниқланди. Бундан, препаратлар билан ишловланган намуналарда назоратга нисбатан тола сифати кўрсаткичлари яхшиланганлигини кўриш мумкин.

Микроскопик кузатишлар ва гистокимёвий таҳлиллар асосида препаратлар таъсирида пахта толаси назоратга нисбатан 10 кун илгари етилганлиги кузатилди. Тажриба майдонидаги пахта ҳосили назоратга нисбатан ўрта ҳисобда 5 центнерга кўтарилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ДАГ-1 ва ДАГ-2 препаратларининг нафақат ғўзанинг стресс омилларига чидамлилигини индуцирловчи ва ривожланишни стимулловчи хусуиятига, балки тола етилишига ижобий таъсир этувчи хоссага эга эканлиги тасдиқланди.

ҒЎЗА БАРГЛАРИДАГИ ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНИГА ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ПРЕПАРАТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Наврузов С.Б., Хашимова Н.Р., Ахунов А.А.

ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
Ташкент, Мирзо Улугбек кўч, 83
sanjarbeknavruzov@gmail.com

Ўзбекистон Республикасини деярли барча худудларининг иқтисодий жиҳатдан фаровонлиги ва ривожланиш истиқболлари биринчи навбатда ғўзадан юқори ҳосил олиш билан боғлиқ ҳисобланади. Ғўзанинг ўсишига туртки берувчи, экологик жиҳатдан тоза ва иқтисодий жиҳатдан самарадор ҳисобланган янги стимуляторларни қўллаш пахтачиликда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йиллардаги амалиёт натижалари кўрсатишича, ғўза барглари шоналаш



вақтида глицирризин кислотаси бирикмалари билан ишлов бериш техник маҳсулот миқдори ва сифатини ошириши қайд қилинган. Айниқса, Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқ иқлим шароитида бу ҳолат муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки, тупроқ шўрланиши натижасида ўсимликлардаги оксидланиш стрессини келтириб чиқарадиган кислороднинг фаол шакллари миқдорини камайтирадиган тизимлар самарали ишламаса, пластидаларнинг яхлитлиги бузилади ва фотосинтез фаоллиги пасаяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб тажриба давомида Сирдарё вилоятининг шўрланган дала майдонларидаги ғўзанинг Султон нави ниҳоллари шоналаш даврида 10^{-7} М глицирризин кислотаси асосида олинган бирикмалар (2ГК:СК, (ГК)₂Сu, Zn(ГК)₂) билан ишловланди ва барглардаги фотосинтез пигментлари миқдори ўрганилди.

Баргларда фотосинтез миқдорини аниқлашда Арнон услубидан фойдаланилди. Глицирризин кислотаси асосида олинган бирикмалар билан ишловланган намуналардан 200 мг тортиб олинди ва 80 % ли ацетон билан экстракция қилинди. Олинган экстрактлардаги умумий хлорофилл (652 нм), хлорофилл а (663 нм), хлорофилл b (645 нм), умумий каротиноидлар (470 нм) спектрлари UV-1800 спектрофотометрида ўрганилиб, Lichtenthaler ва Wellburn формулалари асосида хлорофилл миқдори аниқланди.

Ќўза баргларидаги фотосинтез пигментлари миқдори (умумий хлорофил, Хл *a*, Хл *b* ва каротиноидлар) ДАГ-1 препарати билан ишловланган намуналарда назоратга нисбатан (н/н) 119.9 %, 144 %, 108.2%, 121.5% юқори эканлиги аниқланди. Глицирризин кислотанинг Сu микроэлементи билан ҳосил қилинган бирикмаси ((ГК)₂Сu) билан ишловланган намуналарда н/н умумий хлорофилл 86.57 %, Хл *a* 72.9 %, каротиноидлар миқдори 87.6 % га камайганлиги, Хл *b* миқдори эса 108.26% га кўпайганлиги ўрганилди. Рух диглицирризинатида н/н умумий хлорофилл миқдори 106.71 % ортган, Хл *a* 62.93%, Хл *b* 57.85%, каротиноидлар



микдори эса 89.24 % камайганлиги кузатилди.

Олинган натижаларга кўра Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқ иқлим шароитида ўсимликларнинг турли хлорофилл микдорларининг камайиши хлорофилаза ферменти фаоллигининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунга кўра, фотосинтез самарадорлиги ва фотосинтетик пигмент таркибини таҳлил қилиш орқали ДАГ-1 препарати бошқа препаратларга нисбатан афзаллиги номоён бўлди.

Ушбу натижаларга таянган ҳолда пахтачиликда ғўза кўчатларини шоналаш даврида глицирризин кислотаси асосида олинган препаратларнинг 10^{-7} М эритмаси билан ишловлаш орқали фотозинтез жараёнларига ижобий таъсир этиб толаси сифатли бўлган пахта ҳосилини олиш мумкин.

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ БИОПРЕПАРАТОВ НА ПОВЫШЕНИЕ УРОЖАЙНОСТИ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА ПОРЛОК-4

Рахматова Н.Р.¹, Дарманов М.М.¹, Камбурова В.С.¹, Рахимова Г.О.¹,
Норматов С.Э.¹, Хашимова Н.Р.², Ахунов А.А.²

¹ ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

² ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
rakhmatova_nodira@mail.ru

Увеличение урожайности хлопчатника является главной задачей стратегического значения, которая обеспечивает, хлопковую независимость и повышает благосостояние населения страны.

Целью наших исследований являлось изучение эффективности применения биопрепаратов, способствующих повышению урожайности и технологических свойств волокон сорта хлопчатника Порлок-4.

В соответствии с целью исследований были поставлены следующие задачи: изучение влияния биопрепаратов на полевую всхожесть семян и выживание хлопчатника, на рост, развитие, урожайность хлопчатника и на технологические



свойства хлопковых волокон, а также оценка влияния биопрепаратов на устойчивость хлопчатника к биотическим и абиотическим факторам внешней среды, определение экономической эффективности применения биопрепаратов.

Результаты наших наблюдений показывают, что самая высокая урожайность наблюдалась при использовании биопрепарата Ризоком-1. Так, например, вес хлопка в одной коробочке в среднем составлял 3-3,3 гр, а вес корня - 4,2 гр. При обработке биопрепаратом ДАГ-1 также получены высокие результаты. При этом средний вес хлопка в одной коробочке составлял 2,9-3,0 гр. При исследовании корневой системы было обнаружено, что в варианте ДАГ-1 корни хлопчатника были немного короче, чем у других вариантов, более низкий вес (2,4-2,5 г), но больший рост боковых корней.

Фенологическими наблюдениями было установлено, что в контроле вес хлопка в одной коробочке составил 2,5-2,7 гр, но количество завязей и раскрытых коробочек намного меньше, чем при обработке ДАГ-1.

Таким образом, наибольшая всхожесть семян и урожайность хлопчатника наблюдались при использовании биопрепаратов Ризоком-1 и ДАГ-1, а также их сочетание, что позволяет заключить о целесообразности использования биопрепаратов Ризоком – 1 и ДАГ–1 для повышения продуктивности хлопчатника.

ИЛДИЗ ТИЗИМИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШГА МОСЛАШГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА САМАРАЛИ АГРО-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Санаев Н.Н., Норбердиев Т.Н.

ЎЗР ФА Генетика ва Ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти Қибрай тумани Юқори-юз кўчаси,
sanaev.nor@yandex.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш



учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сонли қарорида пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича ушбу технологияга мослаштирилган илдиз тизимли ғўза навларини етиштириш агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш вазифалари кўрсатилган.

2019 йилда Институтнинг Зангиота тажриба базасида ўрта толали ғўзанинг янги Келажак, Навбахор-2, Афсона, ингичка толали ғўзанинг Марварид навлари томчилатиб суғориш усулида 2 хил сув режимида, яъни сув билан оптимал таъминланганлик ҳамда сув танқислиги шароитларида ўсимлик сони турлича бўлган миқдорларда экилиб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Оптимал сув режими фонида тупроқ намлиги чекланган дала намлик сиғими (ЧДНС)га нисбатан доимий равишда 68-70% атрофида ушлаб турилади, сув танқислиги, яъни моделлаштирилган қурғоқчилик фони эса ўсимликларнинг оммавий гуллаш-ҳосил тўплаш фазаларида суғориш сонини ва ҳажмини камайтириш ҳисобига барпо қилинди.

Ҳар иккала вариантлардаги навларнинг ўсимликларида бир вақтнинг ўзида тегишли фенологик кузатувлар олиб борилди. Оптимал сув режимида ҳар бир нав бўйининг баландлиги, ҳосил шохларининг типи, гуллаш ва кўсақлари очилиш жадаллиги бўйича ўз имкониятлари даражасида кўрсаткичларни намаён этди. Афсона ғўза нав бошқа навларга нисбатан бўйининг пастлиги, ҳосил шохларининг 1-типга мансублиги ва кўсақларнинг очилиш жадаллиги юқори эканлиги билан ажралиб турди. Модиллаштирилган қурғоқчилик фонида барча навларнинг бўйининг баландлиги пастроқ, гуллаш ва кўсақларининг очилиш жадаллиги юқори бўлди.

Ўсимликлар сув алмашинувининг физиологик кўрсаткичлари - барглардаги умумий сув миқдори, транспирация жадаллиги, баргларнинг сув ушлаш хусусияти ҳамда илдиз системасининг ўсиши, морфоҳўжалик белгиларининг кўрсаткичлари аниқланди. Физиологик кўрсаткичлари бўйича навлар кесимида катта фарқланиш



кузатилмади. Илдиз тизимининг ривожланиши Навбахор-2, Марварид, Келажак навларида кучли эканлиги, Афсона ғўза навининг илдиз тизими бошқа навларга нисбатан ўқ илдизи кучсиз ривожланганлиги, ён илдизлари эса яхши ривожланиши аниқланди.

Битта ўсимликка тўғри келадиган пахта маҳсулдорлиги оптимал шароитда барча навларда юқори (битта ўсимликдаги пахта ҳосили бўйича 185 дан 75 граммгача), қурғоқчилик фонида эса нисбатан пастироқ (100 дан 45 граммгача) кўрсаткичларни намаён этди.

Тадқиқот учун олинган барча навларнинг тола сифати ҳамда технологик кўрсаткичлари аниқланганда вариантлар бўйича катта фарқланиш кузатилмади, навлар кесимида тола узунлиги бўйича Марварид ва Навбахор-2 ғўза навларида юқори (37,8 ва 35,2 мм), тола чиқими бўйича Афсона ва Навбахор-2 ғўза навларида (41,4 ва 40,3 %), тола индекси бўйича ҳам Навбахор-2 ва Афсона ғўза навларида (8,4 ва 7,7 г) кўрсаткичлар билан бошқа навларга нисбатан юқори бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқот учун олинган барча ғўза навларини томчилатиб суғориш технологиясини қўллаган ҳолда етиштириш мумкин, лекин уларнинг кўчат сонига эътибор бериш керак бўлади. Шунингдек, сув сарфини кучли назорат қилиш лозим бўлади. Навбахор-2, Марварид ғўза навларига кўп сув берилганда ўсимлик бўйининг ўсиб кетишига олиб келса, Афсона ғўза навининг кўчат сонини ошириш ҳисобига ҳосилдорлик кескин ошади.

КАРТОШКА ПАТОГЕН ВИРУСЛАРИНИНГ ЮҚИШ ЙЎЛЛАРИ

Тоғаев С.А.¹, Тоғаева М.А.²

¹ЎзМУ биология факультети 2-босқич магистранти

²Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

Solanaceae оиласига мансуб картошка ўсимлиги инсонлар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.



Картошка тугунаги юқори қимматли озиқ манбаи ҳисобланиб, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади. Тугунақларининг озуқавий қиммати улар таркибидаги биоген бирикмалар оқсиллар, крахмал, органик кислоталар, азотли бирикмалар ва минерал моддалар билан белгиланади.

Картошка тугунаги таркибида 75-80 % сув, 23,7 % қуруқ модда, шу жумладан 17,5 % крахмал, 1-2 % оқсил, 0,5 % қанд моддаси, 1 % минерал тузлар шунингдек В₁, В₂, В₆, С, РР, D витаминлари мавжуд.

Дуккакли ўсимликлар дуккагидаги оқсилларни умумий миқдори массасига нисбатан 20-40 % ни ташкил қилса, азотли моддалар картошкада 2% , сабзавотларда 1-2 % ва меваларда 0,4-1,0 % гача бўлгани учун бу турдаги маҳсулотлар оқсил манбаи сифатида катта аҳамиятга эга эмас. Лекин картошка бундан мустасно, чунки бу маҳсулотни инсон бир кунда 330 г истеъмол қилиши оқсилга бўлган талабни 8 % ташкил этади. Картошка таркибидаги оқсилли азот, сабзавот ва мева таркибидаги оқсилсиз азотдан 1,5-2,5 марта кўп. Картошка оқсили биологик тўлақонли оқсил ҳисобланади, чунки таркибида ҳамма ўрни қопланмайдиган аминокислоталар мавжуд.

Дунё деҳқончилигида картошка экин майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан сўнг 4-ўриндаги озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Ҳозирги кунда картошка мамлакатимизда йилдан-йилга танқис бўлиб бормоқда. Бунга асосий сабаб картошка ўсимлиги зарарланиши, шу жумладан фитопатоген вируслар билан касалланишидир.

Бутун дунёда картошка ўсимлигини 40 дан ортиқ вируслар касаллантириши аниқланган бўлиб, уларнинг номланиши лотин ҳарфлари билан белгиланган: X, S, M (K), A, Y, F (G), L ва б.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир қанча картошка вируслари тарқалган бўлиб, улар турли йўллар билан юқади.

Картошка –X вируси (КХВ)- вирус табиий шароитда контакт усулда юқади,



тупроқ ва ўсимлик шираси ёрдамида тарқалади. Картошка- Y вируси (KYB)- KYB механик усулда юқиб картошка тугунагида сақланади, табиий шароитда эса ўсимлик органларининг бир-бирига тегиши натижасида ва бир қатор ўсимлик битлари ёрдамида тарқалади. Картошка-S вируси (KSB) – бу вирус картошка тугунагида сақланади. Табиий шароитда ўсимлик аъзоларининг бир-бирига тегиши ва ишқаланиши ҳамда бир қатор ўсимлик ширалари ёрдамида тарқалади. Картошка-M вируси (KMB)- KMB механик усулда осон юқади, табиий шароитда эса ўсимлик ширалари ёрдамида тарқалади, аммо ўсимликнинг бир-бирига тегиши орқали юқиши ҳам аниқланган. Картошка-L вируси (KLB)- бу вирус механик усулда юқмайди, аммо пайвандлаш орқали осон юқади. Табиий шароитда эса бир қатор ўсимлик битлари ёрдамида тарқалади. Картошка моп-топ вируси (KMTB)- бу вирус ўсимликдан ўсимликка юқади, шунинг учун экишдан олдин тугунакларни синчиклаб танлаб олиш ва картошка етиштириш пайтида зарарланган ўсимликларни топиб уларни йўқ қилиш зарур. Ўсимликлардан ташқари баъзи бир ҳашаротлар масалан шира бити моп-топ ташувчиси ҳисобланади. Картошка-A вируси (KAB)- KAB табиий ҳолда бир қатор ўсимлик битлари ёрдамида тарқалади, аммо механик усулда юқмайди. Картошка-T вируси (КТВ)- КТВ юқумли шира орқали осон юқади. Бу вирус ҳашаротлар орқали юқмайди. Бу вирус *Nicandra physaloides*, *D.Stramonium* va *Solanum demissum* ўсимликларга механик усулда юқади. Беда мозаикаси вируси (БМВ)- вирус *Macrosiphum pisi* шира бити ва бошқа турдаги шира битлари орқали тарқалади, шунингдек механик усулда ҳам юқади. Бу вирус картошкада камдан-кам учрайди ва унинг тугунак орқали тарқалиши аниқланмаган.

Картошкани касаллантирувчи вирусларини юқиш йўллари билиш вирусга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва фитопатоген вируслар кўпайишини олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.



БУҒДОЙДА ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИНИ ЧИҚАРУВЧИ *FUSARIUM CULMORUM* (W.G. SMITH) *SACCARDO* БИОЛОГИЯСИ

Шеримбетов А.Г.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, юқори-юз Юқори-юз п/о.
inst@gen.org.uz

Ўзбекистон Республикаси шароитида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларнинг чўлда 12 та, адирда 7 та, тоғда 10 та, яйловда 6 та турга мансуб вакиллари учрайди. Соғлом ўсимликлар ризосферасида ҳаёт кечирадиган замбуруғлар орасида асосан сапротроф турлар миқдори кўп бўлса, касал ўсимликлар ризосферасида патоген турлар устунлик қилади.

Республикаимиз шароитида *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғлар 20 оилага мансуб бўлган 57 турдаги юксак ўсимликларни касаллантириш хусусиятига эга эканлиги таъкидлаб ўтилади. Фузариоз касаллигини кўзгатувчи турлар факультатив паразит замбуруғлар бўлиб, сўнгги йилларда ғалла майдонларининг кенгайиши натижасида уларнинг турлари таркиби кенгайган. Ушбу туркумга мансуб замбуруғлар буғдойни илдизидан тортиб то бошоғигача зарарлаши, ҳосилдорликни 50% гача камайтириши билан бирга доннинг сифати пасайишига олиб келиши аниқланган.

Fusarium туркуми турлари орасида барча ғалла экинларига юқори патогенлик хусусиятлари *F. culmorum* турида аниқланган. Ушбу замбуруғ буғдойдан ташқари арпа, тритикале ва бошқа ғалла экиларига зарар етказди. Фузариоз илдиз чириш касаллиги жаҳоннинг барча мўътадил иқлимли давлатларида энг хавфли касалликлардан бўлиб, ушбу патоген замбуруғ қишлоқ хўжалик экинларини зарарлаш даражаси йилдан-йилга ошиб борган. *F. culmorum* замбуруғи полифаг паразит ҳисобланиб, кузги донли экинларни ҳамма ўсиш, ривожланиш даврида ва барча қисмларини зарарлайди, шунингдек, асосий поя, барг, бошоқ ва донларини



шикастлайди. Ғалла экинларида *F.culmorum* замбуруғининг патогенлик хусусияти юқори эканлиги аниқланган.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғларни ажратиш мақсадида экспедицияларга чиқилди ва далалар фитосанитар назоратдан ўтказилди. Фитосанитар назоратдан ўтказиш жараёнида касалланган ўсимликларнинг намуналари тўпланди ва лабораторияда микологик таҳлил қилинди.

Fusarium culmorum (W.G. Smith) Saccardo – мўътадил иқлимли минтақаларда тарқалган. Бу тур бошоқли экинларда илдиз чириш кўзғатади, донда ва тупроқдаги ўсимлик қолдиқларида учрайди. Макроконидиялари тўқ-сарик спородохийларда катта миқдорда шаклланади, ўлчами 30-45x2-4 мкм. Макроконидиялари калта бўлиб, кучсиз ривожланган базал хужайралар ва учки қисми юмалоқлашган апикал хужайраларга эга. Макроконидиялар спородохийда тармоқланган конидиофораларнинг монофиалидаларида ва кам ҳолларда гифаларнинг монофиалидаларида ҳосил бўлади. *F. culmorum* катта споралар тўдасида (диаметри 1-2 см) катта миқдордаги спородохийлар ҳосил қилган ҳолда тез ўсиб, ривожланиб, дастлаб оч-сарик рангда бўлиб, кейинчалик қорамтир-жигар ранг тусга киради. Спора массаларининг ҳалқалари ёруғлик ва ҳароратнинг ўзгарувчан шароитларида баъзи изолятларда ҳосил бўлиши мумкин. Кўпчилик штаммлар агарли муҳитда қизил пигмент ҳосил қилади, бироқ баъзилари оч-жигар ранг мицелий ва оч-жигар ранг пигментга эга бўлиши мумкин.